

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БҮЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБ
ИДОРАСИ

**ТИШ ЖАРРОҲЛИГИ
СТОМАТОЛОГИЯСИ
ВА ЮЗ-ЖАҒ
ТРАВМАТОЛОГИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта
маҳсус қасб-хунар таълими маркази
томонидан тиббиёт коллежлари учун
дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
ТИББИЁТ НАШРИЁТИ
2003

56.6

УДК 616-089

Т у з у в ч и л а р: Саттор Ҳабибуллаевич Юсупов – I Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи “Жарроҳлик стоматологияси” кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори.
Дилмурод Жумаевич Ашурев – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт билим юрти ўқитувчиси.

Т а қ р и з ч и л а р: М. Б. Убайдуллаев – II Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи “Жарроҳлик стоматологияси” кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори.
Ш. А. Абдуллаев – II Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи “Жарроҳлик стоматологияси” кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори.
Я. А. Аллаёрөв – Самарқанд Давлат тиббиёт билим юрти директори, олий тоифали ўқитувчи.

Т 57 **Тиш жарроҳлиги стоматологияси ва юз-жаг травматологияси:** Тиббиёт коллажлари учун дарслик (Тузувчилар.: С. Х. Юсупов, Д. Ж. Ашурев)–Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.–1686.

Ушбу дарслик тиббиёт коллажларида “Стоматология йўналишида таълим олётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, унда бўлажак тиш враҷлари учун зарур бўлган масалалар ёритилган. Дарслик бўлажак тиш враҷига унинг касбий-амалий фаолияти асосларини ўрганиш ва билим даражасини оширишида ёрдам беради, деган умиддамиз.

56.6я722

Ю 410812000-09
М 354(04)-2003

ISBN 5-638-00952-3

© Абу Али ибн Сино нашриёти, 2003й.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, барча соҳалардаги каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди.

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га асосланган ҳолда юқори малакали, кенг доирада фикрлайдиган, чуқур назарий билимга эга бўлган, амалий кўнникмаларни аниқ, пухта бажара оладиган ва замонавий тиббиёт асбоблари билан ишлай оладиган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги давр талабидир.

Шу мақсадда тиббиёт соҳасида талабаларни янги ўқув дарслеклари билан таъминлаш ҳам бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Қўлингиздаги дарслик тиббиёт коллежларида «Стоматология иши» йўналишида таълим олаётган ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, бўлажак врачга унинг касбий-амалий фаолияти асосларини ўрганиш ва билим даражасини оширишда ёрдам беради, деган умиддамиз.

Дарсликни тайёрлашда турли йилларда чоп этилган адабиётлар, Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи профессор ўқитувчилари томонидан тайёрланган маъруза матнлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистика маълумотлари ва ҳамкарабаларимизнинг маслаҳатларидан фойдаландик.

Ушбу дарсликда камчиликлар бўлиши табиийдир, шунинг учун бизга билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар, маслаҳатларни самимият билан қабул қиласиз ва буни китобни қайта нашр қилишда инобатга оламиз.

1. КИРИШ

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳар 10 минг аҳолига ўртача 3,0 стоматология ихтисосидаги мутахассис врачлар (олий маълумотли стоматолог ва ўрта маълумотли тиш врачлари) тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Шулардан 0,4 қисми ўрта маълумотли тиш врачларига тўғри келади. Бундан 20–30 йиллар муқаддам бу кўрсаткич 1,2 ни ташкил қилган бўлиб, йиллар мобайнида камайиб келган.

Ўзбекистон Республикасида кенг миқёсда ўтказилган эпидемиологик изланишлар натижаларига кўра, катта ёшдаги аҳоли орасида тиш кариеси касаллиги шаҳарларда ўртача 97,1% ва қишлоқларда 93,3% тарқалган. Ҳар бир катта ёшдаги фуқарода ўртача умумий КПО миқдори 8,41 ва 7,56 тишни ташкил қилади ва охирги кўрсаткичга асосан шаҳар аҳолиси орасида 50,0%, қишлоқ аҳолиси орасида эса 52,5% «О» элементига (олинган ёки олиниши керак бўлган тишлар) тўғри келади. Бу эса катта ёшлаги ҳар бир фуқарода ўртача 0,6 тиш олиб ташланилишига эҳтиёж борлигини кўрсатади. Бу стандарт кўрсаткич ўзгарувчан тавсифга эга бўлиб, стоматологияда профилактика ва даволаш ишларининг яхшиланиб бориши жараёнида, тескари пропорционал ҳолатда камайиб боради. Шунинг учун ҳам ушбу стандарт стоматология хизмати мониторинги учун қўл келади. Бундан ташқари бу стандарт кўрсаткич келажакда бошқа стандартлар қатори мажбурий тиббий суғурта амалиётида суғурта қийматини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Хозирги пайтда катта ёшдаги аҳоли орасида ҳар 1000 кишидан шаҳарларда 41,4 та ва қишлоқларда эса 32,1 таси юз-жағ тизимининг турли хил касалликлари бўйича жарроҳлик ёрдамига муҳтож. Буларнинг ҳаммаси биргаликда аҳолига кўрсатилиши зарур бўлган стоматология жарроҳлиги хизматининг ҳажмини белгилайди ва бу хизмат узоқ

муддатга белгиланган давлат дастури асосида босқичмада босқич амалга оширилиб борилади.

2. СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАЛАРИДА ЖАРРОХЛИК СТОМАТОЛОГИЯСЫ ХОНАСИ (БҮЛІМІ)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда барча шаҳар ва туман стоматология поликлиникалари ҳамда умумий соматик поликлиникалар таркибида стоматология жаррохлығы хоналари ташкил қилиниши ва улар камида 3 хонадан иборат бўлиши лозим: операция хонаси (14 м^2), стериллаш хонаси (10 м^2) ва кутиш хонаси (умумий хоналардан фойдаланишга рухсат этилади).

Қишлоқ, шаҳар врачларлик пунктлари, соматик касалхоналар таркибидаги стоматология кабинетларида умумий амалиёт стоматологи қабули ташкил қилиниб, унда жаррохлик қабули ҳам ташкиллаштирилиши кўзда тутилган.

Хусусий ва аралаш мулк белгилари бўлган (хусусий тадбиркор, масъулияти чекланган ва акционерлик жамиятлари) стоматология клиникаларида жаррохлик қабули санитария талабларига жавоб берадиган даражада маҳсус ажратилган хоналарда ташкил қилиниши зарур.

Стоматология жаррохлыги бўлимлари, асосан республика, вилоят ва катта шаҳарлардаги маслаҳат берувчи стоматология поликлиникаларида ташкил қилиниши мумкин. Бундай бўлимларни ташкил қилиш учун шу ердаги жарроҳ стоматологларнинг сони 7 лавозимдан кам бўлмаслиги лозим. Бу лавозим унинг 0,5 ставка ҳажмидаги жарроҳ стоматолог лавозими бўлим бошлиғи лавозимига ўзгартирилади. Агар жарроҳ стоматологлар 12 та лавозимга етса, у ҳолда қўшимча 1,0 ставка ҳажмида бўлим бошлиғи лавозими берилади.

Стоматология жаррохлыги бўлими камида 5 хонадан иборат бўлиб, буларга камида 1 ўриндиқقا мўлжалланган операция хонаси (майдони 23 м^2), кутиш хонаси (майдони 5 м^2), операция олди хонаси (майдони 10 м^2), стериллаш хонаси (майдони 8 м^2) ва операциядан кейин беморларнинг вақтинча дам олиш хоналари киради. Агар операция хонасига иккитадан ортиқ ўриндиқ қўйилган бўлса, у ҳолда ҳар бир қўшимча ўриндиқ учун 7 м^2 майдон ҳажмида қўшимча жой берилади.

Стоматология соҳасидаги битта жарроҳ врачи штатига 1 ставка тиббий ҳамшира ва 1 ставка кичик тиббий ҳамшира (санитарка) лавозими берилиши белгилаб қўйилган.

Булардан ташқари республика, вилоят ва шаҳар касалхоналари таркибида стоматология стационар бўлимлари (юзжарроҳлиги бўлими) ташкил қилинади. Стоматология ётоқ ўринларининг сони 30 тадан бўлмаган ҳолдагина улар алоҳида бўлим қилиб ташкил қилинади. Акс ҳолда умумий жарроҳлик бўлимларининг бирида алоҳида стоматология ётоқ ўринлари ташкил қилинади.

Поликлиниканинг бошқа врачлари каби, стоматология жарроҳлиги хоналари (бўлимлари)да ишловчи врачлар ташхис қўйиш, даволаш, профилактика ҳамда диспансер кузатуви ишларини олиб борадилар. Булардан ташқари, улар стационарларда даволаниб чиққан беморларни кузатадилар ва керакли чора-тадбирларни ўтказадилар.

Стоматолог врачларнинг ҳар кунлик ишини ҳисобга олиб бориш учун маҳсус ҳисоб шакли 039/x бўлган – «Стоматолог врачнинг кунлик ишини қайд қилиш ва рақаси» ишлатилади. Бу варақа ЎзР ССВнинг 2000 йил 29 июнь 193-сонли буйруғига биноан шу поликлиникада 1 йил сақланмоғи лозим. Тиш врачи ишини асосий ҳисобга оловчи юридик хужжат – бу беморнинг амбулатор картасидир (037/x шакл). Бу хужжат поликлиникада 5 йил муддатга сақланади. Шундан кейин ундан олинган қисқача ёзма кўчирма беморнинг умумий амбулатор картаси (025/x шакл) га тикилган ҳолда архивда 25 йил муддатга сақланади.

ЎзРССВнинг 1992 йил 27 ноябрь 624-буйруғига биноан тиш врачларининг иш юклamasи стоматолог врачлари билан бир хил бўлиб, шартли иш бирлиги (ШИБ) билан белгиланади. 1 ШИБ қилиб шартли равища врачнинг 20 минут ичидаги иш ҳажми (ёхуд битта тишда ўрта кариесни даволаш вақти) қабул қилинган. Шунга кўра, 1 та тишни одатдагича олиш операцияси 1,0 ШИБ, техник қийинчиликлар билан олиш 1,5 ШИБ, шиллиқ қават лахтакчаларини ажратиши ҳамда альвеоляр сукни остеотомияси билан олиш 3,0 ШИБ деб белгилаган. Тиш врачи ёки стоматологнинг ихтиносидан қатъи назар, бир сменадаги иш бажариш мезони 6 кунлик иш ҳафтасида 21 ШИБни ва 5 кунлик иш ҳафтасида 25 ШИБни ташкил қилиши белгилаб қўйилган.

Жарроҳлик хонасининг асептика ва антисептика талаблари. Стоматология жарроҳлиги хоналарида ишловчи тиш докторлари асептика ва антисептика талабларига қатыйриоя қилишлари шарт.

Операция майдонидаги, ярадаги ва уларга тегиши мумкин бўлган барча жарроҳлик материаллари, асбоб-ускуналари ҳамда жарроҳ қўлларидаги микробларни кимёвий ёки биологик моддаларни қўллаш йўли билан йўқ қилишга антисептика дейилади. Ярага теккизилиши мумкин бўлган барча жарроҳлик ашёларини физиковий омиллар (юқори босим, ҳарорат, рентген ёки ультрабинафша нурлар ва ҳ.к.) воситасида заарсизлантириш, стериллашга асептика дейилади. Замонавий жарроҳлик амалиётида бу икки усулга ҳам бир хил талабда амал қилинади.

Боғлов ашёлари ва тиббий чойшаблар маҳсус металлдан ясалган биксларга жойланниб автоклавда, $2,0 \text{ кгс}/\text{см}^2$ буғ босими остида, 132°C иссиқликда 20 минут давомида стерилланади. Резина қўлқоплар, шиша идишлар ва устига 200°C деб ёзилган шиша шприцлар А ёки В маркали пергамент халталарга жойланган ҳолда автоклавда $1,1 \text{ кгс}/\text{см}^2$ буғ босими остида, 120°C иссиқликда 45 минут давомида стерилланади.

Барча стоматология жарроҳлиги хоналарида «Стерилланган стол» деб аталувчи стол бўлиб, унинг устига 2 қават қилиб стерилланган чойшаб ёпилади. Унинг қаватлари орасида шу иш кунига зарур бўлган барча стерилланган жарроҳлик асбоб-ускуналари ва эмал косачалар (лотоклар) сақланади. Чойшаб ва асбоблар ҳар куни янгиланади. Ҳозирги замон жарроҳлигига анестезия ва дори моддаларини юбориш учун бир маротаба ишлатиладиган шприцлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Металлдан ишланган шприцлар қуруқ иссиқлик берувчи маҳсус қурилма-шқафда 180°C ҳароратда 60 минут давомида стерилланади. Ўтқир-кесувчи асбоблар эса 96°C спиртда 2 соат ботириб қўйиш йўли билан стерилланади ва ундан сўнг улар маҳсус «учлик эритмада» сақланади (Formalini 20,0; Acidi carbolici 5,0; Narii bicarbonici 15,0; Aq.destill. 1000,0). Ҳозирги замон жарроҳлигига кесиш ишларини маҳсус бир маротаба ишлатиладиган скальпеллар ёрдамида бажариш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

Ишлатилган асбоб-ускуналар ва эмал косачалар кичик тиббий ҳамшира столига ювиш учун қўйилади. Бу ашёлар механик тарзда яхшилаб ювиб чайилгандан сўнг маҳсус стериллашдан олдинги ишловдан ўтказилади. Бу ишлов қўл билан ёки маҳсус механизациялаштирилган усулда бажарилиши мумкин. Қўл билан бажариладиган ҳар бир асбоб-ускуна маҳсус ваннада ярим соат давомида оқар сувда чайилади. Кейин 15 мин. давомида ҳарорати $+50^{\circ}\text{C}$ бўлган маҳсус юувучи эритмага (0,5% водород пероксида эритмаси билан 0,5% бирон-бир юувучи порошок аралашмаси) ботириб қўйилади. Сўнг шу эритмада чайилади ва қуруқ ҳаво стерилизаторида $80-85^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қуритилиб, стерилизация учун жўнатилади.

Стериллашдан олдинги ишловнинг сифати қуйидаги синовлар ёрдамида текширилади:

- 1) ювиб тозаланган асбоб-ускуналардаги қон қолдигини аниқлаш учун: бензидинли, амидопиринли ва ортотолидинли синовлар;
- 2) ювиб тозаланган асбоб-ускуналардаги юувучи моддаларнинг қолдигини аниқлаш: фенолфталеинли синов.

Қон қолдиги аниқланган асбоб-ускуналар қайтадан ювилади (синов учун бир вақтда ювилган асбоб-ускуналарнинг камида 3,5 таси текширилади). Юувучи моддаларнинг қолдиклари аниқланганлари эса фақат оқар сувда чайилади. Туфдонлар ва туфлаш учун ишлатилган эмал косачаларга (ичидагиси тўкилгандан кейин) 1-2% хлорамин эритмаси билан ишлов берилади ва улар яхшилаб сувла ювилади.

Жарроҳлик хоналари (бўлимлари)га иш куни давомида 2 маротаба ҳўл ишлов берилади – сменалар алмашиб пайтида ва иш куни охирида. Иш куни охирида хона поли, кафелланган девори, ойна токчалари, мебеллар совунли сув билан артиб чиқилади. Ҳар ҳафтада бир маротаба хоналарда тўлиқ тозалаш ишлари ўтказилади.

Стоматология хоналарида яраларни тикиш учун чок ашёлари доимо стерилланган ҳолда тайёр турмоги лозим. Ғалтак қилиб ўралган ипак ип қуйидаги усулда тўрт босқичда стерилланади:

1. 0,25% новшадил спирти эритмаси совун билан ювилади ва шу эритма билан 6-7 марта алмаштириб чайилади.

2. Сулема эритмасида (1:1000) 2–6 минут давомида қайнатилади.
3. Стерилланган идишга солиниб, устидан 96⁰ спирт қуйилади ва 8 кун сақланади.
4. Шиша ғалтакка ўраб олинади ва бошқа стерилланган, оғзи маҳкам ёпиладиган шиша банкага солинади ва устига 96⁰ спирт қуйилади, шундан сўнг ипак ип ишлатишга тайёр ҳисобланади.

Кетгут 96⁰ ли спирт билан артилиб, шиша ғалтакка ўраб олинади ва Люголь эритмаси (Jodi pure 1,0; Kalii jodidi 1,0; Aq.destill. 100,0) солинган шиша банкага жойлаштирилиб, 14 кун сақланади. Шундан кейин кетгут бошқа тоза стерилланган шиша банкаларга қўчирилади ва маҳсус бактериологик текширувлардан ўтказилгач, ишлатишга тайёр ҳисобланади.

Чок учун ишлатиладиган синтетикадан тайёрланган ашёлар 20 минут давомида қайнатиш йўли билан стерилланади.

Чок учун ишлатиладиган от ёлини стериллаш учун уни чўтка ва совун билан яхшилаб, сувни бир неча марта алмаштириб, то оқ рангдаги қўпик пайдо бўлгунча ишқаб ювилади. Тоза сувда чайилади, қуритилади. Узунлиги 50 см қилиб қирқилган от ёли юмaloқ қилиб ўралади ва 7 кун давомида бензинга солиниб ёғдан тозаланилади. Шундан сўнг сувда (уни 2 марта алмаштирилади) 40 минут давомида қайнатилади ва чиқариб стерилланган чойшаб устида қуритилади. Уни стерилланган шиша банкаларга жойлаштириб, устидан 96⁰ спирт қуйилиб, 7 кун сақланади. Шундан кейин спирт янгиланади ва яна 7 кун сақланади.

Чок учун ишлатиладиган ашёлар ҳар 10–15 кунда бактериологик текширувдан ўтказиб турилади.

Жарроҳ қўлини бемор қабули (операция)га тайёрлаш. Стоматология жарроҳлиги хонасида ишловчи тиш доктори ва унинг ёрдамчилари ўз қўлларининг тозалигига алоҳида риоя қилишлари, тирноқларини ўз вақтида ва тўғри олиб туришлари лозим. Иш бошлашдан ва операциядан олдин қўл соатлари, узук ва билакузукларни ечиш зарур. Агар йирингли яллигланиш ўчони текшириш лозим бўлса, резина қўлқопдан фойдаланиш ёки иложи борича аподактил усулда, яъни қўл панжаларини теккизмасдан текшириш керак.

Врач қўлларини оқар сувда, совун ва чўтка билан ишқалаб ювади, стерилланган дока ёки сочиқ билан артиб қуритади ва унга 2–3 минут давомида 70° этил спирти билан ишлов беради. Спирт ўрнига қўл терисини хлоргексидин биглюконатнинг 0,5% спиртли эритмаси билан артиш мумкин. Резина қўлқоп кийилганда ҳам қўлга шу тарзда ишлов берилади.

Юз-жағ соҳасида катта операциялар бажарилганда жарроҳ қўлини қўйидаги усулда юваб тайёrlаши мумкин, қўл оқар сувда чўтка ишлатмасдан, совун билан 1 минут давомида яхшилаб ювилади, стерилланган дока рўмолча билан артиб қуритилади ва 1 минут давомида «Первомур» (1 литр эритмада: 17,1 мл 30–33% водород пероксида ва 6,9 мл 1000% ёки 8,1 мл 85% чумоли кислотаси, қолгани сув) эритмаси солинган тоғарага ботирилади. Шундан сўнг стерилланган дока рўмолча билан артиб қуритилади.

Амбулатория шароитида операциядан олдин жарроҳ қўлларини диоциднинг (1:5000) қайнатилган сувдаги эритмаси солинган тоғорада 3 минут давомида ювиши мумкин. Кейин қўл стерилланган дока рўмолча ёрдамида артиб қуритилади ва 3 минут давомида 96° ли спирт билан ишлов берилади. Бу усулда тирноқ ости соҳаларига йод настойкаси билан ишлов бериш шарт эмас.

3. ЖАРРОҲЛИК ХОНАСИДА БЕМОРЛАРНИ ТЕКШИРИШ

Беморларга ташхис қўйиш мақсадида улар клиник жиҳатдан текширилади. Бу текширишлар тиббиётда умумқабул қилинган қоидалар ва усуллар асосида ўтказилади. Беморни кўришдан олдин ундан сўраб-суриштирилади. Бунда унинг шикоятлари, касалликнинг даври, сабаблари, оғриқнинг тавсифи ва унинг кучи, олдин ўтказилган даво турлари ва уларнинг самараси ўрганилади. Юз-жағ соҳасидаги яллигланиш жараёнларида унинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ўchoқни, яъни касал тишни аниқлаш лозим. Бу эса ўз навбатида патогенетик тўғри даво ўтказишга ёрдам беради. Агар хавфли ўсмалар мавжудлигидан шубҳа туғилса, у ҳолда бу ўсманнинг ўсиш тезлитини, оғриш-оғримаслигини, унинг доимийлиги ёки вақти-вақти билан йўқолиб туришини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Сўров пайтида бемор бошидан кечирган ва ҳозирги даврда мавжуд бўлган йўлдош касалликларга эътиборни қаратиш лозим. Булардан ташқари, bemornинг айрим дори моддала-рига бўлган ортиқча сезигрлиги, унинг иши ва ҳаётидаги шарт-шароитларни ўрганиш талаб қилинади.

Беморни визуал кўриб текширганда унинг юз кўринишига, юз тузилишига, терисининг рангига, нуқсонларнинг бор-йўқлигига ва асимметрия бузилган-бузилмаганлигига эътибор берилади. Юз тузилишидаги бузилишнинг мавжудлиги кўпинча яллиғланиш жараёнларига, травмага, онкологик касалликларга хос бўлади. Юз терисидаги чегараланган қизаришлар, кўпинча абсцесс ва флегмоналарга хос белги ҳисобланади. Кенг жойга тарқалган тери қизаришлари юз териси сарамасидан дарак беради. Пальпация ёрдамида юз тўқималарининг эластиклиги, қаттиқ-юмшоқлиги, юз суякларининг ташқи конфигурацияси бузилган ёки бузилмаганлиги, «пергамент қитирлаш» белгиси бор-йўқлиги аниқланади. Булардан ташқари, бу усул ёрдамида флюктуация белгиси, юз терисининг унинг остидаги тўқималар билан қотишиб бирикканлиги текширилади.

Ташхис учун юз ва бўйин соҳасидаги лимфатик тугунлар ҳолатини текшириш катта аҳамиятга молик. Бунда уларнинг ўлчамлари, силжувчанлиги, оғриш-оғримаслиги аниқланади. Яллиғланиш жараёнларида лимфа тугуларининг силжувчан ҳолда қолиб катталashiши – бу организм реактивлигини билдиради. Катталашиб қаттиқлашган лимфатик тугулар хавфли ўсмаларнинг метастаз берганлигини кўрсатиб, шу касалликнинг ривожланиш босқичини аниқлашда ёрдам беради.

Кейинги босқичда оғиз бўшлигини текширишга киришилади ва у шпатель, стоматология ойначаси, эгилган стоматология пинцети ва эгилган зонд ёрдамида амалга оширилади. Бунда оғизнинг очилиш даражаси, прикус, оғиз даҳлизи ва ўтувчи бурма, тишлар (тиш формуласи албатта тўлдирилади), парадонт, тил ҳамда тил ости дўмбоқчаси ва тил-жаф тарновчаси соҳасидаги шиллиқ қаватнинг ҳолатлари аниқланиб, юмшоқ ва қаттиқ танглай соҳалари ҳолатларига баҳо берилади. Агар оғиз очилишида чегараланиш бўлса, у ҳолда чакка пастки жаф бўғимининг функционал ҳолати (иккала томонда) аниқланади. Бунда бўғим бошча-

лари экскурсияси тұлиқлигига, оғизнинг очилиш даражасындағы эътибор берилади. Одатда физиологик әркін кенг очилады. Акс қолда оғиз очилишида чегараланиш борлығи аниқланады (тризм қолати: I даражасыда –фақат II ва III бармоқтар, II даражасыда – фақат II бармоқ сиғади, III даражасыда эса бу жойға бармоқ сиғмайды). Пастки жағнинг контрактурасидан шубҳа қилинса, чандықтарнинг бор-йүқлигі, жойлашиши, бириккан жойлары ва ўлчамлары аниқланады. Сұлак безлари касаллукларидан шубҳа туғилса, уларнинг чиқарув найчалары текшириб күрілади. Бу найчаларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган сўлак тошларини бир қўлнинг кўрсатгич бармоғини тил остига киритиб, иккинчи қўлнинг шу бармоғини жағ остига, оғиз ичидаги бармоқнинг қаршисига кўйиб (бу усул бимануал пайпаслаш усули дейилади), пайпаслаш йўли билан аниқлаш мумкин. Оқмалар мавжуд бўлганда, уларнинг йўналиши, чуқурлиги аниқланиб, тубидаги суюклар қолати зондлаш йўли билан текширилади. Юқори жағ бўшлигининг оғиз бўшлиғи билан ўзаро қўшилганлигини мавжуд оқмани зондлаш, оғиз-бурун синов усули ҳамда суюқликнинг оғиздан бурунга ўтишини аниқлаш усуллари ёрдамида аниқланады.

Қўшимча текшириш усуллари. Тишлар ва жағ суюклардағы турли хил патологик ўзгаришларни аниқлашда қўшимча рентгенография усулидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Тишлар ва юз суюкларини текширишда турли хилдаги рентген ташхис усуллари қўлланилади. Кенг стоматология амалиётида асосан кичик ҳажмдаги дентал рентген ташхис асбобидан (5D-2, «Minident») фойдаланилади. Бу асбоб тишлар, альвеоляр ўсиқлар, жағ бўлимлари, чакка-пастки жағ бўлими, ёноқ суяги ва равоғи, юқори жағ бўшлиғи туби, оғиз туби, қаттиқ танглай соҳаси, сўлак безлари ҳамда найчалари соҳаларини маҳсус қийшиқ проекцияларга, мақсадли рентген суратига тушириб ўрганиш имконини беради. Бу усуллар ўзининг оддийлиги, қўшимча маҳсус ускуналарни талаб қиласылғи билан ажralиб туради ва шунинг учун кенг кўламда қўлланилади. Жумладан, тишлар ва уларнинг атрофидаги пародонт тўқималари рентгенга орторадиал про-

екцияда оғиз ичидан туширилади. Чакка пастки жағбүғимлари, оғизни ёпиқ ва очық ҳолатда алоҳида-алоҳида қилиб, Рагта ёки Pordes усулларида олиш мумкин. М.В.Котелников (1970) юқори альвеоляр ўсиқ атрофидаги, олиш пайтида силжитиб чиқарылган тишларни ва шу атрофдаги аномал жойлашган тишлар ҳолатини, ўсмаларнинг ўсиш йўналишини аниқлаш учун маҳсус тангенциал проекцияларни таклиф қилган. Юқори жағ тубининг шу жағдаги тишлар илдизлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун (бўшлиқ тубининг тешилиб қолиши, унинг ичидаги илдизлари, ўсиб кирган кристалар мавжудлиги ва б.) маҳсус қийшиқ-контакт проекция (Юсупов усули, 1982) қўлланилади. Шу проекциянинг модификацияланган турлари юқори ва пастки жағнинг бир томонидаги барча тишлар ва альвеоляр ўсиқлар ҳолати ва пастки жағнинг тана соҳасини бир томондан тўлиқлигича рентген суратига олиб ўрганиш имконини беради. Бундан ташқари, пастки жағнинг энгак соҳасидаги патологик ўзгаришларни бўйин умуртқалари соясидан холи қилиб ўрганиш учун ҳам С.Х. Юсупов (1982) модификациядаги тешик проекциядан фойдаланиш мумкин. Ёноқ равоғи жароҳатларини ўрганиш учун дентал асбобда қийшиқ-контакт проекцияда олинган усулдан (С.Х. Юсупов, 1980) фойдаланиш яхши натижа беради. Булардан ташқари, юқори жағ ва танглай ёки оғиз тубини прикусда суратга олиш учун Mac Call ва Wall (1957) усули, пастки жағ бурчак қисмининг ташқи ва ички кортекал пўстлоқларини алоҳида-алоҳида қилиб битта рентген суратига олиб ўрганишда С.Х. Юсупов ва Ш.Д. Йўлдошева усули (1984) қўлланилади.

Умумий кўриниш берувчи проекциялардан бош мия чаноғи ва юз суюқларини олдиндан тўғри проекцияда (бурун-пешона ва бурун-энгак қўйилган ҳолатда) ва ёнбошдан олинган рентген суратларда ўрганилади. Булардан ташқари, ярим аксиал ва аксиал проекциядан олинадиган рентген суратлари ҳам қўлланилади. Аммо тиш ва жағлар ҳолатини бутунлигича ўрганиш учун энг қулай усул—бу ортопантомография усулидир. Бу усул фақат 3 хил кўринишни олишга ёрдам беради: 1. Тишлар альвеоляр ўсиқлар юқори ва пастки жағни иккала томондан бир вақтда. 2. Чакка пастки жағ бўғимларни иккала томондан бир вақтда. 3.

Юқори жағ бўшлиқларини иккала томондан бир вақтда. Бу усулнинг камчилиги унинг тўлиқ ҳажмдаги рентген суратини бермаслигидадир, чунки бу усулда жағларнинг маълум бир қалинликдаги (тахминан 1см) қатлами томография қилинади, холос. Бу камчиликни бартараф қилувчи усул панорамли рентгенография деб аталади. Аммо уни бажариш учун маҳсус асбоб талаб қилиниб, олинган сурат эса фақат альвеоляр ёй соҳасинигина эгаллайди. Ҳозирги кунда юз-жағ системасини майдалаб, чуқур ўрганиш учун компьютерли томограф ҳамда ядроли магнит резонаторлари ёрдамида олинган суратлардан фойдаланилмоқда.

Кўрилаётган тиш нервининг нейрофизиологик ҳолатини объектив аниқлаш учун электроодонтодиагностика (ЭОД) усули ишлатилади. Бунинг учун маҳсус электродонтометр ускунасидан фойдаланилади. Бундай ускуналар билан замонавий универсал стоматология комплекслари жиҳозланган. Бу усул яллиғланишга «сабабчи» тишни топиш, тиш илдизи атрофи кисталарига шу жойдаги қўшни тишлар илдизларининг боғлиқлиги ва бошқаларни аниқлашда кенг қўлланилади.

Булардан ташқари, ташхис учун маҳсус морфологик текширув усуллари ҳам қўлланилади. Улар 2 хил бўлади – цитологик ҳамда гистологик (биопсия) текширув усуллари. Бу қўшимча текширув усуллари стоматолог врачлар томонидан ўтказилиб, касаллик ташхиси учун муҳим, ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Касалликларни келтириб чиқарувчи микроорганизмлар ва уларнинг турли хил антибиотикларга бўлган сезигирлигини аниқлаш учун бактериологик текширувлар ўтказилиади.

Булардан ташқари, иммунобиологик текширувлар (комплементнинг қўшилиши ёки Вассерман реакцияси – сифилис касаллигини аниқлаш учун), қоннинг клиник таҳлили текширувлари, қон ва сийдикдаги қанд миқдорини биокимёвий усулда ўлчаш (қандли диабет касаллигига) каби қўшимча текшириш усуллари ҳам ўтказилиши мумкин. Зарур бўлса, меъда шираси ва сўлак ҳам текширилади.

Барча текширув натижалари беморнинг тиббий картасига (ҳисоб шакли 043/у) ёзилади.

4. ТИШЛАР ВА ОГИЗ БҮШЛИГИНИ ОГРИҚСИЗЛАНТИРИШ.

Маҳаллий оғриқсизлантириш. Инсон эс-хүшини сақлаган ҳолда тананинг бирон-бир қисмидаги оғриқ сезгисини йўқотишга қаратилган даво чораси маҳаллий оғриқсизлантириш деб аталади. Маҳаллий оғриқсизлантиришнинг инъекцион (инфилтрацион, ўтказувчи) ва ноинъекцион (кимёвий, физикавий, физик-кимёвий) турлари фарқланади.

Инъекцион оғриқсизлантириш турида анестетик эритма бевосита тўқима ичига киритилади. У периферик нерв рецепторларининг сезгирилгини йўқотади. Оғриқсизлантиришнинг ўтказувчан турида эса, асосан операция майдонини иннервация қилувчи сезувчи нерв танаси ёки бирон-бир шохи блокада қилинади. Бу усулда анестетик эритмаси операция майдонидан бир мунча узоқликдаги тўқима ичига юборилади.

Ноинъекцион маҳаллий оғриқсизлантириш тўқималарнинг юза қатламларини оғриқсизлантириш имконини беради, холос. Бунда доривор моддалардан фойдаланилса – кимёвий ёки аппликация усули, лазер ёки электромагнит тўлқинлари таъсир эттирилса – физикавий усул, тўқималарга анестетик дориларни электрофорез ёрдамида киритилса – физик-кимёвий усул деб аталади.

Оғиз бўшлиғи ва юз-жағ соҳасида ўтказилиши лозим бўлган даволаш ишлари ва оғриқ билан кечадиган ҳар қандай шифофокор ҳаракати маҳаллий оғриқсизлантириш учун кўрсатма бўла олади. Булардан ташқари, маҳаллий оғриқсизлантириш ҳолсизланган беморларда, кексаларда, юрак-қон томир системаси издан чиққан беморларда ҳам ўтказилади.

Узоқ ва травма билан кечадиган операцияларда, маҳаллий анестетикларни кўтара олмаслик ва уларга нисбатан ошиқча сезувчанлик руҳий ҳолатида турғунсизлик ва етишмовчилик аниқланганда маҳаллий анестезияни қўллаш тавсия этилмайди.

Болалар стоматологияси амалиётида инъекция қилинадиган жой шиллиқ қавати оғриқсизлантирилади. Бунинг учун 0,25–2,0% дикаин, 1–2% пиromекайн эритмалари, кўпинча лидокаиннинг 10%ли аэрозоли қўлланилади.

Маҳаллий оғриқсизлантиришнинг инъекцион усуllibаридан асосан 0,25; 0,5; 1 ва 2 % ли новокаин эритмаси ишлатилиди. Ҳозирги даврда амалиётда энг кўп қўлланилаётган анестетик—бу лидокайнинг 1–2% ли эритмаси бўлиб, унинг юборилиши мумкин бўлган энг кўп миқдори 50мл дан ошмаслиги керак. Юборилган анестетикнинг тез сўрилиб кетишининг олдини олиш ва унинг таъсир кучини узайтириш, улардан заҳарланиш эҳтимолини камайтириш учун иккала анестетик эритмасини ҳам адреналин билан қўшиб ишлатиш мумкин (1 томчи адреналин гидрохlorид эритмаси 5–10 мл анестетик эритмасига, умумий миқдори 5 томчидан ошмаслиги шарт). Лекин унда тиш олиш операциялари узоқ давом этмаслиги сабабли, бу усулни ишлатишга аксарият ҳолларда эҳтиёж туғилмайди. Булардан ташқари, стоматология амалиётида тримекайн (мезокайн), бупивакайн анестетикларидан ҳам фойдаланилади.

Анестетик эритмалар ампулаларда 2–5–10 мл чиқарилади, уларни 1 йилгача сақлаш мумкин. Дорихоналарда тайёрлаб берилган эритмаларни эса 3 кунгача ишлатиш мумкин.

Охирги пайтларда стоматология амалиётида карпул системасидаги шприцлар (ИС-01-1; ИС-02; ИС-03) ва улар учун маҳсус карпул ампулаларга жойланган, кучли таъсир кучига эга анестетиклар (ультракаин, септонес ва б.) кенг қўлланилмоқда. Уларнинг афзаллиги шундаки, улар новокаинга нисбатан 6 марта, лидокайнга нисбатан эса 3 марта кучлироқ таъсирга эга бўлиб, тўқима ичига тез диффузланади. Улар учун ишлатиладиган бир марталик игналарнинг уни ўткир, ўта ингичка (диаметри 0,3–0,4мм) бўлиб, ҳар хил узунликда (10, 30, 35 мм) бўлади. Улар маҳаллий интралигаметар, субпериостал, инфильтрацион ва ўтказувчан маҳаллий оғриқсизлантиришларни бажаришга мўлжалланган. Карпул ампулаларида икки хил миқдорда (0,006, 0,012 мг) адреналин гидрохlorид қўшиб тайёрланган анестетик эритмалар чиқарилади. Бир маротаба анестезия учун одатда 0,06–1,7 мл гача анестетик сарфланиши мумкин. Аммо ультракаиннинг даво миқдори етарлича бўлиб, битта операция давомида еттита карпул ампуласини (11,9 мл эритма) ишлатиш имконини беради.)

Бемор тишини олиш ёки бошқа юз-жағ соҳасида ўтка-зиладиган операцияларга олдиндан медикаментоз тайёрлашга премедикация дейилади. Премедикацияни ўтказиш, шунингдек bemorда умумий оғриқсизлантиришга (наркозга) кўрсатма бор ёки йўқлигини аниқлаш стоматолог врачнинг вазифасига киради.

Инфильтрацион анестезия. Маҳаллий анестезиянинг бу турида операция ўтказиладиган соҳадаги тўқималар анестетик эритмага қаватма-қават бўклирилади. Оғриқсизлантирувчи эритма етиб борган жойлардаги сезувчи нерв рецепторлари ва шохларининг фаолияти вақтинча тўхтатилиди. Бу усул билан юз ва оғиз бўшлигининг юмшоқ тўқималарида, юқори жағ альвеоляр ўсиғи соҳасида, пастки жағ альвеоляр ўсиғининг фронтал тишлар соҳасида ва қаттиқ танглай соҳасида ўтказиладиган операция майдонини оғриқсизлантириш мумкин. Анестетикларни периодонт ёриғи ичига (интралигаментлар), суюқ ичига (интрапоссал) ва суюқ пардаси остига (субпериостал) юбориш усуллари ҳам инфильтрацион оғриқсизлантириш турларига киради.

Альвеоляр ўсиқлар соҳасида оғриқсизлантириш ўтказиш учун шприц горизонтал йўналтирилган ҳолда, нинанинг уни ўтувчи бурма соҳасидаги шиллиқ қаватга 40–45° бурчак остида санчилади. Бунда нина учининг чархланган томони суюкка қараган бўлиши керак. Агар қаттиқ танглай оғриқсизлантирилаётган бўлса, нинанинг уни олинадиган тиш тўғрисига, милк чегарасидан бир см узоқликка, деярли вертикал ҳолда санчилади. Ўтувчи бурма соҳасига 2–3 мл, қаттиқ танглай соҳасига эса 0,3–0,5 мл анестетик юборилади. Инфильтрацион оғриқсизлантириш пастки жағнинг тил томонидан ўтказилганда, нина альвеоляр ўсиқ шиллиқ қаватининг тил ости ўтиш жойига санчилади ва 2–3 мл анестетик эритмаси юборилади.

Инфильтрацион анестезиянинг суюқ ичига анестетик киритиши йўли билан ўтказиладиган турида, узунлиги 2 см дан ошмаган (масалан, карпул тизимидағи маҳсус нина) нина икки тиш оралиғидаги милк сўргичи асосига санчилади ва 0,2 мл анестетик юборилади. Шундан кейин маҳсус трепан ёки кичик диаметрли шарсизмон бор ёрдамида шу ердаги тиш оралиғи суюқ тўсиғининг ташқи қаттиқ қатламига

таксинан 60° бурчак остида тешиб кирилади. Тайёр бўлган трепанацион тешик орқали нинанинг учини говаксимон қатlam ичига чуқурроқ киритилади ва 1–2 мл аnestетик эритма юборилади. Бундай оғриқсизлантириш усули ёрдамида шу икки қўшни турган тишлар соҳасида 1 соат давомида тургун оғриқсизлантиришга эришилади.

Маҳаллий инфильтрацион оғриқсизлантиришнинг аnestетик эритмасини бевосита периодонт ёриғига, тиш-милк физиологик чўнтаги орқали, тишнинг айлана боғламини тешиб кириш йўли билан киритиш усулига интралигаментар оғриқсизлантириш дейилади. Бунинг учун одатда маҳсус карпул тизимидағи ИС–01–1 шприц ва узунлиги 10мм, диаметри 0,3 мм бўлган маҳсус нинадан фойдаланилади. Бу шприцнинг маҳсус 180° айланувчи бошчаси тишларнинг исталаган томонидан бундай аnestезияни ўтказиш имконини беради. Бундан ташқари, бу шприцнинг маҳсус дозатори бир инъекцияда 0,06 мл аnestетикни босим остида периодонт ёриғига киритади. Аnestезия киритилган вақтдан бошлаб таъсири қиласи ва 20–30 мин давом этади.

Суяк пардаси остига аnestетик эритмани киритиш йўли билан бажариладиган инфильтрацион (субпериостал) аnestезия усулида узунлиги 30 мм ошмаган ингичка нина (карпул тизимидағи ИС–03 инъектори) операция мўлжалла-наётган тишнинг илдиз учи проекциясида, альвеоляр ўсиқнинг ташқи томонидан, унинг юзасига тахминан 45° остида ўтувчи бурмага санчилади. Шиллиқ қават остига 0,12 мл аnestетик юборилгач, суяк усти пардаси тешиб ўтилади ва 0,12–0,24 мл ультракаин (маҳсус дозатор ёрдамида) юборилади. Оддий инъекция ниналари билан бажариладиган бундай аnestезия ўта оғриқ билан кечганлиги сабабли тавсия қилинмайди. Аnestетик таъсири 30 секунддан сўнг бошланади ва 20–30 мин давом этади.

Ўтказувчан оғриқсизлантириш. Ўтказувчан оғриқсизлантириш, маҳаллий оғриқсизлантиришнинг бир тури бўлиб, бунда аnestетик эритма операция майдонидан бир мунча узоқликдаги тўқима ичига киритилиб, шу операция ўтказилаётган соҳани иннервация қилувчи нервнинг асосий танасини ёки унинг бирон-бир шохини блокада қиласи.

Бу усулда аnestетик эритма оғриқсизлантирилаётган нерв танаси ёки унинг ишохи толалари атрофидаги тўқима ичига

юборилади. Аnestетик шу нерв ичига диффузия йўли билан кириб бориб, шу жойда сезги импульсларининг перифериядан марказий нерв системаси томон ўтишини тўхтатади.

Ўтказувчан анестезия асосан тишларни олишда, юз сүяклари ва юмшоқ тўқималардаги давомли операцияларда, пастки жағ суюгига ўтказиладиган операцияларда ҳамда инфильтрация усулидаги маҳаллий оғриқсизлантириш фойда бермаган барча ҳолларда қўлланилади.

Бундай анестезияда нерв толалари асосан сүяқдан чиққан ёки унинг ичига киришидан олдин блокада қилинади. Масалан, юқори жағ дўмбоги соҳасида, кўз ости тешиги, курак тешиги, пастки жағ ва энгак тешиклари соҳаларида қилинади. Булардан ташқари тил, лунж ва пастки жағ нервининг ҳаракатлантирувчи толалари ҳам алоҳида блокада қилиниши мумкин.

Туберал анестезия. Анестезиянинг бундай турида юқори жағ нервининг юқори-орқа шохлари, юқори жағ дўмбоги соҳасида оғриқсизлантирилади. Оғизнинг ярим очилган ҳолатида нина учининг чархланган томони сүякка қаратилган ҳолда, ёноқ-альвеоляр ўсиқ қиррасининг орқасига, иккинчи моляр тишнинг тўғрисида, шиллиқ қаватга, ўтувчи бурмадан 0,5 см юқорироқقا санчилади. Нинанинг альвеоляр ўсиқ четига нисбатан 45° остида йўналтирилган ҳолда юқорига, орқага ва ичкарига ҳаракатлантириб, 2,5 см чукурликка киритилади. Нинанинг учи ҳамма вақт сүяқ яқинида бўлиши учун уни киригиш билан бирга шприцни ташқари томонга ҳаракатлантириб бориш катта аҳамиятга эга. Бу эса шу соҳада жойлашган қанотсимон-венали қон томир чигалидаги артерия ва веналар жароҳатланишининг олдини олади. Шу соҳага 2 мл аnestетик эритмаси юборилгач, 7–10 минутдан кейин тўлиқ анестезия сезилади.

Инфраорбитал оғриқсизлантириш. Оғриқсизлантиришнинг бу турида анестезия кўз ости тешиги соҳасида (ёки кўз ости канали ичига) қилинади. Бунда кўз ости нервининг периферик толалари, олдинги ва ўрта юқори альвеоляр нерв шохчалари оғриқсизлантирилади. Бу анестезиянинг ҳам оғиз ичидан ҳам оғиз ташқарисидан бажариладиган турлари мавжуд. Аввало кўз ости тешигини пайнаслаб

топилади. Бу тешик күз ости қирраси ўртасидан 0,5 см ичкариоқда ва ундан 0,5–0,75 см пастроқда жойлашган. Чап қўл кўрсатгич бармоғининг чети кўз косасининг пастки қиррасига, ёноқ—юқори жағ чоки устига қўйилади ва пастга айлантирилиб, панжа ёстиқчаси билан кўз ости соҳасининг юмшоқ тўқимаси босиб ушланади. Шунда кўз ости тешиги бармоқ ёстиқчаси остида туради. Оғиз ичидан бажарилганда, кўз ости тешигининг теридаги проекцияси топилади ва шу жой сүякка босиб ушланади. Шу қўлнинг бош бармоғи билан юқори лаб тепага кўтарилиб ушланади. Нина марказий ва иккинчи курак тишлар оралиғи тўғрисига, ўтувчи бурмадан 0,5 см юқорига, лаб шиллиқ қаватига санчилади ва уни юқорига, орқага ва ташқарига томон йўналишда ҳаракатлантириб, кўз ости тешиги томон киритилади (нинани айнан шу жойга санчишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, уни қозиқ ёки кичик озиқ тишлари тўғрисида ҳам санчса бўлади). Йўл-йўлакай нина учидан анестетик эритма оз-оз миқдорда чиқариб борилади. Нинанинг уни сүяккача етгач, кўз ости тешиги соҳасига 0,5–1 мл анестетик юборилади ва эҳтиётлик билан кўз ости каналига кириш жойи излаб топилади (нина «чуқурга тушиб кетган» ҳолат ёки оғриқ реакцияси кузатилади). Шундан сўнг нина яна 7–10 мм ичкарига киритилиб, қўшимча 0,5–1 мл анестетик юборилади. 3–5 минут ўтгач, тўлиқ анестезия сезилади. Аммо бу анестезияни бажаришда нинанинг учини кўз ости каналининг ичига киритиш шарт эмас. Кўз ости тешиги соҳасида анестетик депо ҳосил қилинганда ҳам фойдаси бир хил, асорати эса камроқ бўлади.

Шу анестезия усулини оғиз ташқарисидан бажариш техник жиҳатдан анча осон бўлиб, у асосан юқори жағнинг альвеоляр ўсиғи соҳасида яллиғланиш жараёни мавжуд бўлганда қўлланади. Кўз ости тешигининг теридаги проекцияси излаб топилгач, нина шу жойга, 0,5 см пастроқдан ва ичкариоқдан, кўз ости соҳаси терисига санчиш йўли билан киритилади. Кейинги ҳаракатлар оғиз ичидан бажарилган усулдан фарқ қilmайди. (I-расм).

Бу анестезияни бажарганда шуни ҳам унумаслик керакки, иккинчи ва баъзан, биринчи премоляр тишлар тўғрисида, оғиз даҳлизи томонида жойлашган шиллиқ қават

иннервацияни юқори-орқа альвеоляр нерв толаларидан олиши мумкин. Шунинг учун ҳам шу соҳадаги жарроҳлик ҳаракатлари қўшимча инфильтрацион оғриқсизлантиришни талаб қилиши мумкин.

Палатинал анестезия. Ўтказувчан анестезиянинг бу турида катта танглай нерви шу ном билан аталувчи суюкдаги тешик соҳасида оғриқсизлантирилади. Катта танглай тешигининг қаттиқ танглай шиллиқ қаватидаги проекцияси қўйидагича аниқланади: иккинчи катта озиқ тиш тожининг ўртасидан, милк четидан танглайнинг ўрта чизигигача биринчи кўндаланг чизиқ ўтказиб, шу чизиқнинг қоқ ўртасидан унга нисбатан перпендикуляр иккинчи чизиқ ўтказилади. Тешик проекцияси шу иккала чизиқнинг ўзаро кесишган жойига тўғри келади. Нинани аниқланган проекциядан 1 см олдинроққа, танглай шиллиқ қаватига, юқорига, орқароққа ва ташқарига йўналтирилган ҳолда санчилади. Нинанинг учи суюкка теккач 0,5 мл анестетик эритма юборилади. 3–5 мин вақт ўтгач тўлиқ анестезия сезилади. (2-расм).

Курак тешиги соҳасини оғриқсизлантириш. Шу тешик соҳасида бурун-танглай нерви блокада қилинади. Курак тешиги танглай томонда жойлашган бўлиб, унинг шиллиқ қаватидаги проекцияси марказий курак тишлар оралиғидаги милк сўргичидан 7–8 мм орқароқдадир. Анестезияни оғиз ичидан бажариш учун bemornинг боши иложи борича орқага эгилади ва оғзи максимал очилади. Нинани пастдан юқорига томон йўналтирган ҳолда (чархланган томони албатта суюкка қараган бўлиши шарт) милк сўргичига, тўғрироғи шу сўргич билан сал орқароқда жойлашган ва кўндаланг ётган шиллиқ қават қатлами билан кесишган жойга суюккача



1-расм. Инфраорбитал оғриқсизлантириш.



2-расм. Палатинал оғриқсизлантириш.

га анестетик эритмадан инъекция қилинади.

Мандибуляр анестезия. Бу усулда пастки жағ тешиги соҳаси, пастки альвеоляр нерв оғриқсизлантирилади. Пастки жағ тешиги шу жағ шох қисмининг ички томонида бўлиб, унинг олдинги қиррасидан – 15 мм, орқа қиррасидан – 13 мм, пастки жағ ўйиги четидан – 22 мм ва пастки жағ асосидан – 27 мм масофада жойлашган. Тешик олд ва ички томондан пастки жағ тилчаси (*lingual mandibulae*) билан ёпиқ бўлганлиги сабабли нинанинг учи шу тилчадан тепароқдан ўтказилиши лозим. Анестезияни оғиз ичидан бажаргanda икки хил усулни кўллаш мумкин. Биринчиси – бу суюқдаги анатомик белгиларни кўл панжаси билан пайпаслаб топиш усули ва иккинчиси – аподактил усул (панжаларни теккизмасдан бажариш).

Пайпаслаб кўриш йўли билан анестезия бажарилганда, молярлар орти чуқурчаси (*fovea retromolaris*) ва чакка тожи (*crista temporalis*) топилади, чунки бу жой нинани санчиш учун мўлжал ҳисобланади. Агар анестезия ўнг томонда бажарилётган бўлса, бу жой чап кўлнинг кўрсатгич бармоғи билан, агар чап томонда бажарилаётган бўлса, шу кўлнинг бош бармоғи билан пайпаслаб топилади.

Дастлаб пастки жағ шох қисмининг олдинги қирраси пайпаслаб топилади, сўнг панжа учи моляр орти чуқур-

санчилади. 0,25–0,5 мл анестетик эритма юборилади. Нинани учини яна 0,5–0,75 см ҳаракатлантириб канал ичига кирилса ва шу ерга анестетик юборилса янада чуқур анестезияга эришиш мумкин. Агар бирон-бир сабабга кўра, анестезияни оғиз ичидан бажаришнинг иложи бўлмаса, у ҳолда бурун-танглай нервини оғиз ташқарисидан, буруннинг пастки йўли тубида блокада қилиш мумкин. Бунинг учун шу жойга анестетик эритмадан инъекция қилинади.

часига томон силжитилади ва чакка тожи аниқланиб мүлжалга олинади. Панжа шу ҳолатда ушлаб турилади. Шприцни қарама-қарши томондаги премоляр тишлар түғрисидан йўналтириб, нинанинг учи қанот-пастки жағ бурмаси (*plīca ptherigomandibularis*)нинг ташқи томонига, пастки моляр тишларнинг чайнов юзасидан 0,75–1 см тепароқقا, шиллик қаватга санчилади. Уни орқага ва ташқарига томон йўналтириб суяккача борилади ҳамда шу ерга 0,5–1 мл анестетик эритма юборилади. Бу билан тил нерви оғриқсизлантириллади. Шундан сўнг шприцнинг ҳолати марказий курак тишлар түғрисигача ўзгартирилиб, нинани яна 2 см чуқурликкача (пастги жағ шох қисмининг ички томонига параллел қилиб) киритилади ва бу билан пастки альвеоляр нерв етган суяк тарновчаси (*sulcus colli mandibulae*) соҳасига етиб борилади. Шу ерга 2–3 мл анестетик эритма юборилади. **Аподактил** усулда асосий мүлжал қилиб қанот-пастки жағ қатлами ҳисобга олинади. Нина шу қатламнинг, узунилиги бўйлаб teng иккига бўлинган жойига, унинг ташқи томонига кўрсатилган йўналишда санчилади. Нинанинг учи 1,5–2 см чуқурликдаги суяккача етади. Агар шунда ҳам суяк сезилмаса, у ҳолда нина чиқариб олиниб, қайтадан қанот-пастки жағ қатламига, аммо унинг тагига эмас, балки мебдиал четига санчилади. Шунинг учун ҳам бу усул маълум даражада тажриба талаб қиласи. (3-расм).

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, пастки жағнинг альвеоляр ўсиғини лунж томондан қоплаб турган шиллик қават кўшимча иннервацияни биринчи ва иккинчи моляр тишлар түғрисида лунж нервидан олади. Шунинг учун ҳам шу жой мандибуляр анестезиядан сўнг оғриқсизлантирилмасдан қолиши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун кўшимча ҳолда шу тишлар түғрисида маҳаллий инфильтрацион оғриқсизлантириш ўтказиш талаб этилади. Умуман мандибуляр анестезия ўтказилганда оғриқсизлантириш 12–15 минутдан сўнг максимал даражага етади ва 1–2 соатгacha давом этиши мумкин.

Торусал анестезия. Пастки жағни шу жағнинг дўмбоқчаси (*torus mandibulae*) соҳасида оғриқсизлантириш усулига торусал анестезия дейилади. Бу усулда оғиз кенг очилади ва нинани санчиш соҳаси перпендикуляр ҳолатга келтирилиб, юқори учинчи моляр тишнинг чайнов юза-



3-расм. Мандибуляр оғриқсизлантириш.

сидан 0,5 см пастроқда, қанот-танглай қатламининг ташқи томонида жойлашган шиллиқ қаватдаги нүктага санчилади. Нинанинг учи сүякка қадалгач 1,5–2 мл аnestетик эритма юборилиб, пастки альвеоляр ва лунж нервлари оғриқсизлантирилади. Шундан кейин нина 2–3 мм орқага чиқарилади ва яна 0,5–1 мл аnestетик юборилиб, тил нерви ҳам оғриқсизлантирилади. 5 минутдан сўнг тўлиқ аnestезия кузатилади.

Оғизни очиш қийинлашганда (пастки жағ контрактураси, жағлар синиши билан боғлиқ пастки жағ ҳаракатининг чегараланиши, болаларнинг оғиз очишдан бош тортиши ва б.) торусал аnestезияни оғиз ёпиқ ҳолда ўтказиш усулини Лагврадия (Laguria, 1940) таклиф қилган. Бу усулда чап қўлнинг кўрсатгич бармоғи пастки жағнинг шох қисми олдинги қиррасининг энг аниқ жойига кўйилади ва лунж четга тортиб ушлаб турилади. Узунлиги 4–6 см бўлган нина шу панжа учининг тўғрисига, шиллиқ қаватга санчилади ва 1,5–2 мл аnestетик юборилиб, лунж нерви оғриқсизлантирилади. Сўнгра нина пастки жағ шохининг ички юзаси бўйлаб орқага ва пастга йўналтирилган ҳолда яна 2 см чуқурликка киритилади. Шу ерга 2–3 мл аnestетик эритма юборилиб, пастки альвеоляр ва тил нервлари оғриқсизлантирилади. Аnestезия ўзининг максимал даражасига 5–7 минутдан сўнг етади ва 1–1,5 соат давом этади.

Тил нервини оғриқсизлантириш. Одатда тил нерви мандибуляр ва торусал усулларда пастки альвеоляр нерв билан бирга оғриқсизлантирилади. Аммо айрим ҳолларда (тил нерви невралгияси, глоссалгия, фақат тилнинг ўзида ўтказиладиган жарроҳлик ҳаракатларида) тил нервининг ўзини ҳам ўтказувчан усулда оғриқсизлантириш мумкин. Бунинг учун тил, куракча ёки стоматология ойначаси ёрдамида

ёнбашга тортилиб, оғриқсизлантириладиган томон очилади. Шприцни қарама-қарши томондан, премоляр ёки моляр тишлар соҳасидан йўналтириб, нинанинг учи тил-жафтарновчasi тубига, пастки ақл тиш тожининг ўртаси тўғрисига, бу тиш бўлмаган ҳолда эса пастки жаф шоҳ қисмининг олдинги қирраси тўғрисига, оғиз туви шиллиқ қаватига санчилади ва уни пастки жаф танасининг ички сатҳига етгунча киритилади. Шу ерга 2 мл анестетик эритма киритилади. 3–5 дақиқадан сўнг тил нерви иннервацияси соҳасида тўлиқ анестезия сезилади.

Энгак нервини оғриқсизлантириш. Бу анестезия усулини ҳам оғиз ичидан ва оғиз ташқарисидан бажариш мумкин. Энгак тешиги асосан иккинчи премоляр тиш ёки биринчи тишлар оралиғи тўғрисида бўлиб, у пастки жаф асосидан 12–13 мм тепароқда жойлашган. Ушбу тешик орқали киритладиган пастки жаф канали, шу жойда орқага, ташқарига ва юқорига қараб йўналган бўлади. Анестезия ўнг томондан бажарилганда врач беморнинг ўнг томонидан орқасида туради. Чап томондан бажарилганда эса ўнг томондан олдида туради.

Оғиз ичидан бажариладиган усулда, бемор оғзи тишлаб турйлган ҳолатда, врач унинг лунжини чап қўли билан ташқарига тортиб очади. Шприцни орқадан олдинга ва пастга томон йўналтирган ҳолда, нинани ўтувчи бурмадан 2–3 мм ташқарироққа, биринчи моляр тиш тожининг ўрта қисми тўғрисига, шиллиқ қаватга санчади. Нинани пастга, ичкарига ва олдинга томон йўналтириб суккя теккунча киритади. Шу ерга 0,5 мл анестетик юборилиб, эҳтиётлик билан энгак тешиги излаб топилади. Нина учининг «чуқурга тушиб кетиши» сезгисининг пайдо бўлиши ва айrim ҳолларда bemорда нинанинг учи нерв толасига тегиши оқибатида кучли оғриқдан сесканиш ҳолатининг пайдо бўлиши, пастки жаф канали ичига тушилганидан далолат беради. Шундан сўнг нинани канал ичига 3–5 мм киритиб, яна 1–2 мл анестетик юборилади. 5 дақиқадан сўнг энгак нерви иннервацияси соҳасида оғриқсизлантириш кузатилади.

Бу анестезия усулини оғиз ташқарисидан бажарганда, оғиз ярим очилган ҳолда пастки жаф тишлари ва унинг асоси чап қўл панжалари орасига олинади. Юз терисида энгак тешиги проекцияси аниқланади ва нинага оғиз ичидан бажа-

рилгандагидай йұналиш берилиб, унинг учи терига аниқланған проекциядан 0,5 см юқоридан ва орқароқдан санчилади. Нинанинг учи сүякка текқач кейинги ҳаракаттар оғиз ичидан бажарылған усульдан фарқ қыммайды.

Маҳаллий оғриқсизлантиришда учрайдиган асоратлар. Маҳаллий оғриқсизлантиришда учраш әхтимоли бўлган асоратлар умумий ва маҳаллий тавсифга эга бўлиши мумкин. Умумий асоратлар оғриқсизлантириш пайтида ва ундан кейин юзага чиқиши мумкин. Буларга анестетиклар билан заҳарланиш аломатлари, қисқа пайтга ҳушдан кетиш (обморок), қон томирлар етишмовчилиги аломатлари (коллапс) ва анафилактик шок киради.

Анестетиклар даво миқдорининг таъсир доираси одатда етарлича бўлиб, улардан заҳарланиш ҳоллари жуда кам учрайди. Шунга қарамасдан бир қатор касалликларда, масалан, гепатит, жигар циррози, қон зардобида холинэстера-за активлигининг пасайиши билан кечадиган қон касалликларида (гипертриеоз, аллергия, алиментар дистрофия) лидокаин ва новакайн каби кенг қўлланиладиган анестетикларнинг заҳарли таъсири ошиши мумкин. Уларнинг концентрацияси қанча катта бўлса, заҳарли таъсири ҳам шунча ортиб боради ва асосан қон ичига тушганда тезроқ намоён бўлади. Булардан ташқари, заҳарланиш ҳолати, анестетикларга қўшилган адреналин эритмаси сабабли ҳам кузатилиши мумкин.

Новокайн ва тримекаиндан заҳарланиш рўй берганда бемор бош оғриғидан, бош айланишидан, кўнгил айниши ва ҳолсизлиқдан шикоят қиласи. Беморда қўрқув ҳолати кузатилади. У қайт қилиши мумкин. Объектив кўрилганда: териси ва шиллиқ қаватлари оқарган, совуқ тер қоплаган, нафас олиши тезлашган ва юзаки бўлади. Нотинчлик ҳолати ва оёқ-қўлларнинг тортишиб қолиши қайд этилиши мумкин. Томир уриши тезлашган, кучсиз, қон босими тушиб кетади. Брадикардия кузатилиб, у миядаги маҳсус марказлар фаолияти бузилганлиги ҳамда юрак уриши тўхтаб қолиши яқинлигидан дарак беради. Умумий қўзғалишлар марказий нерв системаси кескин сусайиши жараёни билан алмашиниши ва нафас олиш тўхтаб қолиши мумкин.

Анестетикларга қўшиб ишлатиладиган адреналин эритмаси миқдорининг ошиби кетиши ҳам заҳарланиш аломатларини келтириб чиқаради. Бунда bemor безоватлана-

ди, унда яқин күнлар ичидаги ўлимдан құрқув ҳисси кузатилади. Унинг күллари қалтирайди, совқотади. Бемор бош оғриғи, нафас олишнинг қийинлашиши, юракнинг уриб кетиши ва юрак соҳасида оғриқ пайдо бўлганлигидан шикоят қиласди. Қон босими ошиб кетади. Юрак уриш ритми бузилиб, қоринчаларида фибрillation ҳолати рўй бериши мумкин. Бемор ҳушидан кетиши, миясига қон қуилиши ва ўпкаси шишиб кетиши мумкин.

Заҳарланиш ҳолати аломатлари пайдо бўлиши биланоқ, анестетик эритмани bemor организмига киритишни дарҳол тўхтатиш ва зудлик билан ёрдамга стоматолог врачни чақириш лозим. Беморни горизонтал ҳолатда ётқизиб, унга новшадил спирти ҳидлатилади ва вена ичига 20 мл 40% глюкоза эритмаси, нафас аналептиклари (кордиамин 1–2 мл), 5% аскорбинат кислота эритмаси (2–5 мл), юрак глюкозидлари – 0,06% корглюкон эритмаси (0,5–1 мл), 0,05% строфантин эритмаси (0,5 мл) бирга қўшиб юборилади. Зарур бўлганда сунъий нафас олдириш усуллари кўлланади. Адреналин эритмасидан заҳарланганда вена ичига зудлик билан 0,6–1 мл атропин сульфатнинг 0,1% эритмаси, 2 мл кордиамин, 0,5 мл строфантиннинг 0,05% эритмаси физиологик эритмага қўшиб юборилади. Беморга новшадил спирти ҳидлатилади, тоза кислород берилади. Ошиб кетган қон босимини зудлик билан тушириш чора-тадбирлари кўрилади. Кучли юрак оғриғида тил остига 1–2 таблетка нитроглицерин берилади.

Анестезия ўтқазилаётган пайтда bemor тўсатдан ҳушини йўқотиши мумкин (обморок). Бу ҳолат одатда мияда кислороднинг ўтқир етишмаслиги (аноксия) оқибатида рўй беради. Бунда bemornинг боши айланади, қулоқлари шангиллайди, кўнгли айниб, тез-тез эснайди. Териси оқаради, намланиб қолади. Кўз қорачиғи кенгаяди. Қон босими тушиб кетади, томир уриши тезлашиб, кучсиз бўлиб қолади. Нафас олиш сусаяди, юзакилашади, хириллаш пайдо бўлади. Бемор ҳушидан кетади ва айни пайтда мушак тонуси йўқолади.

Бундай ҳолатнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши биланоқ, bemor танасини кескин олдинга эгиш йўли билан мияда қон оқимини оширишга эришиш мумкин. Аксарият ҳолларда, бу усул қўл келади ва қўшимча тарзда новша-

дил спиртини ҳидлатиш кифоя қилиб, тамоман ҳушдан кетиш ҳолатининг олди олинади. Аммо бемор тўлиқ ҳушидан кетиб, юқорида қайд этилган ҳолатлар намоён бўлган бўлса, зудлик билан ўриндиқнинг суюнчиғини орқага тушириб, унга горизонтал ҳолат берилади, тоза ҳаво оқими таъминланади, юз ва бўйинлари совуқ сувда ҳўлланган сочиқ билан артилади. Одатда шу тадбирлар кифоя қиласди. Айрим ҳоллардагина (бемор тезда ўз ҳолига келавермаса) нафас аналептикларидан (кордиамин, кофеин, эфедрин) мушак ичига юбориш мумкин.

Беморда қон томирлар номутаносиблиқ ҳолатининг юзага келишига **коллапс** дейилади. Бунда bemornинг эс-хуши сақланган ҳолда, ланжлик, апатия ва бош айланиши кузатилади. Юз териси оқаради, ушлаб кўрилганда совуқ, нам бўлади. Томир уриши тезлашган, ўта кучсиз, томир тўлмаган бўлади. Қон босими тушиб кетади, нафас олиши юзаки бўлиб қолади.

Бу ҳолат рўй берганда bemornи тезда горизонтал ҳолатга келтириб, венага 20–60 мл глюкозанинг 40%, 2–5 мл аскорбинат кислота, 2–3 мл кордиамин, 1–2 мл 10% кофеин эритмасидан қўшиб юборилади. Мушакка 1 мл 0,1% стрихнин эритмасини секин юбориш мумкин. 10 мл 10% кальций хлорид эритмаси венага юборилади. Агар фойда бермаса, венага 20 мл 40% глюкоза эритмасига 0,3–0,5 мл 5% эфедрин ёки 1% мезатон қўшиб юборилади. Беморга кислород билан ингаляция қилинади. Оғир ҳолатларда гормон препаратлари (преднизолон, гидрокортизон) қўллалиши мумкин.

Анафилактик шок. Бу ўта хавфли асорат бўлиб, кўпинча аллергик касалликларга мойил bemorларда учрайди. Унинг турли шакллари (типик, кардиал, астмасимон, церебрал, абдоминал) мавжуд. Кечиши бўйича ўта тез кечувчи (чакмоқсимон), оғир, ўрта оғриликтаги ва енгил кўринишлари фарқланади.

Касалликнинг типик кўринишида, анестезия ўтказилгандан бироз вақт ўтгач, bemor безовталана бошлайди, унда қўркув ҳисси пайдо бўлади, калла, юз ва қўл териси қичиб, игна санчганга ўхшаш сезги аниқланади. Bemor терлайди, боши қаттиқ оғриб, қулоқлари шангиллайди. Юз териси

олдин қизаради, кейин эса оқариб кетади. Қўл-оёқлари тортилиб қолиши ва бемор ҳушидан кетиши мумкин. Бемор кўз қорачиқлари кентайиб кетиб, ёруғликни сезмайди. Тўш суяги ортида кучли оғриқ пайдо бўлиб, у юрак оғриғига ўтади. Тахикардия кузатилади, қон босими кескин тушиб кетади. Беморнинг кўнгли айниб, у қусиши мумкин. Айрим bemорларда қорин шиши, ўз-ўзидан дефекация ва сийдик ажралиши ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин. Нафас олиш қийинлашиб, асфиксиягача бориши мумкин. Анафилактик шокнинг бошқа кўринишларида ўша тана азосининг калланишига хос бўлган белгилар қайд этилади.

Касалликнинг чақмоқсимон ва оғир турлари саналган белгилар юзага чиқмасданоқ ўлим юз бериши мумкин.

Анафилактик шок ҳолати рўй берганда, биринчи бўлиб юқори нафас йўлларининг етарлича ўтказувчанлигини таъминлаш лозим. Бунинг учун bemорни ёнбошлаб ётқизиб қўйилади, тили тортиб чиқарилади, пастки жағ олдинга томон силжитилади, оғиз ичи қусуқ массаларидан артиб то-заларади. Агар нафас олиш тўхтаб улгурган бўлса, сунъий нафас олдиришга киришилади. Юборилган анестетикнинг қонга сўрилишини тўхтатиш мақсадида, шу анестетик киритилган соҳа атрофиға 5 мл физиологик эритмага ара-лаштирилган 0,5 мл 0,1% адреналин гидрохлорид эритмаси юборилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, 1 мл адреналин эритмасини анестетик киритилган йўл бўйлаб юборилади. Албатта антигистамин препаратларидан инъекция қилинади (2–4 мл 1% димедрол эритмаси, 2–3 мл 2,5% пипольфен эритмалари). Вена ёки мушакка 3–5 мл 3% преднизолон, 0,5 мл 0,1% адреналин гидрохлорид эритмалари тайинланади. Агар бронхоспазм белгилари мавжуд бўлса –10 мл 2,4% эуфиллин ёки 2 мл 0,5% изадрин эритмаларидан юбориш зарур. Юрак фаолиятини қўллаб туриш учун юрак гликозидлари ва диуретиклар юборилади. Дори моддалари асосан венага юборилади. Чунки уларни мушакка юборилганда дорининг таъсири кечикиши ва у фойда бермаслиги мумкин.

Бундай, ҳаёт учун ўта хавфли асоратнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли –бу врач томонидан аллергик анамнезни ўта синчковлик билан йигишдир.

Оғриқсизлантириш билан боғлиқ **маҳаллий асоратлар**, асосан оғриқсизлантириш техникаси ва асептика қоидаларига риоя қиласлик сабабли келиб чиқади. Баъзилари эса юзжағ соҳаси топографияси ва анатомиясининг хос томонларига боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Бундай асоратларга қўйидагилар киради: 1) узоқ сақланган ва ноизотоник анестетик эритмалар ишлатилганда учрайдиган инъекциядан кейинги оғриқлар ва шишлар; 2) чайнов мушакларига учи қайрилган ниналар билан жароҳат етказилиши ёки инфекция киритилиши натижасида кузатиладиган пастки жағнинг вақтингчалик очилмай қолиши; 3) асептика қоидаларига риоя қиласлик натижасида абсцесс ва флегмоналарнинг пайдо бўлиши; 4) инъекция нинасининг тўқима ичидаги синиб қолиши; 5) қон томирларга шикаст етказилиши натижасида гематомаларнинг ҳосил бўлиши; 6) нерв толаларига жароҳат етказилиши натижасида парестезия, оғриқ, тактил ва ҳарорат сезгиларининг пасайиши; 7) мандибуляр анестезияда, нина ўта чуқур киритилганда анестетик эритманинг юз нерви толасига таъсири натижасида юздаги мимик мушакларнинг вақтингчалик фалажи (бундай ҳолат инфраорбитал анестезияни бажарганда юз нервининг лунж ва ёноқ шохлари блокадаси натижасида ҳам рўй бериши мумкин); 8) врач хатоси оқибатида анестетик ўрнига бошқа модда эритмасини юбориб қўйиш ҳолати (новшадил ёки этил спирти, хлорид кальций, водород пероксиди ва б.).

5. ТИШ ОЛИШ ОПЕРАЦИЯСИ

Тиш олиш амбулатория стоматологияси амалиётида энг кўп қўлланиладиган операция ҳисобланиб, уни бажариш учун тиш врачи томонидан маълум даражадаги назарий билим ва кўниkmaga асосланган малака талаб қилинади.

Тиш олиш операциясига кўрсатмалар. Бу операция зудлик билан ёки режа асосида (огиз бўйлигини соғломлаштириш—санация жараёнида) бажарилиши мумкин. Зудлик билан асосан яллиғланиш касаллигининг келиб чиқишига сабаб бўлган ва консерватив даволашга мойил бўлмаган ёхуд бундай даволашдан фойда кўрмаган тишлар олиб ташланади. Шунингдек, узунасига иккига бўлинниб синган ёки тож қисми синиб, пульпаси очилиб қолган ва илдизини кон-

серватив усулда сақлаб қолишининг иложи бўлмаган тишлар ҳам зудлик билан олиб ташланади.

Тишлар режа асосида қўйидаги ҳолларда олиб ташланади: 1) сурункали оғиз инфекцияси ва интоксикацияси ҳолати мавжуд бўлиб, сурункали сепсис юзага келиш хавфи бўлган ҳолларда; 2) тиш тож қисмининг кучли емирилиши натижасида уни консерватив усулларда қайта тиклаш ёки тиш илдизи каналлари анатомияси бузилиши натижасида уларни очиб ўтиб консерватив даволашнинг иложи бўлмаса ёхуд нотўғри ўтказилган консерватив даволаш оқибатида тиш илдизи ёки унинг бўшлиғини тешиб (перфорация) қўйилган ҳолларда; 3) тиш тож қисми тўлиқ емирилиб кетганилиги сабабли қолган илдиз қисмини штифтли тиш протези тайёрлаш учун пойдевор қилиб ишлатишнинг имкони қолмаган ҳолларда; 4) эстетик ёки ортодонтик кўрсатма асосида альвеоляр ёйидан ташқарида, қийшиқ ёки кўндаланг чиқсан тишлар; 5) пародонтит ёки пародонтоз касалликларида тиш илдизлари очилиб қолиши натижасида улар III даражали қимирлаб қолганда; 6) ўз вақтида ўсиб чиқмаган ёки қисман ўсиб чиқиб, атроф тўқимада яллиғланиш пайдо бўлишига сабаб бўлган тишлар; 7) жағ сүяклари сингандада, синиқ бўлаклари орасида туриб қолиб сүякнинг битишига монелик қиласиган ва консерватив даволаб бўлмайдиган тишлар; 8) антогонисти йўқлиги туфайли ўсиб кетган, ўзи ўқи атрофида ёхуд альвеола ёйига нисбатан қийшиқ туриб қолган, тиш протезларини ясаш ва ўрнатишга ҳалақит берадиган тишлар. Баъзан, ортодонт врачанинг кўрсатмасига биноан альвеола ёйида тўғри турган соғлом тишлар ҳам олиб ташланиши мумкин.

Тиш олиш операциясига қарши қўрсатмалар. Бундай кўрсатмалар одатда нисбий таснифга эга бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: 1) юрак-қон томир касалликлари (юрак инфарктидан олдинги ҳолат ва инфаркт ўтказилгандан кейин 3–6 ойгача бўлган давр), хафақон касаллигининг хуружли даври, тез-тез стенокардия тутиб турувчи юрак ишемияси, мерцателли аритмия пароксизми, пароксизмал тахикардия, ўткир септик эндокардит касаллиги ва б.); 2) жигар, буйрак, меъда ости бези каби паренхиматоз аъзоларнинг ўткир касалликлари (инфекцион гепатит,

гломерулонефрит, панкратит ва б.); 3) геморрагик диатезлар (гемофилия, Верильгоф касаллиги, авитоминоз-С), геморрагик алматлар билан кечадиган касалликлар (ўткир лейкоз, агранулоцитоз); 4) ўткир юқумли касалликлар (грипп, юқори нафас йўлларининг ўткир яллиғаниши, сарамас яллиғаниш, пневмония); 5) марказий нерв системаси касалликлари, (мияда қон айланишининг ўткир бузилиши, менингит, энцефалит); 6) хуруж давридаги рухий касалликлар (шизофрения, маниакал-депрессив психоз, эпилепсия); 7) ўткир нурланиш касаллигининг 1–111 босқичлари; 8) ҳомиладорликнинг 1–2-ва 8–9-ойлари; 9) оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари (стоматит, гингивит, хейлит); 10) катта кишиларда доимий тишнинг ўз ўрнида чиқмаганлиги сабабли сақланиб қолган сут тишлари. Ю.И. Вернадский (1997) қуидагиларни тиш олиш операциясига қарши кўрсатма деб ҳисоблади: 1) жағ раки ёки саратон касаллиги соҳасида жойлашган тиш; 2) 25 юқори жағда жойлашган тиш илдизининг учи Гаймор бўшлиғи шиллиқ қаватигача етиб борган ва шу ерда рак касаллиги мавжуд бўлган ҳолларда; 3) олинадиган тиш жағ суюги ичидаги гемангиома соҳасида жойлашганда.

Тиш олиш операциясига тайёрлаш. Бу жараён ўз ичига, беморнинг ўзининг тайёрлаш, оғриқсизлантириш усули, операция услуби ва зарур бўлган асбоб-ускуналарни ташлашни олади.

Операциядан олдин врач олинадиган тишни яхшилаб текшириб чиқади. Тиш тож қисмини текширганда унинг емирилганлик даражасини аниқлайди. Кариоз бўшлиқларнинг жойлашган жойи (Блек бўйича), чуқурлиги, илдиз қисмига ўтган-ўтмаганлигига эътибор беради. Керак бўлганда рентген-ташхис усулидан фойдаланади. Масалан, олинадиган тишдаги кариоз бўшлиқларининг жойлашган жойи Блек бўйича III, IV ва V синфларга тўғри келиб, емирилиш жараёни тишнинг илдиз қисмига ҳам ўтган бўлса, бундай ҳолда оддий тиш олишнинг ҳар қандай усули ишлатилишидан қатъи назар, тиш илдизи синиб қолади. Блек бўйича V синфлаги кариоз бўшлиғининг жойланишида омбур тишларини одатдагича жойлаштириш ва сиқиб ушлашнинг иложи йўқ. Булардан ташқари, тишлардаги аномалия ҳола-

ти, уларнинг атрофига яллигланиш аломатлари бор-йўқлиги, тишнинг қимирилаш даражаси ҳам аниқланади. Тиш олиш услуби ва асбоб-ускуналар шуларни ҳисобга олган ҳолда танланади. Рентген ташхиси ёрдамида тиш илдизи атрофидаги суяқ тўқимаси, илдизлар ҳолати, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, юқори жағ бўшлиғи тубига, бурун бўшлиғига ва пастки жағ каналига яқинлиги аниқланади. Ташхис тиш илдизларининг бифуркация соҳасида ўзаро мустаҳкамлигини аниқлаш, уларни ажратиш зарурати бор-йўқлигини олдиндан белгилаш имконини беради.

Беморни операцияга тайёрлаш учун, унга бўлажак операциянинг моҳияти тушунтирилади, ундаги bemor сезиши мумкин бўлган сезгиларга алоҳида ургу берилади. Шундагина bemor операцияда пайдо бўладиган сезги ҳисларига нисбатан тайёр ва уларга анча бефарқ бўлиб, врач ишига халақит бермайди.

Нерв тизими турғун бўлмаган bemorларни стоматолог врачи маслаҳатидан ўтказиб, операция олдидан транквилизаторли—седатив дори-дармонлар ёрдамида маҳсус пре-медициация ўтказилади.

Операция олдидан bemordan бош кийимини, кўзойнагини ва устки сиқиб турувчи кийимларини ечиб қўйиш, ёқаси ва белбоғини бўшатиш сўралади. Бунда мушак ёки вена ичига зудлик билан инъекция қилиш зарурати пайдо бўлганда bemor билагини (елкасигача) тез очиш имкониятини ҳисобга олмоқ лозим.

Пастки жағдаги тишлар олинаётганда bemorни унинг боши тахминан врачнинг тирсаги tengligигида, юқори жағдаги тишлар олинаётганда эса елкаси тўғрисида қилиб ўриндиққа ўтказилади. Баъзан тишлар bemornинг ярим ёки тўлиқ ётқизилган ҳолатида ҳам олиниши мумкин.

Врач қўлларини операцияга тайёрлаш. Бунинг учун қўлни оқар, илиқ сувда совун ва чўтка билан ишиқалаб ювилади, стерилланган дока ёки сочиқ билан артиб қуритилгач, унга 2–3 дақиқа давомида 70% ли этил спирти билан ишлов берилади. Спирт ўрнида 0,5% ли хлоргексидиннинг спиртли эритмасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Операциядан сўнг врач қўлларини оқар сувда совун билан ювиб, сочиққа артиб қурилади. Операция резина қўлқоп кийиб бажарилганда ҳам, уни тайёрлаш юқоридагидан фарқ қилмайди.

Врач құлларини доимо тоза сақлаши, тирноқларини калта ва текис қилиб қирқиб юриши, лак сурмаслиги (хотин-қизлар) лозим. Булардан ташқари, врач бу операцияни доимо ниқоб (маска) таққан ҳолда бажариши зарур.

Операция майдонини тиш олишга тайёрлаш. Бунда олинадиган ва унинг икки ёнидаги тишларни овқат қолдиқларидан дока билан артиб антисептик эритма (фурацилин, калий перманганати эритмалари) ёрдамида ювиб тозаланади. Шу тишлар тиш тошларидан (тиш ўрнидаги ярага тушиб альвеолит келиб чиқишига сабаб бўлганлиги учун) тозаланади. Олинадиган тишга, атрофидаги шиллик тўқимага ва унга қўшни турган икки ёндан тишларнинг шу тишга қараган сатҳларига, 1–2% ли йод ёки Люголь эритмаси билан ишлов берилади.


ТИШ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ УСЛУБИ. Тиш олиш деганда – тиш илдизини альвеола катаги девори ва милк чети билан боғлаб турувчи боғламларни куч ишлатиш йўли билан (омбур ёрдамида) узиб, уни ўз ўрнидан сугуриб олиш тушунилади. Тиш олиш операциясига киришишдан олдин, шу олинадиган тиш соҳасида мавжуд бўлган анатомик шарт-шароитларни (тиш илдизи катаги деворларининг қалинлиги, эгилувчанлиги, илдизлар йўналиши, узунлиги, илдизлар оралиғидаги сүяқ тусининг ҳолати ва б.) тассавур қилиш ва ҳисобга олиш зарур. Пастки жағдаги қозиқ, премоляр ва моляр тишлар соҳасида альвеоланинг гашқи девори қалин ва эгилиши қийин бўлади. Юқори жағда аксинча, танглай томондаги сүяқ девори қалин бўлади ва ҳоказо. Олдиндан қўлланилган рентген ташхис усули ёрдамида тиш илдизлари, улар оралиғидаги сүяқ тўсинглари ҳолати, ретенцияга учраган тишларнинг ёндош тишлар ва альвеоляр ўсиқ ёйига нисбатан йўналишларини аниқлаш мумкин.

Тишларни олиш учун маҳсус асбоблар – омбурлар ва элеваторлар қўлланилади. Омбурнинг қуйидаги қисмлари фарқланади: тишлари (тиш тожи ёки илдизини тишлатиб ушлаш учун); тутқичлари (уларни врач қўллари билан ушлаши учун); қулфи (олдинги иккала қисмини ўзаро бириктириб туриш учун). Булардан ташқари айrim омбурларнинг (юқори жағдаги учинчи молярларни олишга мўлжалланган омбур) ўтувчи қисми ҳам фарқланади.

Тишларнинг анатомик тузилиши, гуруҳлари ва қайси жағда жойлашганига қараб, омбурлар турлича бўлади: 1) юқори жағда жойлашган, тож қисми сақланган тишлар ва уларнинг илдизларини оладиган (омбур тишларининг уни бир-бирига тегмайди ва бу тишларнинг ўқи, омбур тутқичлари ўқига мос келади ёки у билан ўзаро ўтмас бурчак ҳосил қиласди, параллел ҳам бўлиши мумкин); 2) юқори жағда жойлашган тишларнинг илдизларини оладиган (омбур тишларининг уни бир-бирига тегиб туради, тишлар ўқининг тутқич ўқига мос келиши, у билан ўтмас бурчак ҳосил қилиши ёки параллел бўлиши мумкин); 3) пастки жағда жойлашган, тож қисми сақланиб қолган тишлар ва уларнинг илдизларини оладиган (тишларининг учлари бир-бирига тегмайди. тишлар ва тутқич ўқлари ўзаро тўғри ёки шунга яқин бурчак ҳосил қиласди); 4) пастки жағда жойлашган илдизларни олишга мўлжалланган омбурлар (уларнинг тишларининг ўткирлиги ҳар хил бўлиб олдингиларидан тишларинини бир-бирига тегиб туриши билан фарқ қиласди (4-расм).

Омбурлар тини гуруҳларига қараб ҳам фарқланади. Бунда улар тишларининг ҳангити, тузилиши ва тутқичига нисбатан жойлашиши ҳамда тутқичларининг шакли билан фарқланади. Улар тўғри шаклда (юқори жағдаги фронтал тишларни олиш учун); «S»-симон (юқори жағдаги премоляр ва биринчи ҳамда иккинчи моляр тишларни олиш учун); «Қўштумшуқ» шаклида бўлади (пастки жағда жойлашган тишлар ва уларнинг илдизларини олиш учун).

Булардан ташқари, айрим омбурлар олинадиган тишларнинг (юқори жағдаги биринчи ва иккинчи моляр тишлар) жойлашган томонларига қараб ҳам чап ёки ўнг томон учун қилиб ҳам фарқланади. Бунда асосан лунж томондан жойлашган икката илдиз оралигига кириб ҳар бир илдизни маҳкам сиқиб унлашга мўлжалланган маҳсус мослама (учбуручак шаклдаги, омбурнинг икки тишидан бирининг унига ўрнатилган «тиканаксимон» ўсимта), омбурнинг ўнг ёки чап тишининг унига ўрнатилганилиги билан фарқланади. Ва ниҳоят, пастки жағдаги учинчи моляр тишни ва умуман оғиз очилишини четараланган ҳолларда шу жағдаги моляр тишларни олиш учун мўлжалланган омбур тишлари горизонтал текислик бўйича эгилган бўлади, юқори жағдаги




4-расм. Пастки жағ тишиларини олиш учун ишлатыладиган омбурлар:

а) тоғ қисми бұлған кесувчи, қозиқ ва кичик озиқ тишиларни олиш учун;
б) илдизларни олиш учун;
в) катта озиқ тишиларни олиш учун; г) пастки 3 та озиқ тишини олиш учун.

учинчи молярни олишіга мүлжалланған омбурнинг эса тишилари билан қулфи оралигіда узайтирилған ўтувчи қисми бўлади.

Тўғри шаклдаги (тишиларининг кенглиги ҳар хил бўлиши мумкин) омбур ёрдамида юқори жағдаги курак ва қозиқ тишилар олинади. Юқори жағдаги премоляр тишилар «S»-симон шаклдаги (тишиларининг тузилиши тўғри омбурлардан билан бир хилда) омбур ёрдамида олинади. Шу жағдаги биринчи ва иккинчи моляр тишилар ҳам «S»-симон шаклдаги омбур билан олинади. Аммо уларнинг тишилари калта ва кенг бўлиб, чап ёки ўнг тишининг учида (чап ёки ўнг томондаги тишини олиш учун) учбуручак шаклдаги «тика-наксимон» ўсимта бўлади. Юқори жағдаги учинчи моляр тишини олиш учун маҳсус омбур кўлланилади. Унинг тишилари ва қулфи орасида маҳсус узайтирилған ўтувчи қисми бўлиб, тишилари ва тутқичининг ўқи ўзаро параллел, иккала тиши ҳам бир хил, калта, кенг, учлари силлик, юпқалаштирилган бўлиб, ёпилганда бир-биринга тегмайди (5-расм).

Юқори жағдаги курак, қозиқ ва премоляр тишиларнинг илдизлари, тоғ қисми сақланганда қандай шаклдаги омбур ишлатылса, улар шундай шаклдаги омбурлар ёрдамида олиб ташланади. Фақат бу омбурлар тишиларининг учи



5-расм. Юқори жағ тишиларини олиш учун ишлатиладиган омбурлар:
а) тож қисми мавжуд бүлгән тишиларни олиш учун; б) олдинги юқори
тиш илдизларини олиш учун; в) қозық ва кичик озиқ тишилар учун
«S»-симон; г) ўнг томондаги бириңчи ва иккىнчى моляр тишиларни
олиш учун; д) чап томондаги бириңчи ва иккىнчى моляр тишиларни
олиш учун; е) учинчى моляр тишиларни олиш учун; ж) наизасимон ёки
универсал омбур.

ингичкароқ, торроқ бўлиб, омбур тўлиқ ёпилганда бир-
бирига тегиб туради. Шу жағдаги моляр тишилар илдизлари-
ни эса наизали милтиқ шаклидаги, ёпилганда тишилари-
нинг уни бир-бирига тегиб турувчи омбурлар ёрдамида оли-
нади. Уларнинг тишилари учининг кенглигига қараб: тор,
ўрта кенгликдаги ва кенг тишли бўлади. Бу турдаги омбур-
ларни, баъзан оғиз бўшлифидаги барча тишилар ва уларнинг
илдизларини олиш учун қўшимча восита сифатида ишла-
тиш мумкин. Шунинг учун ҳам наизали милтиқ шаклидаги
омбурларни универсал омбурлар деб ҳам аталади.

Пастки жағдаги курак тишилар «қўштумшук» шаклида-
ги, тишиларининг уни гор, лекин ёпилганда силлиқ қилиб
ясалган, учлари бир-бирига тегмайдиган омбур ёрдамида
олинади. Шу жағдаги қозық ва премоляр тишилар ҳам худди
шундай, аммо кенгроқ тишли омбур билан олинади. Мо-

ляр тишларни олиш учун ишлатиладиган шундай шаклдағи омбурларнинг учлари кенг, ёпилганда бир-бирига тегмайды ва ҳар бир тишининг учида учбурчак шаклдаги «тиканаксимон» ўсимтаси бўлади. Шу ўсимталарап ёрдамида тишни олиш пайтида медиал ва дистал илдизлар орасига кириб, ҳар бир илдизни алоҳида-алоҳида қилиб маҳкам ушлаш мумкин.

Пастки жағдаги учинчи моляр тишини ва оғиз очилиши чегараланган ҳолатларда барча моляр тишларни олиш учун маҳсус, тишлиари тутқич қисмига нисбатан горизонтал текисликка қараб букилган (қолган омбурларнинг ҳаммаси қовурғаси томон қараб букилган бўлади), аммо тишларининг тузилиши олдингисидан фарқ қилмайдиган омбурлар ишлатилади.

Пастки жағдаги барча тиш илдизлари курак, қозиқ ва премоляр тишларни олишда ишлатиладиган омбурларга ўхшаёт, аммо фақат ёпилганда тишларининг учи бир-бирига тегиб турадиган омбурлар ёрдамида олинади.

Тиши олинаётганда, одатда омбур ўнг қўл билан ушланади. Омбурни ушлашнинг икки усули маълум. Биринчи усулда II ва III панжалар омбур тутқичини ташқи томонидан, уни кафтга томон сиқади; IV ва V панжалар тутқич қовурғалари оралиғига киритилади. Бош панжа эса омбур тутқичи ва қулфи оралиғига ташқари томондан қўйиб ушланади. Омбур тишга ўрнатилгач, IV ва V панжаларни ҳам тутқичнинг ташқарисига чиқарип, у маҳкам, ҳамма панжалар билан сиқиб ушланади.

Иккинчи усулда II ва III панжалар тутқичнинг қовурғалари орасига қўйилади. Тутқичнинг бир қовурғасини бош панжа билан, иккинчисини эса IV ва V панжалар билан ташқи томонидан ушланади. Тутқич қовурғалари III панжа билан очилади, IV ва V панжалар билан ёпилади. Омбур тишга ўрнатилгач, III панжани тутқичнинг ташқарисига чиқарип, IV ва V панжаларнинг ёнига қўйилади. Омбур тутқичи бир томондан бош панжа, иккинчи томондан эса III, IV ва V панжалар билан (II панжа тутқич қовурғалари оралиғида қолади) сиқиб ушланади.

Элеваторлар. Элеваторлар ҳам тишлар ва уларнинг илдизларини олишда ишлатилади. Улар ҳам уч қисмдан иборат бўлади: ишчи қисми, бириктирувчи қисми ва тутқичи.

Элеваторларнинг турлари кўп бўлиб, улардан асосан 3 хили: тўғри, бурчакли ва найзасимон шаклдагилари ишлатилади.

Тўғри элеваторнинг ишчи қисми (тиши) ўтувчи қисми ва тутқичи билан бир чизиқда жойлашган бўлади. Тишининг бир томони бўртиб чиққан, яримойсимон, иккинчи томони эса ботиқ, тарновчасимон, учи ингичка ва силлик бўлади. Унинг тутқичи ноксимон шаклда, узунасига қиррадор қилиб ясалган, бўлиб ўтувчи қисми томон ингичкалашиб боради.


Тўғри элеватор асосан пастки жағдаги учинчи моляр тиш ва айрим ҳолларда бир-биридан ажратилган бошқа молярлар илдизларини олинида ишлатилади. У ишлатишга анча нокулай бўлганлиги сабабли амалда юқори жағ тишлирини олишида ишлатилмайди.

Бурчакли элеваторнинг ишчи қисми (тиши) қовурғасига қараб букилган бўлиб, у ўтувчи қисми билан 120° бурчак ҳосил қиласди. Тиши унча катта бўлмай, бир томони қавариқ, иккинчи томони – бир оз ботиқ, узунасига чизиқли ҳошияларга эга. Тишининг учи юпқалаштирилган ва силлиқланган. Бундай элеваторларнинг бир турида тишининг ботиқ томони чапга қараган (врач ўзининг томонига қараб ишлатади), иккинчи турида – ўнгга қараган (қарама-қарши томонга қараб ишлатилади) бўлади. Ишлатиладиган пайтда элеватор тишининг ботиқ томони олинадиган илдиз (тиш), қавариқ томони эса – альвеола девори томон қаратилган бўлади. Тўғри элеватордан ўтувчи қисми ва тутқичнинг фарқи бўлмайди. (6-расм).

Бурчакли элеватор пастки жағдаги тишлилар илдизларини олиш учун мўлжалланган.

Найзасимон элеватор (Леклюз элеватори) нинг ўтувчи қисми милтиққа ўрнатилган найза шаклида букилган бўлиб, ишчи қисми (тиши) қадимги ҳарбий қурол – найзанинг учини эслатади (учига томон торайиб ва юпқалашиб боради). Тишининг бир томони текис, иккинчи томони қавариқ бўлади. Думалоқ қилиб ишланган тутқичи, ўтувчи қисмига перпендикуляр ҳолатда бирлаштирилган. Бу элеватор ёрдамида асосан пастки жағдаги ақл тиши олинади.

Омбур ёрдамида тиши олиш қонидалари. Тиши олиш пайтида милклар йиртилиб кетишининг олдини олиш ва омбур тишлирини милк тагига суриб киритишни осонлаштириш



6-расм. Тишларни олиш учун ишлатиладиган элеваторлар: а) түгри;
б) ён томонлама; в) Леклюз элеватори.

учун операция юмшоқ түкималарни тиш илдизидан ажратылғанда боцланади. Бунинг учун тиш айланы бояламини илдизидан, милкни эса алвеола суюгидан силлиқловчи асбоб (гладилка) ёрдамида ажратылади.


Тиш олиш операцияси, маълум тартибда, кетма-кет бажарылади. Бунда: 1) омбурни күйиш; 2) омбур тишилари-ни милк остига суриб киритиш; 3) омбур ёрдамида сиқиб ушлаш (фиксация); 4) тиш илдизларини ўз жойидан силжитиш (люксация ёки ротация); 5) тиш (тиш илдизи)ни суғуриб олиш (тракция) ишлари амалга оширилади. Люксация деганда, тиш илдизини орал ва даҳлиз томонға қаратыб кетма-кет, тебратма ҳаракат қылдириш йўли билан, ротация деганда эса – тиш илдизини ўз ўқи атрофида айлантириш йўли билан силжитиш тушунилади.

Омбурни тишга қўйиш пайтида жарроҳнинг эътибори асосан омбур тишилар ўқининг олинадиган тиш ўқи билан бир чизикда мос келишига қаратылган бўлмоғи лозим. Акс ҳолда тиш илдизларини силжитиш пайтида, улар синиб қолади. Омбур тишга түгри ўрнатилгач, унинг тишилари олинадиган тиш ўқи бўйлаб йўналтирилиб, милк остига киритилади. Сўнг омбурга босим янада оширилиб, чуқурроқقا – илдиз билан алвеола суюги четига борилади. Тож қисми

кучли емирилиб кеттган тишлиарда, омбурнинг тишини яна ҳам чуқурроққа киритиб, альвеола суюгининг четини ҳам қўшиб ушлаш тавсия этилади (7-расм).

Олинадиган тишни омбур ёрдамида сиқиб ушлаш (фиксация) олдинги икки босқични яқунлайди. Бунда тиш (илдиз) маҳкам сиқиб ушланади. Аммо сиқувчи куч катта бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда кариес жараёни билан емирлиган тиш бардош бера олмаслиги ва парчаланиб кетиши мумкин. Кучсиз сиқилганда эса омбур тишилари кўйилган жойидан силжиб кетиб, олинадиган тиш илдизини жойидан кўзгатиш имконини бермайди.

Тиш (тиш илдизи)ни ўрнидан силжитиш люксация ёки ротация ҳаракатлари ёрдамида бажарилади. Бу ҳаракатлардан асосий мақсад — тиш илдизи атрофидаги боғламларни узиш йўли билан периодонт қаршилигини енгизишdir. Ротация ҳаракатини конус шаклига эга бўлган илдизларда бажариш мумкин (юқори жағдаги курак ва қозик тишилар ҳамда пастки жағдаги премоляр тишилар илдизлари, юқори жағдаги биринчи премоляр тиш ва моляр тишиларнинг ўзаро ажратилган илдизлари). Бунда илдиз тахминан 300° ўз ўқи атрофида, ҳар иккала томонга қаратиб ҳам айлантирилиши мумкин. Бошқа барча ҳолларда люксация ҳаракати бажарилади. Яъни тишилар ҳам қаршилик бўлган томонга қаратиб маятниксимон ҳаракат билан кўзгатилади. Ҳаракат дастлаб кучсизроқ бўлиб, аста-секин амплитудаси опирилиб борилади.



7-расм. Тиш олиш вақтида омбурларнинг ҳаракати: а) тож қисми сақланган тишида; б) тож қисми емирилган тишида.

Юқори жағ алвеоляр ўсиғининг ташқи (даҳлиз томондаги) девори тантглай томондагисига нисбатан юпқароқ ва кучсиз бўлади. Шунинг учун ҳам дастлаб оғиз даҳлизи томон ҳаракат қилинади. Фақат биринчи моляр тишни олиш бундан истиснодир, чунки бу тишнинг оғиз даҳлизи томонида ёноқ-алвеола сүяқ девори қалин бўлади. Шу тишни олишдаги дастлабки ҳаракат эса, тантглай томон қаратилиб бажарилади.

Пастки жағдаги курак-қозик ва премоляр тишлар тўғрисида альвеола ўсиғининг оғиз даҳлизи томондаги девори, тил томонидагига қараганда юпқа (кучсиз) бўлади. Шунинг учун ҳам бу тишларни олиш учун дастлабки ҳаракат оғиз даҳлизи томон қараб бажарилади. Биринчи моляр тиш соҳасида альвеоляр ўсиқнинг ички (тил томони) ва ташқи (лунж томони) деворларининг қалинлиги деярли бир хил. Аммо иккинчи ва учинчи моляр тишлар соҳасида эса ташқи (лунж) девори қалинроқ бўлади. Айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда пастки жағдаги моляр тишлар ўрнидан силжитилганда, биринчи ҳаракат ички (тил) томон қаратилиб бажарилади.

Тиш (илдиз)ни ўрнидан суғуриб чиқариш (тракция). Тиш ўз ўрнидан, барча боғламларидан узиб олингандан кейингина суғуриб чиқарилади. Одатда тиш ташқи томонга қаратиб, эҳтиёткорлик билан секин-аста чиқариб олинади. Агар бу жараёнда шошма-шонарликка йўл қўйилиб, катта куч остида суғуриб олишга ҳаракат қилинса, антагонист ва ёндош тишлар ҳамда атрофдаги юмшоқ тўқималарга жароҳат етказиш мумкин.

Тишларни олишида бемор ва врачнинг ҳолати мавжуд анатомик шарт-шаронтлардан келиб чиқсан ҳолда бўлади. Юқори жағдаги тишларни олишила ўриндиқ баландроққа кўтарилиб, bemorning олинадиган тиши тахминан врачнинг елкаси баландлигига тўғри келади. Ўриндиқ суняччи орқароққа сурилади, bemor бошини суняччи ёстиқласига қўйган ҳолда ётади. Врач bemorning ўнг ва олдинги томонида туради, чап қўлининг I ва II панжалари билан олинадиган тиши соҳасидаги альвеоляр ўсиқни маҳкам ушлайди. Пастки жағдаги тишлар олингандла эса ўриндиқ пастга туширилади ва bemorning олинадиган тиши врачнинг туши-

рилган күлларининг тирсаги тўғрисида туради. Ўриндиқ суюнчиғи вертикал ҳолатта келтирилади, бош ёстиқчаси олдинроққа сурилиб, беморнинг боши сал олдинга эгилган ҳолатгача келтирилади. Ўнг томондаги премоляр ва моляр тишлар олинаётганда врач bemornинг ўнг томонидаги орқасида туради, чап қўли билан bemornинг бошини қучоқдаб ушлайди. II панжаси билан уни ташқарига тортади, бош бармоғини эса альвеоляр ўсиқнинг тил томонидан қўяди. Чап томондаги барча тишлар ва ўнг томондаги фронтал тишлар олинаётганда эса врач bemornинг олд ва ўнг томонидаги туради. У бош бармоғини bemor энгаги, II бармоғини эса альвеоляр ўсиқ устига қўяди (8-расм).

ТОЖ ҚИСМИ САҚЛАНГАН ТИШЛАРНИ ОЛИШ

Юқори жагдаги курак тишларни олиш. Бу тишларни олишда инфраорбитал (тиш жойлашган томондан) ва танглай томондан курак тешиги соҳасидаги ўтказувчан оғриқсизлантириш усулидан фойдаланилади. Марказий курак тиш олинаётганда, қарама-қарши томондан ўтган нерв анастомозларини оғриқсизлантириш учун юқори лаб марказий юганчасининг таги қўшимча маҳаллий инфильтрацион оғриқсизлантирилади.

Курак тишларни олиш учун тўғри шаклдаги омбур ишлатилади. Марказий курак тишнинг илдизи конус шаклида бўлиб, кесими думалоқ шаклга яқин. Шунинг учун бу тиш, одатда, кўпроқ ротация ҳаракати билан олинади. Ёнбошдаги курак тишнинг илдизи эса конус шаклида бўлса ҳам, калтароқ ва юпқароқ, кесими икки томондан озроқ сиқилган, овал шаклда бўлади. Шунинг учун ҳам бу тиш комбинацияланган (люксация ва ротация усули) усулда олинади. Бу тишлар соҳасидаги альвеоляр ўсиқнинг ташқи девори ичкисига нисбатан юнқа бўлганлиги сабабли биринчи ҳаракат ташқи томонга қаратиб бажарилади. Олиш пайтида илдизи синиб қолмаслигининг олдини олиш учун кариес бўшлигининг Блек бўйича жойлашган ери, илдиз қисми емирилган-емирилмаганлиги ҳамда тиш нульпасининг тириклиги, гангренага учраганлиги ёки девитализация қилинганлигини ҳисобга олиш лозим.

Юқори жагдаги қозиқ тишни олиш. Бу тишни олиш учун ҳам шу томондан инфраорбитал анестезия ва танглай то-



8-расем. Тиши олиш вақтида врачинынг беморга нисбатан түриш ҳолаты: а) юқори жағ тищларини олиш вақтида; б) пастки жағнинг ўнг томонидаги тищларни олиш вақтида; в) пастки жағнинг чап томонидаги тищларни олиш вақтида.

мөндан палатинал ва курак тешиги соҳасида бажарилувчи ўтказувчан оғриқсизлантириш усулларидан фойдаланилади. Амалиёттада баъзан қозиқ тиши олиш учун шу томондаги шиллик қават оғриқсизлантирилади.

Қозиқ тиши битта, узун, икки томонидан ботиқ илдизга эга бўлиб, кесими учбурчак шаклига яқин бўлади. Айрим ҳолларда илдизининг учи қийшайган ҳам бўлиши мум-

кин. Альвеола деворлари курак тишлари соҳасидагига нисбатан қалинроқ бўлади, аммо ташқи девори ичкисига нисбатан юпқароқ. Шунинг учун ҳам бу тишни олиш техникаси ёнбошдаги курак тишни олиш техникасидан фарқ қилмайди. Аммо альвеола деворлари қалинлиги ва тиш илдизининг курак тишларга нисбатан маҳкамроқ жойлашганлигини ҳисобга олмоқ керак. Бу тишни олиш учун ҳам тўғри шаклдаги, тишлари нисбатан кенг бўлган омбурдан фойдаланилади.

Юқори жаддаги премоляр тишларни олиш. Бу гуруҳдаги тишларни олиш учун ҳам инфраорбитал ва танглай томондан палатинал ўтказувчан оғриқсизлантириш усусларидан фойдаланилади. Иккинчи премоляр тиш олинаётганда, юқори-орқа альвеоляр нерв толаларидан келаётган анастомозларни ўчириш учун лунж томондан ўтувчи бурмага, иккинчи премоляр ва биринчи моляр тишлар чегараси тўғрисига, шиллиқ қават остига маҳаллий инфильтрацион анестезия қўшимча равишида қилинади.

50% ҳолатларда биринчи премоляр тишнинг иккита (лунж ва танглай) ингичка илдизи бўлади (айрим ҳолларда учта ҳам бўлиши мумкин). Илдизи олдиндан орқага қараб сиқилган бўлади. Агар бу тишнинг илдизи иккита бўлса, танглай илдизи суяқ ичидаги чуқурроқ ўрнашган бўлади. Иккинчи премолярнинг илдизи асосан битта бўлиб, икки томонидан сиқилган, узунасига тарновчаси бўлади. Илдизининг уни баъзан иккига айрилган ҳам бўлиши мумкин. Бу тишлар тўғрисида ҳам альвеоланинг ташқи девори ичкисига нисбатан юпқа бўлади. Шунинг учун ҳам биринчи сугуриш ҳаракати лунж томонга қаратиб бажарилади.

Премоляр тишларни олиш учун «S»-симон шаклдаги маҳсус омбурлардан фойдаланилади. Олиш техникасининг қийинлиги сабабли биринчи премолярни олиш мушкулроқ ҳисобланади ва бу кўпинча шу тиш илдизининг кўплиги ва уларнинг тез-тез синиб қолишига боғлиқ бўлади.

Юқориги жаддаги моляр тишларни олиш. Бу гуруҳдаги тишларни олиш учун туберал ва палатинал ўтказувчан оғриқсизлантириш усуслари қўлланади.

Биринчи ва иккинчи моляр тишларнинг одатда учта (иккита лунж ва битта танглай) илдизлари бор. Лунж ил-

дизлари икки томонлама сиқилган, калта ва қисқа, танглай илдизи эса узун, катта ва конус шаклида бўлади. Биринчи моляр тиш илдизлари иккинчисига нисбатан узунроқ бўлиб, кўпинча тарвақайлаган бўлади. Иккинчи моляр илдизлари (кўпинча лунж илдизлари), бაъзан ўзаро бириккан ва қийшайган бўлиши ҳам мумкин.

Биринчи моляр тин соҳасида альвеоланинг ташқи девори, ёноқ-альвеола суяқ қирраси ҳисобига қалинлашган. Шу сабабли ҳам уни силжитиш учун дастлабки ҳаракат танглай томонга қаратиб бажарилади. Иккинчи моляр соҳасида эса ташқи девори ичкисига нисбатан юпқа ва биринчи силжитиш ҳаракати, одатдагидек лунж томонга қаратиб қилинади.

Биринчи ва иккинчи моляр тишларни олиш учун маҳсус «S»-симон, тишлари кенг ва ҳар хил кўрининида ясалган омбурдан фойдаланилади. Бу омбурнинг чап ёки ўнг (томонига қараб) тинининг учида маҳсус тиканаксимон ўсимтаси бўлиб, у лунж илдизларининг орасига киритилади ва бу билан ҳар иккала иллиз алоҳида қилиб маҳкам ушланади. Бу тинлар юқори жаг тубига яқин (асосан биринчи моляр) турганилиги сабабли, уларни олини найтида шу бўнилиқ тубининг тенишилиб қолини эҳтимоли борлигини ҳамма вақт ҳисобга олини керак.

Юқори жағдаги **учинчи моляр тинни олиш ҳам ўзига хос айрим** ҳисусиятларга эга. Бу тин бир неча, ўзаро қўшилиб кетган илдизга эга. Унинг шакли конусга яқин бўлиб, кўпинча илдизининг уч қисми ташқи томонга қараб қийшайганроқ бўлади. Тож қисми қолган молярларга нисбатан кичикроқ ва кўпроқ думаюқ шаклига эга бўлади. Рентгения ва дистония ҳолатлари кўпроқ учрайди. Кўпинча бу тин альвеолар ўсиқнинг лунж томонига яқинроқ ёки шу томонида жойланади. Учинчи моляр тинни олини учун маҳсус, узайтирилган ўтувчи қисми бўлган, мистиқ найзасисимон, катта ва кенг тинлари бир-бирига тегмаган омбурдан фойдаланилади.

Дастлабки силжитувчи ҳаракат лунж томонига қаратиб бажарилади. Кўпинча тин илдизининг қўшилиб кетганлигини ҳисобга олиб комбинацияланган (локация, ротация) ҳаракат усулини ҳам қўлдан мумкин. Омбурни қўйни ва суруб киритини найтида, доимо юқори жаг дўмбоги томон

чукур кириб ушлаш ва ҳаракат пайтида уни синдириб қўйишдан эҳтиёт бўлмоқ лозим.

Пастки жағдаги курак тишларни олиш. Бу тишларни олиш учун энгак (ментал) тешиги соҳасида ўтказувчан ва қўшимча тарзда олинадиган тиш тўғрисига, оғиз туви шиллиқ қавати остига маҳаллий инфильтрацион оғриқсизлантириш ўтказилади. Марказий курак тиш олингандан, қарама-қарши томондан ўтган нерв анастомозларини ўчириш учун пастки лаб юганининг ости ҳам қўшимча инфильтрацион оғриқсизлантирилади.

Пастки жағдаги курак тишларининг биттадан тўғри, ингичка ва ёки ёнбошидан кучли сиқилган илдизи бўлиб, улар кесимида овал шаклида бўлади. Альвеоланинг ташқи девори ичкисига нисбатан юпқа бўлади. Курак тишларни олиш учун қўштумшуқсимон омбурдан фойдаланилади. Биринчи силжитиш ҳаракати лаб томонга қараб бажарилади ва у асосан люксацияядан иборат бўлади.

Пастки жағдаги қозик тишни олиш. Оғриқсизлантириши усули курак тишларни олгандагидан фарқ қилмайди. Бу тишнинг илдизи узун ва кенг бўлиб, икки томонидан сиқилган, конус шаклига эга. Илдизининг ёнбош томонларида узунасига ётган тарновчasi бор. Кесимида овал шаклга яқин бўлади. Илдизининг учи қўпинча қийшайган бўлиб, бу тиш соҳасида ҳам альвеоланинг ташқи девори ичкисига нисбатан юпқа бўлади. Қозик тишни олиш техникаси курак тишларни олишдагисидан фарқ қилмайди. Фақат бу мақсадда ишлатиладиган омбурнинг тишлари кенг бўлади.

Пастки жағдаги премоляр тишларни олиш. Бу тишларни олишда оғриқсизлантиришнинг икки хил усулини қўллаш мумкин: биринчиси, мандибуляр ёки торусал анестезия ўтказиш бўлса, иккинчиси, ментал анестезия ва қўшимча қилиб тил томондан, оғиз туви шиллиқ қавати остига инфильтрацион оғриқсизлантириш ўтказишdir.

Пастки премоляр тишлар ҳам бир илдизли тишлар қаторига кириб, уларнинг илдизи думалоқ шаклда, жуда оз ҳажмда ёнбошларидан сиқилган бўлади. Фақат айрим ҳоллардагина уларнинг илдизлари қийшайган бўлиши мумкин. Иккинчи премоляр тишнинг илдизи биринчисиникига нисбатан узунроқ ва каттароқ бўлади. Бу тишлар соҳасидаги альвеоляр ўсиқнинг ташқи девори ҳам ичкисига

нисбатан юпқароқ бўлади, деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бу тишларни олганда биринчи силжитиш ҳаракати лунж томонга қаратиб бажарилади. Ишлатиладиган омбур қозиқ тишларни олишда ишлатиладиган омбур билан бир хил бўлади. Тишни ўрнидан қўзғатишда комбинацияланган (люксация, ротация) усулдан фойдаланиш тавсия қилинади. Тишлар юқори ва ташқарига йўналтирилиб, тиш катагидан чиқариб олинади.

Пастки жағдаги моляр тишларни олиш. Биринчи ва иккинчи моляр тишларни олиш учун асосан мандибуляр оғриқсизлантиришдан фойдаланилади. Аммо, бу ҳолда, лунж томондан шу тишлар тўғрисига қўшимча инфильтрацион оғриқсизлантириш ўтказиш талаб қилинади. Оғриқсизлантириш мақсадида торусал анестезия усули қўлланилган бўлса, қўшимча анестезияга эҳтиёж қолмайди.

Биринчи ва иккинчи пастки моляр тишларнинг иккитадан илдизлари бўлиб улар: медиал ва дистал (олдинги ва орқадаги) илдизлардир. Илдизлар асосан япалоқ бўлиб, олдиндан орқага қараб сиқилган. Медиал илдиз қалинроқ ва узун бўлиб, кўпинча олдинга қараб ёйсимон эгилган бўлади. Орқадаги илдизи тўғри ва орқароқقا йўналган. Бу тишларда аномал ҳолатлар кам учрайди. Биринчи моляр тиш соҳасида альвеоланинг ички ва ташқи деворлари бир хил қалинликда бўлади. Иккинчи молярда эса альвеоланинг ташқи девори, шу ердан ўтадиган пастки жағнинг ташқи қийшиқ чизиги ҳисобига ички деворига нисбатан қалин бўлади. Бу тишларни олиш учун қўштумшуқсимон маҳсус омбур ишлатилиб, унинг кенг ва маҳкам тишларининг учидаги учбурчак шаклидаги тиканаксимон ўсимталари мавжуд. Бу ўсимталар медиал ва дентал илдизлар оралиғига киритилади ва ҳар иккала илдизни алоҳида маҳкамлаб ушланади. Тишлар люксация ҳаракати билан силжитиб олинади. Биринчи моляр тиш олинаётганда ластлабки ҳаракат лунж, иккинчи молярда эса тил томонга қаратиб бажарилади. Тишлар юқори ва ташқарига йўналтирилган ҳолда чиқариб олинади.

Пастки жағдаги учинчи моляр тишни олиш учун мандибуляр ва торусал анестезия турларидан бир хил муваффақият билан фойдаланиш мумкин. Бунда қўшимча анестезия талаб қилинмайди.

Учинчи моляр тиш ҳам иккита илдизга эга, лекин ўзаро қўшилиб кетиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда бу тиш илдизлари орқага томон қайрилган бўлади. Тишнинг ўзи эса турлича аномалия ҳолатларига (ярим ва тўлиқ ретенция, дистопия, конвергенция, дивергенция) мойил бўлиб, уларни олиш техник жиҳатдан катта қийинчиликлар туғдиради. Ташиқи томондан тиш ўта қаттиқ суюк компакт пластинкаси билан чегараланган. Ички томондан эса альвеола девори юпқа бўлади. Бу тиш маҳсус (горизонтал текислик томон эгилган) омбур билан олинади. Омбур тишлари тузилишига кўра олдинги молир тишлар учун қўлланилган омбурникидан фарқ қилмайди. Биринчи силжитувчи ҳаракат тил томонга қаратиб бажарилади. Тиш юқори ва лунж томонга силжитилиб, чиқариб олинади. Баъзан бу тишни омбур ёрдамида олишининг иложи бўлмайди. Бундай ҳолларда тўғри ёки Леклюз элеватори қўлланади.

ТИШЛАРНИНГ ИЛДИЗЛАРИНИ ОЛИШ

Колиб кетган тиш илдизлари кўпинча ҳеч қандай қийинчиликсиз олинади, чунки бу илдизлар атрофидаги сурункали патологик жараёнлар альвеола сугигига таъсир қилиб, унинг қисман сурилишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида илдизнинг анча эркин чиқишига имкон яратади. Аммо тиш илдизи суюк ичиди чуқурда жойлашса, альвеола сугиги деворлари қалин бўлса, илдиз деворида гиперцементоз пайдо бўлган бўлса ёхуд тиш олиш пайтида илдиз чуқурликда синиб қолса, уни олиш катта техник қийинчиликлар туғдириши мумкин. Кўпинча тишларни олиш пайтида уларнинг илдизларининг синиб қолишига шу жойдаги анатомик шарт-шароитлар (тиш илдизининг дистал томонга қараб кўпроқ қийшайганлиги, дивергенция, жудаузун ёки жуда ингичка илдизлар, альвеола катаги деворининг ҳаддан ташқари қалинлиги ва б.), мавжуд патологик жараёнларнинг оқибатлари (кариоз, декальцинация, гиперцементоз, остеосклероз) сабаб бўлади. Булардан ташқари, илдизларнинг синиб қолишига беморнинг нотинч ҳолати (анестезиянинг етарли бўлмаганлиги ёки беморда нотурғун нерв системасининг мавжудлиги ва б.), аксарият ҳолларда эса врач малакасининг етишмаслиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Илдизлар ҳолатига ташхис қўйишда оғиз ичидан оли-надиган рентгенография усули қўл келади.

Илдизларни олиш жараёнидаги оғриқсизлантириш асосан тишларни олишдаги оғриқсизлантиришдан фарқ қўлмайди. Аммо маҳаллий инфильтрацион, субпериостал, суяқ ичига қилинадиган оғриқсизлантиришларга бўлган кўрсатмалар анча кенгайтирилиши мумкин.

Илдизлар махсус омбурлар (шаклининг туридан қатби назар, тишларининг учи ҳамма вақт бири-бирига тегиб турди) ва элеваторлар билан суғуриб олиниши ёки бормашина, тор учли қачовлар, жарроҳлик болғачаси ва бошқа асбоблар ёрдамида уриб чиқариб олиниши ҳам мумкин. Шунинг билан бирга, юқори жағдаги (асосан ён томонданги тиш илдизлари олинаётганда) элеваторлар ва қачовлардан фойдаланмаслик, суяқ қирраларини махсус тишлатгич асбоб ёрдамида текислаш тавсия қилинади.

Юқори жағдаги фронтал гуруҳ тишларининг илдизларини олиш. Бу тишларининг илдизлари бўйнига яқин қисмida синиб қолган бўлса, аввало милк илдизи ва альвеола суягидан, лаб ҳамда тангтай томонларидан кенг ажратилади. Тўғри ёки милтиқ найзасига ўхшаш махсус омбурнинг тишлари милк тагига киритилиб, альвеоланинг чети билан қўшиб, 3–4 мм чуқурликда ушланади. Омбурнинг тини жойлаштирилиб, илдиз асосан ротация усулида суғуриб олилади.

Агар бу гуруҳ тишларининг илдизлари ўрта қисмida синиб қолган бўлса, уларни омбур ёрдамида оддий усулда олишга ҳаракат қилиш, милкнинг йиртилиб кетишига олиб келади. Ёнбош курак ва қозиқ тишлар катаги деворларининг ўрта қисми қалин бўлганлиги сабабли омбурнинг тишлари суякка катта жароҳат етказади. Шунинг учун ҳам бу илдизларни ҳам яхиси уриб чиқариши усулида олиш тавсия этилади. Тишларининг илдизлари уч қисмидан синган бўлса, уларни фақат уриб чиқариши усули билангина олини мумкин.

Юқори жағдаги премоляр тишлар илдизларини олиш. Премоляр тишлар илдизлари, асосан «S»-симон шаклдаги, тиш илдизларини олишга мўлжалланган омбур ёрдамида олинади. Шу мақсадда милтиқ найзасига ўхшаш омбурдан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу тишларининг илдизлари

бүйин қисмiga яқин жойидан синиб қолған бўлса, уларни олиш учун кўрсатилган маҳсус омбурларни ишлатиш кифоя қиласди. Бунда биринчи премолярнинг илдизлари бир бутун бўлса, улар олдин лунж ва сўнг танглай томон тебратиш (люксация) усулида олинади. Агар унинг илдизлари ўзаро ажратилган бўлиб, алоҳида-алоҳида ётган бўлса уларнинг ҳар бири алоҳида ушланиб (тишининг учи ўртача кенгликдаги милтиқ наизасига ўхшашиб омбур билан), ротация усулида олинади. Ҳар бир ҳолатда ҳам бу илдизлар лунж томон қаратиб суғуриб олинади. Иккинчи премоляр тишилдизи одатда комбинацияланган (ротация ва қисман люксация) усульда олинади.

Премоляр тишлилар илдизлари ўрга ёки уч қисмидан синиб қолиб, шу қолған қисми катакла маҳкам турган бўлса, у ҳолда уни олиш учун уриб чиқарини усули кўлланади.

Юқори жагдаги моляр тишлилар илдизларини олиш. Бу тишиларнинг илдизлари бўйин қисмiga яқин қисмидан синиб қолған бўлса, уларни олиб ташланаш учун кўпинча тишиларининг учи кенг бўлган, милтиқ наизасига ўхшашиб омбурдан фойдаланиллади. Илдизлар бирга чиқали ёки олиш жараёнида ўзаро ажратиб кетиб натижада уларни алоҳида-алоҳида қилиб осон чиқариб олини мумкин. Аммо синик текислиги лунж ёки танглай (ёки бир вақтнинг ўзида иккала томонга қараб ҳам) қиязикка эга бўлган ҳолларда, омбур ишлатини фойда бермайди. Бундай илдизлар одатда ўзаро маҳкам бирланган, йўғон, узун, кўпроқ шоҳлаган, атьвеола деворлари ҳам мустаҳкам бўллади. Унибу илдизларни олинида омбурлардан қўног фойдаланини, элеваторларни асоссиз ишлатини ноўрин сувяк жароҳатига, юқори жагбўйлиги тенишилиб қолини ва унинг ичига тини илдизларининг киритилиб юборилининг олиб келини мумкин. Бундай ҳолларда илдизлар биfurkация соҳасида бормашиниа ёки ўткир қачов ёрдамида бир-биридан ажратилади ва алоҳида-алоҳида қилиб ротация усулида олинади.

Пастки жаг фронтал гуруҳидаги тини илдизларини олиш. Пастки курак тиниларининг қолған илдизларини олини одатда кўн қийиничлик тутдиirmайди. Аммо кексаларда бу тинилар илдизларини бальзан кучли остеосклероз ҳисобига қийиничлик билан олини мумкин.

Пастки қозиқ тишининг илдизи узун бўлиб, катақ деворлари қалинроқ бўлади. Уни олиш учун одатда тишларининг учи кенг бўлган, илдизларни олишга мўлжалланган қўштумшуқсимон омбур қўлланади. Лаб ва тил томон тебратиш ва қисман ротация йўли билан юқори ва ташқарига йўналтирилиб олинади.

Пастки жағдаги премоляр тишилар илдизларини олиш. Бу тишилар соҳасида альвеола суюги анча қалинлашади. Тиш илдизлари бўйин соҳасидан синиб қолганда, уларни омбур тишилари билан бўйнидан пастроқдан ушлашнинг имкони камроқ бўлади. Шунинг учун ҳам илдизни олишни бошлишдан олдин милк ва шиллиқ қаватни альвеола ташқи деворидан (тил ва лунж томонлардан) кенг қилиб ажратиш керак. Омбур тишиларини альвеола деворлари устига қўйиб, 2–3 мм чуқурроққача киргизиш лозим. Шундан кейингина илдизни (катақ девори билан бирга қўшиб) маҳкам сиқиб ушлаш мумкин бўлади. Илдизни аввал лунж, сўнг лаб томон қаратиб силжитилади, сўнг ташқари ва юқорига томон йўналтириб чиқариб олинади. Қисман ротация ҳаракатини қилишнинг ҳам имкони туғилади.

Пастки жағдаги моляр тишилар илдизларини олиш. Бу тишилар соҳасида альвеола деворларининг қалинлиги янада ошади (асосан ташқи қийшиқ чизик ҳисобига) ва қолган тиш илдизларини фақат омбур ёрдамида олиш имконияти камаяди. Аммо илдизлар ўзаро бир-биридан ажратилса ёки омбур тишиларини бирлашиб турган икки илдиздан бирининг четига илдиришнинг иложи бўлса, у ҳолда илдизларнинг бирини (айрим ҳолларда иккаласини ҳам) чиқариб олиш мумкин бўлади.

Илдизлар бир-биридан фиссур бор, баъзан эса ўткир қачов ёрдамида ажратилади. Бунинг учун аввало лунж томондан милк ва шиллиқ қават альвеола деворидан кенг ажратилади ва тиш катагининг четини 3–4 мм қалинликда яrimойсизмон қилиб синдириб, бифуркация очиб олинади. Илдизлар бир-биридан ажратилгач, улар оралиғига бурчакли элеватор (ёки қачовнинг ўзи элеватор ўрнида) киритилади ва улардан бири суриб чиқарилади. Иккинчи илдизни эса бўшаган илдиз катаги орқали киритилган бурчакли элеватор ёрдамида суриб чиқарилади.

Күпинчә элеваторлар ишлатилганда таянч сифатида қүшни тиш катаклари деворидан фойдаланилади. Бунда таянч кучи қүшни тиши түшиб, у ўз ўрнидан сиқиб чиқариб юборилиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун элеватор ишлатилган пайтда таянч кучи тушган қүшни тиши чап қўлнинг бош бармоғи билан босиб ушлаб туриш лозим.

Пастки жағдаги учинчи моляр тиши илдизларини олиш, бу тишининг анатомик шакли ва илдизлари сонининг доимий бўлмаганлиги сабабли катта техник қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам бу тишининг синиб қолган илдизлари фақатгина стоматолог врач маслаҳатидан сўнг олинади.

Бундан ташқари, тишлиар илдизлари ўрта ва уч қисмларидан синиб, альвеолотомия операциясини ўтказишга эҳтиёж түғилганда ҳам стоматолог врачга мурожаат қилинади.

ТИШ ОЛИНГАН ЖОЙДАГИ ЯРАГА ИШЛОВ БЕРИШ ВА УНИ ПАРВАРИШЛАШ

Суғуриб олинганди тиши ёки унинг илдизи (айниқса, уларнинг бўлаклари)ни бирданига туфлонга ташлаб юбориш ярамайди. Аксинча, уларни жуда эҳтиётлаб, эмал косачанинг четига йиғиши ва тиши (илдиз)нинг ҳамма анатомик қисмлари тўлиқ олинганига амин бўлингандан кейингина уларни ташлаб юбориш мумкин. Кўп илдизли тиши олинганди, унинг бирон-бир илдизи синиб қолиб кетса ва унинг қайси илдиз эканлигини врач аниқламаган бўлса (тиши вақтидан олдин ташлаб юборилган бўлса), у ҳолда шу қолиб кетган илдизнинг топик ташхисини аниқлаш учун кўп вақт сарфланishi ва у техник жиҳатдан ноўрин хатти-ҳаракатларга сабаб бўлиши мумкин.

Олиб ташланган тиши катагида эътибор билан тафтиш ўтказини зарур. Дастрлаб илдиз катагининг туби, кичик ва ўткир жарроҳлик қошиқаси ёки каттароқ бошчали қирғич (эскаватор) ёрдамида текшириллади. Бу ерда мавжуд бўлиши мумкин бўлган грануляцион тўқима, гранулема қолдиқлари қириб олиб ташланади.

Катак ичига тушиб қолган суюк синиқлари, майдалашиб кетган илдиз қолдиқлари дикқат билан изланиб топилади ва олиб ташланади. Олиш пайтида синиб қимирлаб қолган альвеола катаги девори ҳам атроф тўқимадан ажратилиб олиб ташланади. Альвеола суяги қирраларининг ўткир

жойлари, сүяк тишлатгичи ёки омбур ёрдамида тишлатиб олинади ва текисланади. Шундан кейин тиш айланы боғламининг соҳаси диққат билан тафтиш қилинади, чунки шу боғлам олдин тишдан яхши ажратилмаган бўлса, майдатаниб кетган (кўпинча олдин девитализация қилинган тишларда) илдиз бўлаклари шу боғламга илашиб қолиб кетиши ва оқиб турган қон ичилда врач уни кўрмай қолиши мумкин. Бу эса оралан 1–2 кун ўтгач bemор томонидан олинмасдан қолиб кетган илдиз сифатида қабул қилиниб, унинг бошқа шифокорга ортиқча мурожаат қилиши ёки альвеолит касалтигининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Энг охирги тиш катаги атрофидаги юмшоқ тўқима ҳолати таҳтил қилинади. Осилиб қолиб, қайта тикланишига шубҳа бўлган лахтаклар кесиб олиб ташланади. Катта йиртилган яралар бўлса, улар четига юпқа кетгут билан чок қўйилади. Милк четлари ўз ўрнига қўйилгач, дока тампон ва панжалар ёрдамида тиш катагининг иккала чети сиқиб қўйилади. Натижала, тиш катагидан ортиқча қон кетиши тўхтайди, катакнинг кириш жойи анча тораяди. Шундан кейин ҳам қон билан ёнилиши қийин бўлган, ташқарига чиқиб қолини эҳтимоли бўлган сүяк қирралари (асосан илдизлараро сүяк тўсинглари) бўлса, улар қўшимча қўпориб олинади ва силлиқланади. Агар тиш олингандан сўнг, унинг катагидан йиринг олингандан бўлмаса, альвеола катагини бирламчи соф қон лахтаги билан тўлдириш зарур. Бунинг учун олингандан тиш катаги 2–3 дақиқа дока тампонлар билан сўлак тегмайдиган қилиб ўраб қўйилади. Катак қон билан тўлгач, тоза дока тампон қўйилиб, тишлатиб қўйилади. Бирламчи қон лахтагининг альвеола девори билан дастлабки кучсиз ёпишиши даври 15–18 дақиқалигини ҳисобга олиб, шу қўйилган тампонни bemор 15–20 дақиқа тишлаб туриши зарур.

Янги ҳосил бўлган қон лахтаги яқин 1–2 соат давомида тўлиқ шаклланади ва альвеола сүякларига етарлича (чиқиб кетмайдиган даражагача) ёпишади. Шунинг учун ҳам тиш олиш операциясидан кейин 2 соат давомида қон лахтагини катакда сақлааб қолиш учун bemорга оғзини чаймаслик, овқат қабул қылмаслик тайинланади. Шу мақсадни кўзлаган ҳолда ҳамда қон лахтагининг сүяк деворига тамоман ёпишиши даври 12–15 соат давом этишини ҳисобга олиб, ундан шу

давр ичидә оғзини тез-тез чаймаслиги ва ўта иссиқ овқат истеъмол құлмаслиги, оғир меҳнат құлмаслиги сүралади.

Агар тиши олингандан сүнг, унинг катагидан йириңг олинган бўлса, у ҳолда тиши катаги тубида ва деворларида фаол жароҳатловчи ҳаракатлар құлмаслик зарур. Акс ҳолда инфекцияниянг сүяқ ичига итариб киритиш хавфи пайдо бўлиши мумкин. Бунда тиши катаги антисептик эритмалар билан яхшилаб ювилади ва кириш қисми 5–10 дақиқа дока тампон билан беркитилиб қўйилади. Беморга оғзини тез-тез 1–2% ли чой содаси (бикарбонат натрий) ёки калий перманганатнинг оч-қизил ранги эритмаси билан чайиб туриш буорилади.

Бирваракайига бир неча тиши олинган (агар улар ёнмаён турган бўлса) бўлса, у ҳолда тишлар оратигидаги милк тўсинлари йиртилиб кетиб, катта яра пайдо бўлади. Шу ярани кичрайтириш учун чиқиб қолган тишлар ва илдизлараро сүяқ тўсинлари тишлатгичлар ёки омбур тишлари ёрдамида қўпориб олиниб текисланади ва айтилган милк тўсинлари соҳасига чок қўйилиб чиқилади. Айрим ҳолларда милкнинг ўзига ҳам чоклар қўйилиши мумкин.

Олинган тишларнинг ўрни асоратсиз биттандада, бу жараён деярли оғриқсиз кечади ва 12–14 кун ичидә текис грануляция билан қопланиб, 1–4 ой ичидә тўлиқ эпителийтаниб битади. Тиши катагидаги қон лахтаги остеоид тўқима билан алмашади. Оқибатда, агар олиш жараёни ўта травматик кечмаган бўлса, альвеола ўзининг 1/3 баландлигини йўқотган ҳолда суякланиб битади ва тиши протезлашга тайёр бўлади. Тиши олингандан сүнг 6 ой муҳдат ўтгач альвеола суягида имплантация операциясини ўтказиш учун шартшароит тугилади.

Катта жароҳат етказилиб олинган тиши катакларида ялигланиш аломатлари мавжуд бўлса, битиш жараёни жуда узоқ (30–40 кун) даврга чўзилади. Бунда суякланиш жараёни нуқсонли кечиб, тиши протезлаш ҳамда имплантация учун шартшароитлар чегараланган бўлади.

ТИШ ОЛИШ ОПЕРАЦИЯСИННИГ АСОРАТЛАРИ

Тиши олиш операциясини бажариш жараёнида умумий ва маҳаллий тавсифга эга бўлган асоратлар кузатилиши мумкин. Умумий тавсифдаги асоратларга қисқа вақтга ҳуш-

дан кетиши, коллапс ва айрим ҳолларда шок ҳолатларининг пайло бўлиши киради (улар тўғрисида маълумот юқорида берилган эди). Бундай асоратлар юзага келишига, асосан бемордаги кучли ҳис-ҳаяжон, кўрқув ҳолати ва нотурғун нерв тизимининг мавжудлиги сабаб бўлади. Айрим ҳолларда эса улар анестезия етарли бўлмагандан ҳам юзага келиши мумкин.

Маҳаллий тавсифдаги асоратлар юзага келиш даврига қараб, тиш олиш операцияси пайтидаги ва операциядан кейинги даврдагиларга бўлинади.

Тиш олиш операцияси пайтида юзага келадиган асоратлар. 1. Олинаётган тишга нисбатан қўшни турган тишларининг синиши ва ўз ўрнидан чиқиши. Бу асосан тиш ёки унинг илдизлари элеваторлар ёрдамида олинаётганда кузатилиши мумкин. Сабаби, врач элеваторни ишлатганда таянч тишни чап қўлининг бош бармоғи билан босиб ушлаб турмаганилигидадир.

Давоси: тиши қисман ўз ўрнидан чиққан бўлса, у ўз ўрнига репозицияланиб, илгаксимон шина билан ёки пластмассали шина-қалпоқ кийдириб маҳкамлаб қўйилади. Тўлиқ чиқиб кетганда эса реплантация қилинади. Қўшни тишнинг тож қисми синиб кетганда унинг даражаси, девитализация қилиш керак ёки керакмаслиги, сақлаб қолиш имкониятлари ҳисобга олинади ва шунга яраша чора кўрилади. Эмалнинг четлари учиб кетганда (acosan бу антагонист тишларда кўпроқ кузатилади), ундаги ҳосил бўлган нуқсонни нур билан қотириладиган композитли пломба ёрдамида беркитиш яхши самара бермоқда.

2. Милк ёки оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг йиртилиб шикастланиши. Бу кўпинча тишни олишдан олдин милкнинг тиш бўйни ва альвеолар суюқдан етарлича ажратилмаганилиги ҳамда омбур учларини қўйини пайтида милкни ҳам қўшиб ушлаш натижасида кузатилади. Кўпроқ настаки жағдаги тишлар олинганда қайд этилади. Сабаби, оғиз яхши очилмаса ёки ёруғлик етарли бўлмаса, омбурни қўйишида врач хатога йўл қўйиши мумкин. Одатда жароҳат шу олинаётган бир тиш соҳасида (яхши ажратилмаган милк остига омбур учини чуқур киритишга ҳаракат қилинганда), баъзан эса тил томондан лентасимон бўлиб, бир неча тишлар соҳасида суюқдан ҳам ажralиб йиртилиши мумкин.

Тишиларни күпөл ҳаракатлар билан, альвеола деворларини ўта майдалаб олиш жараёни ҳам милкларнинг күплаб жароҳатларига сабаб бўлиши мумкин. Жароҳатланган милк одатда қонайди ва ишлашга халақит беради.

Давоси: милк яраси четларига оддий чоклар қўйиб, у қайта тикланса қон кетиш тўхтайди. Аммо жуда эзилиб кетган лахтаклар бўлса уларни қирқиб олиб ташлаш зарур. Бунда альвеола суюгининг очилиб қолмаслигига эътибор бермоқ лозим. Агар шиллиқ қават суюқдан бир неча тиш тўғрисида ажралиб йирғилган бўлса, у тафтишдан ўтказилгач, ўз ўрнига қўйилади ва тишилар орасидаги сўргичлар соҳасидан чоклар қўйиши билан маҳкамланади.

3. Тиш илдизларининг атрофдаги юмшоқ тўқималарга суреб чиқарилиши. Бу тиш илдизларини олиш техникасининг күпөл равишда бузилиши, элеваторларнинг нотўғри йўналишда қўлланилиши, ноўрин куч ишлатилиши оқибатида кузатилиши мумкин. Иккинчи бир ҳолат, бу милк тишидан ажратилгандан ёки омбур уни жуда чуқур киритилганда, атрофдаги юмшоқ тўқима суяк усти пардаси билан биргаликда кенг жойда суюқдан ажралиб кетганда, суяк бўйлаклари ёки илдиз ва унинг қолдиқлари суяк билан суяк пардаси орасига тушиб қолиб кетганда аниқланади. Бу яраннинг битиши даврида бемор овқат қабул қилганда, тили билан текканда ёхуд пластинкали протездан фойдаланганда оғриқ бериши билан намоён бўлади.

Юмшоқ тўқима ичига силжиб кетган илдизни пальпация қилиб аниқлашнинг иложи бўлса, уни шиллиқ қаватнинг шу жойида кесиб қириб олиб ташланади. Чуқурда қолган илдизнинг (кейинчалик у яллиғланиб, жағ ости соҳасидаги тери ва тиш катагида оқма ҳосил қилиши мумкин) ўрни аниқлангач, уни стационар шароитда олиб ташлаш зарур.

4. Альвеоляр ўсиқ ёки жағларнинг бир қисмининг олинаётган тиш билан бирга қўпорилиб чиқиши. Бундай ҳолат юқори жағдаги ақл тишини олиш пайтида, омбур учини чуқур киритиб юқори жағ дўмбоги билан қўшиб ушлагандан рўй бериши мумкин. Айрим ҳолларда, тини илдизлари атрофидаги сурункали яллиғланиш жараёнлари атроф суякда остеосклерозни (суяк тўқимасининг қаттиқлашиши) чақиради ва натижада илдиз альвеола девори билан узвий

қўшилиб кетади. Бундай тишлар олингандан ҳам улар билан бирга альвеоляр ўсиқнинг бир қисми синиб қўпорилиб чиқади.

Бундай асорат рўй берганда жарроҳ стоматолог врачни маслаҳатга чақириб, керакли ёрдам кўрсатилади.

5. Пастки жағнинг чакка-пастки жағ бўгимидан чиқиб кетиши. Одатда бу асорат пастки жағдаги ёнбош тишларни олиш пайтида оғизнинг жуда катта очилиши ва врач томонидан керагидан ортиқ босим кучи берилиши натижасида кузатилади. Айрим ҳолларда бу асорат тишни олиш пайтида врач томонидан ёки илдизлар уриб чиқарилаётганда ёрдамчи ҳамшира томонидан пастки жағни маҳкам ушлаб турмагандан ҳам рўй бериши мумкин. Кўпинча пастки жағ бир томонлама чиқиб, у бемор оғзининг ёпилмай, энгагининг соғлом томонга сурилиб қолиши билан намоён бўлади. Чиқиб қолган жағ одатда ўз ўрнига Гиппократ усулинни қўллаш йўли билан солиб қўйилади ва бир неча кун унинг ҳаракати чегараланади.

6. Пастки жағнинг синиши. Бу асорат одатда пастки жағдаги иккинчи, учинчи моляр тишлар ва уларнинг илдизлари элеватор ёки қачов ишлатиб уриб чиқариш йўли билан олинаётганда, тиш олини техникасининг қўпол равища бузилиши сабабли юз беради. Аммо бундай асоратнинг келиб чиқишига жаңда айрим патологик жараёнлар (радикуляр, фолликуляр кисталар, жағ ўсмалари, остеомиелит ва б.) борлиги оқибатида унинг нозиклашиб қолганилиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Пастки синган жағта шу заҳоти ташхис қўйиш одатда жуда қийин. Унинг белгилари ўтказилган анестезия ва кейинчалик тиш катагидаги оғриқ билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо орадан 5–6 соат ўтгач бемор жағида оғриқ пайдо бўлиб, у оғзини очишга қийналади ва луқмани чайнай олмайди. Ташхис жағни рентгенография усулида текшириш натижасига кўра қўйилади. Бундай бсморни стационарга ётқизиб, жағлар махсус шиналаш йўли билан даволанади.

7. Юқори жағ тубининг тешилиб қолиши (перфорацияси). Бу асоратнинг келиб чиқишига, асосан юқори жағда индивидуал анатомик шарт-шароитларнинг мавжудлиги сабаб бўлади. Жумладан юқори жағ бўшлигининг пневматик турида, унинг ҳажми меъёридан катта бўлиб, пастки

чегараси (туби) альвеоляр ўсиқ, ҳатто моляр тишлар илдизлари орасидаги түсін ичигача тушған бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда тиш илдизининг учкі қисмida жойлашган патологик жараён (сурункали периодонтитлар, радикуляр киста ва б.) илдиз билан бўшлиқ туби оралиғидаги суяқ деворини емириб юбориши, баъзан эса гранулемалар юқори жағ бўшлиғи шиллик қавати билан қўшилиб ёпишиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Бундай пайтда тиш олиш техникаси бузилмагандан ҳам юқори жағ бўшлиғининг туби тешилиб қолиши мумкин.

Айрим ҳолларда бундай асоратлар врачнинг айби билан ҳам юзага келиши мумкин. Масалан, юқори жағдаги моляр тишлар олинаётгандан әлеватор ва қачовлардан қўпол ҳолда фойдаланиш, олинган тиш катаги тубидан гранулемаларни қуч ишлатиш йўли билан қириб олишга ҳаракат қилиш ва бошқалар.

Юқори жағ бўшлиғи тубининг тешилиб қолганлигини билиш учун қўйидаги белгиларга эътибор берилади: олинган тиш катагидан оқиб чиқаётган қонда кўпик (ҳаво пулфакчалари аралашини натижасида) пайдо бўлади. Катак туби зонд ёрдамида текширилганда, катак туби йўқ бўлиб, у чуқурликка тупиб кетади. Бемор панжалари билан бурнини бекитиб, бурни орқали нафас чиқаришга ҳаракат қилиганда, олинган тиш катагидан ҳаво оғизга томон ўтганини се зади. Беморнини боши олдинга өгилганда, унинг шу томондаги бурун бўшлиғидан қон оқиб чиқиши мумкин. Қўшимча текшириш усули сифатида, юқори жағ бўшлиғи ва альвеоляр ўсиқ (С.Ҳ. Юсупов усулида) рентгенографияси тавсия қилинади.

Бу асорат рўй берган тақдирда тиш врачи тиш олиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни тўхтатиши ва олинган (олинаётган) тиш катагининг кириш жойига йодоформли дока-лента қўйиб, жарроҳ стоматолог врачини маслаҳатга чақириши лозим.

Юқорида келтирилганлардан ташқари тиш олиш операцияси пайтида эҳтиёт чорлари кўрилмасдан ишлагандан, тиш ёки альвеола катагидан отилиб чиқсан илдиз оғиз бўшлиғига, сўнг эса нафас йўлларига тушиб қолиб, обтурацияланган асфиксияга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолат юзага келганда зудлик билан жарроҳ стоматолог врачи ёр-

дамга чақирилади. Одатда, бундай пайтларда трахеотомия операциясини ўтказиш учун күрсатма пайдо бўлади. Тиш врачи эса стоматолог етиб келгунча бемор оғиз бўшлигини барча ёт жисмлардан тозалайди, нафаснинг тамоман чиқмай қолишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўради.

Оғиз бўшлиғига учиб тушган тиш ёки унинг илдизи бемор томонидан ютиб юборилиши ҳам мумкин. У ҳолда уларнинг ўзи табиий йўл билан чиқиб кетади ва маҳсус ёрдам талаб қилинмайди.

Тиш олингандан кейин юзага келиш эҳтимоли бўлган маҳаллий асоратлар қуидагилардан иборат:

1. Қон кетиши. Тиш олингандан кейинги қон кетиши ҳоллари икки хил бўлади: 1) бирламчи қон кетиши – тиш олингандан кейин қон оқишининг узоқ вақт тўхтамаслиги; 2) иккиламчи қон кетиши – тиш олингандан сўнг қон оқиши тўхтаб, аммо бир неча соат (баъзан бир неча кун) ўтгач қон оқишининг яна қайталаниши.

Қон маҳаллий ва умумий сабабларга кўра кетиши мумкин. Тиш олиш пайтида милк ва альвеола суягини кучли жароҳатлаш, олинган тиш катагига етарлича ишлов бермаслик, адреналин эритмасини ўринисиз кўп ишлатиш, тиш катагида грануляция тўқимасининг қолиб кетиши, атроф тўқимада яллиғланиш аломатларининг борлиги маҳаллий сабаблар жумласига киради. Умумий сабабларга қон ивиш жараёнининг бузилиши билан кечувчан (геморрагик диатезлар, гемофилия, Верильгоф касаллиги, Рендю–Ослер касаллиги, Виллебранд касаллиги, геморрагик васкулит, С-авитаминоз) ёки қон томир тизими бузилиши билан кечувчи (ўтқир лейкоз, септик эндокардит, инфекцион гепатит, терлама, қизамиқ ва б.) касалликлар киради.

Булардан ташқари хафақон касаллигига мубтало беморларда ёки антикоагулянт дорилар (гепарин, неодекумарин, синкумар, фенилин ва б.) билан даволанаётган беморларда ҳам қон кетишига моййиллик бўлади. Иккиламчи қон кетишинига, баъзан оғир меҳнат билан шуғулланиш, тиш олингандан кейин оғизни кўп чайиш ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Тиш катагидан қон кетганда, дастлаб шу катак ва атроф тўқимада, қон кетаётган жойни аниқлаш мақсадида

(огриқсизлантириш остида) тафтиш ўтказмоқ лозим. Одатда қон катақ тубида жойлашган тиш артериясида, альвеола деворининг жароҳатланган ёки атрофдаги юмшоқ тўқиманинг йиритилган жойидан оқиб чиқаётган бўлиши мумкин. Буни аниқлаш эса, кўрсатиладиган ёрдам тактикасини белгилайди. Бунинг учун аввало оғиз бўшлиги қон лахталаридан тозаланади, сўнг олинган тиш катаги атрофи қондан тозаланиб, шиллиқ қаватдаги жароҳатлар аниқланади. Қон фақат шиллиқ қаватданми ёки бир вақтнинг ўзида суяқ тўқимасидан ҳам кетаётгани аниқланади. Милк жароҳати дока тампон билан маҳкам босиб ушланиб, тиш катаги тафтишига ўтилади. Бунинг учун катак қон лахтагидан тозаланади, 3% водород пероксиди эритмаси билан ювилади ва қуритилади. Катак деворлари тафтиши давомида суяқ синиқлари ва синиб қимирилаб қолган, лекин юмшоқ тўқима билан ёпишиб турган суяқ бўлаклари ҳам олиб ташланади. Суякнинг ўткир қирралари текисланади.

Агар қон катақ деворининг жароҳатланган жойидан кетаётган бўлса, шу жойга тўғри элеватор учини (ёки бошқа бир уни ўтмасроқ тўғри асбоб) қўйиб, жарроҳ болғачаси билан уриб эзилса, қон оқишини тўхтатиши мумкин. Қон жароҳатланган тиш артериясидан, тиш катаги тубидан оқаётган бўлса, у ҳолда тиш катаги кичик кенгликдаги йодоформли дока лента билан жипслаб тампонланади ва қон тўхтатилади. Аммо қон фақат йиртилган шиллиқ қаватдан оқаётган бўлса, унинг четларига оддий чоклар қўйилиб тикилади ва қон тўхтатилади. Айрим ҳолларда қон бир вақтнинг ўзида ҳам суяқ тўқимасидан ҳам шиллиқ қаватдан оқади ёки унинг қаердан оқаётганини аниқлашнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтларда тиш катаги капрофер эритмасига бўктирилган дока тампон, гемостатик говак ёки гемостатик дока бўлаги билан тўлдирилиб, шиллиқ қаватнинг йиртилган жойлари чок билан тикиб ташланади. Айрим манбаларда тавсия қилинувчи, яъни қон оқаётган жойни перманганат калийнинг қуруқ кристали билан куйдириш усули қўлланилмайди. Чунки бу усул қўшимча жароҳатлаши, самара бермаслиги мумкин.

Тиш катагига киритилган йодоформли дока тампон 5—6 кундан сўнг олиб ташланади. Бундан эрта муддатда олиб ташланганда иккиласмачи қон кетиши мумкин.

Кечки иккаламчи қон кетганды, анестезия остида тиши катаги қон лахталари ва ёт жисмлардан тозаланады, анти-септик эритмалар билан ювилади ҳамда юқорида күрсатилган гемостатик препаратларнинг бири билан түлдирилиб, устидан дока тампон қўйилиб, 15–20 дақиқа тишлаб турилади. Қайта текширганда қон кетмаса, беморга уйига кетишига рухсат берилади.

Агар қайта текширганда қон кетиши тўхтамаган бўлса, ёки бу қон кетишнинг умумий сабаблари борлигидан шубҳа тугилса, у ҳолда тиши врачи жарроҳ стоматологни маслаҳатга чақиради ва унинг кўрсатмасига асосан иш кўради.

2. Операциядан кейин олинган тиши катагининг оғриши. Одатда олинган тини ўрни, анестезия таъсири ўтгандан кейин озроқ оғрийди ва бу оғриқ бир неча соатдан кейин изсиз йўқолади. Аммо айрим ҳолларда, орада 1–3 қун ўтгач, шу жойда кучли оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Бемор оғриқ зарбидан кечаси ухлай олмайди, анальгетикларни ичиш ҳам наф бермайди. Одатда бундай оғриққа тини олиш найтида унинг катагига бирон-бир ёт жисмнинг (тиши синиқлари, пломба бўлаклари ва б.) тушиб қолиши ёки олиш найтида тиши катаги деворларининг ўта кучли босим билан шикастланиши (масалан, илдизлари тарвақайлаб кетган кўп илдизли тини олинганда, гиперцементозли ёки илдиз учлари қўйшайган тинилар техник қўйинчиликлар билан олинганда) натижасида яранинг битинининг меъёрда эмаслиги (бузилиши) сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бундай оғриқлар очилиб қолган альвеола суюги ва теккисланимай қолган альвеола катаги деворлари сабабли ҳам кузатилини мумкин. Таанис қўйгандаги оғриқнинг борлиги, аммо ялгизланиш жараёнининг йўқдиги ҳисобга олинини зарур. Акес ҳолда бу оғриқ альвеолит деб аталаувчи тини катаги ялгизланиши касалтинининг бир белгиси ҳисобланади, холос. Да-воси зеа аниқланган сабабларни жарроҳлик йўли билан бартараф этини ва оғриққа қарни консерватив чора-тая-бирилар кўринишлан иборатлар.

3. Альвеолит касаллиги. Бу касаллик олинган тини катаги деворларинини инфиекция тушиши ва травма оқибатида тўқималар реактивнингининг насайини натижасида ялгизланнишинилди. Унинг сабаблари куйилдагилардан иборат бўлини мумкин: **а)** тини олини найтида альвеола катаги деворлари

ва ката克拉аро түсіннинг майдаланиб кетиши; **б)** милк ва шиллиқ қаватларнинг операция пайтида эзилиб йиртилиб кетиши натижасыда альвеола сұягининг очилиб қолиши; **в)** тиш олингандан кейин илдизлар ёки тишлиарааро сұяқ түсінлари, катаңнинг ўтқир қирралы деворлари ортиқча жойларининг олиб ташланмаганлығи; **г)** элеватор ва қачовлар билан альвеола сұягига кучли жароҳат етказилғанлығи; **д)** тиш олиш операциясунинг узок ва жароҳат билан кечғанлығи; **е)** олинган тиш катагида инфекциянинг мавжудлығи (ўтқир ёки хуруж қылған периодонтит, асоратланған пародонтит ва б.); **ж)** кечирилған соматик касалліклар оқибатида организм умумий реактивлигининг пасайғанлығи.

Бемор олинган тиш ўрнидаги доимий, кучли, қулоқ, чакка соҳалари ва бошининг ярмигача тарқалувчи оғриқдан, умумий ҳолатининг ёмонлашғанлығидан, ҳолсизликдан ҳамда тана ҳароратининг ошғанлығидан шикоят қиласы. Оғриқ күчлилигидан bemorning овқатланиши қийинлашади, уйқуси бузилади. Бемор оғзидан құланса ҳид келиб туради (*fetor ex orae*). Олинган тиш катагида қон лахталарининг фақат қолдиқтарини топиш мүмкін. Унинг деворлары күлранг, құланса ҳидли караш билан қопланған бўлиб, атроф шиллиқ қавати қизарған, шишған, пальпация қилганда оғрийди. Жағ ости лимфа тугунлари катталашған, оғриқли. Юз юмшоқ тўқималари шу тиш соҳасыда шишған бўлиши мүмкін.

Давоси. Беморда маҳаллии оғриқсизлантириш ўтказилгач, қуидаги икки усуудан бири қўлланади. 1. Тиш катаги антисептикларнинг илик әритмаси билан босим остида (шприц ва учи ўтмаслашибирлган нинадан фойдаланиб) ювилади. Бунинг учун 3% водород пероксили, 1:5000 нисбатдаги фурацилин, 1:1000 нисбатдаги пермаганат калий, хлоргексидин әритмалари ишлатилади. Катақдаги караш, овқат қолдиқлари ва сўлак ювиб чиқарилади. Сўнг кичкина, ўтқир жарроҳлик қошиғи ҳамда қирғичлар ёрдамида катақдаги қон лахтагининг қолдиқлари, сұяқ ва тиш бўлаклари, грануляцион тўқималар эҳтиётлик билан қириб олиб ташланади, катак яна бир маротаба антисептик әритмалар билан ювилади, дока тампон билан қуритилади. Шундан кейин тиш катаги атрофини стерилланған пахтали бўлакчалар билан ўраб, сўлак тушишидан эҳтиётланади.

ди. Бир неча дақиқадан сўнг тиш катаги янги соф қон лахтаги билан тўлади. Унинг катақда яхши ушланиб қолиши учун устидан йодоформ порошоги (ёки тетрациклин порошоги) сепилади ва дока тампон билан ёпиб 30 дақиқага тишлатиб қўйилади. Шу мақсадда солкосерил дентал адгезив пастасини қўллаш ҳам яхши самара беради. Бу паста адгезив (ёнишиш) хусусиятга эга бўлганлиги учун унинг таъсири 4–5 соатга чўзилади. Уй шароитида эса беморнинг ўзи муолажани бажаради (3–5 кун давомида). Бундан ташқари бу паста тўқималарнинг маҳаллий реактивлигини оширади ва битиш жараёнини тезлаштиради.

2. Олинган тиш катаги антисептик билан ювилиб, тозаланиб қутилигач, деворларига анестезия порошоги сепилади ва йодоформли дока тампон билан ёпиб қўйилади. Катак ҳар куни (5–7 кун давомида) антисептик билан ювилиб тозаланади, протеолитик ферментлар (химопсин, химотрепсин, папаин) билан ишлов берилади ва яна шу тампон билан ёпиб қўйилади. Бу усулнинг етарлича самарадорлигини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш керакки, бу усулда даволанганди тиш катагининг грануляцияланиб битиш даври чўзилиб кетади (камида 2 ҳафтага). Усиз ҳам парчаланиб кетган тиш катаги ўрнида секин битадиган чуқурлик ҳосил бўлиб, у ерга овқат қолдиқлари кириб қолади ва бу оғиз гигиенасининг бузилишига олиб келади. Натижада оғиз бўшлигини протезлашга тайёрлаш даври ҳам чўзилиб кетади.

Булардан ташқари, яллиғланган тици катаги атрофига новокайнли блокала қилинади. Бунинг учун ўтувчи бурма соҳасига 5–10 мл 0,5% новокайн эритмаси юборилади. Муолажани бир кун ўтгач қайтариш ҳам мумкин. Физиотерапия усулларидан УВЧ, флюкторизация, лазертерапия ва бошқалар тавсия қилинади. Оғиз бўшлигини кунда 4–6 маҳал 40–42 °C ли перманганат калийнинг 1:3000 нисбатдаги ёки 1–2% гидрокарбонат натрий эритмаси билан оғиз ваннаси сифатида чайиб туриш тайинланади. Ичиш учун сульфаниламид препаратлари, анальгетиклар, антибиотиклар ва витаминлар буюрилади.

6. ТИШ-ЖАҒ ТИЗИМИНИНГ ОДОНТОГЕН ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ

ОДОНТОГЕН ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЕЗИ

Юз-жағ соҳасида учрайдиган яллиғланиш касалликлари асосан инфекцияли яллиғланиш жараёнлари бўлиб, улар патоген хусусиятли микроорганизмлар томонидан чақирилади. Бу микроорганизмлар 95–98% ҳолларда тўқима ичига кариес касаллиги оқибатида емирилган тиш каваклари орқали кириб, бундай патогенезга эга бўлган яллиғланиш касалликлари «одонтоген яллиғланишлар» деб аталади.

Агар касаллик чақирувчи микроб тўқима ичига оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг шикастланган жойи орқали кирган бўлса, у стоматоген, муртак безлари орқали кирган бўлса – тонзиллоген, бурун шиллиқ қавати орқали кирган бўлса – риноген, қулоқ тизими орқали кирган бўлса – отоген ва ҳоказо деб аталади.

Касаллик чақирувчи микроорганизмларнинг кўпи, одатда тиш кавагида, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида, юз терисида вегетацияланиб, маълум шарт-шароитлар тугулмагунча патогенлик хусусиятини намоён қилмайди. Тиш бўшлиғи очилиб қолиши натижасида микроблар пульпа тўқимаси ичига киради ва улар сабабли икки хил ҳолат кузатилиши мумкин. Биринчи ҳолатда микроблар маҳаллий ҳимоя кучлари таъсирида ўлдирилади, иккинчи ҳолатда эса улар лимфа йўлларига тушиб, унинг оқими бўйлаб лимфа тугунларигача етиб боради ва шу ерда ушлаб қолинади ва йўқ қилиб ташланади. Бундай ҳолатлар инсон организмида ҳимоя омиллари етарли бўлгандагина намоён бўлади. Агар лимфа тугунида микроорганизм ушланиб қолинмаса, у ҳол-да у қон айланиш тизими ичига тушиб, бутун организмга тарқалиши, яъни септик ҳолат юзага келиши мумкин. Кўпинча эса янги шароитга тушган микроорганизм, шу муҳиттага мослашиб кўпая бошлайди ва ўзидан оқсил хусусиятига эга бўлган заҳарли моддалар – экзотоксинларни чиқаради. Улар эса ўз навбатида антигенлик хусусиятига эга бўлиб, айрим тўқималарни танлаб шикастлайди.

Микроорганизмлар ўлиши ва парчаланиши оқибатида ҳам улардан заҳарли моддалар, эндотоксинлар ажralиб

чиқади. Бу заҳарли моддаларнинг атроф тўқимага жароҳатловчи таъсири натижасида организмда яллиғланиш реакцияси бошланади ва натижада шу инфекция кирган жой чегараланади. Бу реакциянинг юзага келиши, биринчидан, инфекция чақиравчи микроб вирулентлиги (микроорганизмларнинг патогенлик хусусияти ва уларнинг миқдор даражаси) ҳамда микроорганизмнинг иммунологик реактивлигига боғлиқ бўлади.

Одонтоген яллиғланишни чақиравчи микроорганизмларда одатда стафилококклар, стрептококклар, энтерококклар, диплококклар, граммусбат ва грамманфий таёқчалар ҳамда бошқалар бўлади. Улар монокультура ёки микроорганизмлар ассоциацияси сифатида бўлиши мумкин. Баъзан улар орасида замбуруғлар, микоплазмалар, трихомонаидлар, спирохеталар учраши мумкин. Улар орасида анаэроблар (облигат анаэроблардан бактериоидлар, фузобактериялар, пептострептококклар ва б.) ҳам учраши мумкин.

Тиш илдизларининг учи атрофидаги сурункали яллиғланиш касалликларининг хуруж қилиш механизми ҳам одатда жароҳатланишга (тиш тўқимаси орқали ўтган механик жароҳат ёки тиш канали бекилиб қолиши натижасида яллиғланиш ўчогидаги босимнинг ошиб кетиши) боғлиқ бўлади ва бу ҳолат жараённинг бошланиши учун туртки ҳисобланади. Бу жараёнда стресс омиллари (совуқ қотиш, кучли ҳис-ҳаяжон, жароҳат ва б.) ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шундан кейинги ўткир яллиғланиш реакциясининг барча босқичлари кетма-кет намоён бўла бошлайди.

ОДОНТОГЕН ЯЛЛИҒЛANIШ КАСАЛЛИКЛАРИ ТАСНИФИ

Кундалик амалиётда одонтоген яллиғланиш касалликларининг клиник-рентгенологик таснифи қўлланади.

Ушбу тасниф бўйича қуйидаги касалликлар фарқланади:

I. Периодонтитлар

1. Ўткир периодонтитлар:
 - а) серозли
 - б) йирингли
2. Сурункали периодонтитлар:
 - а) грануляцияланувчи
 - б) гранулематоз
 - в) фиброз
3. Хуруж тутган босқичдаги сурункали периодонтитлар

II. Жағлар периоститлари

1. Ўткір йириңгли периостит

2. Сурункали периостит

III. Жағлар остеомиелитлари

1. Клиник кешишига қараб:

- а) ўткір
- б) ўткір ости
- в) сурункали
- г) сурункали хуруж тутган

2. Тарқалғанлик даражасига қараб:

- а) чегараланған
- б) диффуз

IV. Юз-жағ ва бүйин соҳалари абсцесси ва флегмоналари

ПЕРИОДОНТИЛAR

Периодонтит (periodontitis) – бу тиш илдизи билан аль-веола катаги оралиғидаги ёриғида жойлашған (периодонт) тұқыманинг яллиғланиш касаллиги бўлиб у инфекцияли, жароҳатли ва медикаментоз тавсифга эга бўлиши мумкин.

Инфекция, одатда кариес натижасида емирилған тиш каваги орқали тиш пульпаси ва сўнг тиш илдизи канали орқали илдиз учи атрофидаги периодонт тұқымасига тушади. Бундай периодонтит апикал периодонтит дейилади. Айрим ҳолларда эса инфекция периодонт тұқымасига тишнинг бўйин атрофидаги тиш айлана боғламининг емирилиши орқали киради ва бундай периодонтит маргинал (четдан кирган) периодонтит деб аталади.

Жароҳатли периодонтит касаллиги муайян тишга тушган бир мартали (зарба, лат ейиш) ёки сурункали жароҳат (тишта қўйилған пломба ёки сунъий қоплам баланд бўлиб оклюзия бузилған бўлса, одат тусига кириб қолған зарарли кўнкималар: ёнғоқни тиш билан чақиши, кунгабоқар уругини чақиши, ғалтакли ипни тищ билан узиш, тишлилар орасида қаттиқ нарсаларни ушлаш ва б.) натижасида ривожланиши мумкин.

Медикаментозли периодонтит, одатда пульпит касаллигини даволаш мобайнида қучли таъсир қилувчи дори моддалари (мишъякли паста, резорцин формалин ва б.) қўлланилганда ёки бирон-бир дори моддасига нисбатан

периодонт тўқимасида аллергик реакция пайдо бўлганда келиб чиқиши мумкин.

Кундалик амалиётда асосан илдиз учи атрофида ривожланган инфекцияли апикал периодонтит касаллиги қўп учрайди.

Ўткир периодонтит – бу периодонт тўқимасининг ўткир яллиғланишидир. Бу касалликнинг серозли шаклида бемор муайян бир тишда унчалик кучли бўмаган, аммо тишлаб босганда кучавчи оғриқдан шикоят қиласади. Унинг ўткир йирингли шаклида эса беморлар лўқиллаб турувчи, ўта кучли, уч шохли нерв толалари бўйлаб тарқалувчи (радиацияланувчи) оғриқдан шикоят қиласадилар. Оғриқ доимий бўлиб, босиб турилганда бир оз пасаяди. Бемор шу тиши ўз ўрнидан ўсиброқ қолганидан шикоят қиласади. Касалликнинг ўзига хос белгилари – бу беморнинг оғриётган тишини аниқ кўрсатиши, тишини вертикал ва горизонтал перкуссия қилганда (урит кўрганда) кучли оғриқ пайдо бўлиши. Оғриётган тиши одатда кариоз емирилган бўлиб, қимиirlаб туради. Касал тиши илдизи учининг проекциясида шиллиқ қават қизарган, шишган бўлиб, пальпацияда оғрийди ва бу белгилар икки ёндаги қўшни тишлар соҳасига ҳам тарқалган бўлиши мумкин. Бемор юзининг ташқи кўринишида одатда ўзгариш бўлмайди, фақат пальпация қилинганда шу тиши билан боғлиқ бўлган бир ёки бир неча лимфа тугунлари катталашган бўлиши мумкин. Беморнинг умумий аҳволи ҳам одатда ўзгармайди, тана ҳарорати меъёр даражасида қолади.

Касал тишини термик таъсирантирганда ва электроодонтометрия қилинганда унинг пульпасининг некрозга учраганлиги аниқланади. Оғиз ичидан орторадиал проекцияда бажарилган рентген тасвирида периодонт ёриғида патологик ўзгаришлар аниқланади ёки умуман кузатilmайди ёки унда бу ёриқнинг нисбатан кенгайланлигини кўриш мумкин бўлади. Аммо юқорида келтирилган ўткир яллиғланиш белгилари сурункали периодонтит касаллигининг хуружи оқибатида юзага келган бўлса, у ҳолда рентген тасвирида шу касалликнинг турли хилларига (гранулематоз, грануляцияланган фиброз) хос белгилар кузатилади.

Ўткир периодонтит касаллигининг юқорида келтирилган хос белгиларига асосланган ҳолда уни ўткир пульпит,

периостит, жағлар остеомиелити, илдиз атрофи кистаси-нинг йиринглаши ва ўткир одонтоген гайморит касаллик-ларидан фарқлаш лозим бўлади.

Касалликнинг иккала турида ҳам даволашнинг асосий қоидаси – бу экссудатнинг эркин оқиб чиқиб кетишини таъминлашdir. Агар касал тиш косметик ва функционал жиҳатдан ҳали қимматини йўқотмаган бўлса, у ҳолда бу тиш консерватив йўл билан даволанади. Бунинг учун экс-судатнинг тиш канали орқали оқиб чиқишига имкон яра-тилади. Бунинг иложи бўлмаган ҳоллардагина ўтувчи бурма соҳасидан шиллиқ қават ва сүяқ усти пардаси кесиб очи-лади. Агар касал тиш кучли емирилиб, қийматини йўқотган бўлса, у ҳолда бу тиш олиб ташланади ва экссудат тиш ка-таги орқали чиқарилади. Аммо бундай кўрсатмага жуда кам ҳоллардагина амал қилинади.

Сурункали (апикал) периодонтит. Бу периодонт тўқимаси-нинг ўткир периодонтит асоратланиши натижасида ёки тўғридан-тўғри сурункали яллиғланишидир. Периодонтит-ларнинг бу тури кўп учрайди, уларнинг грануляцияланув-чи, гранулематозли ва фиброзли турлари ҳам мавжуд.

Грануляцияланувчи периодонтит. Периодонтитнинг бу турида касалланган тиш илдизининг учи атрофида перио-донтит тўқимаси қалинлашади, шишади ва унинг атрофи-да секин ўсуви грануляцион тўқима ҳосил бўлади. Грануля-цион тўқима аста-секин ўсиб, альвеола деворини емириб боради, сүяқ тўқимаси сурилиб кетиши натижасида сүяқ кўмиги ҳам грануляция билан алмашади. Бу жараён одатда вестибуляр томонга йўналган бўлиб, альвеола кортикал қатламини тамоман емиради ва кўпинча милк соҳасида оқмалар пайдо бўйлишига олиб келади. Баъзан жараён жағ атрофи юмшоқ тўқимасига тарқалиши натижасида, шу жойларда гранулемалар пайдо бўлиши (миграцияланган одонтоген гранулемалар) ёки юз ва бўйин терисига оқмалар очилишига сабаб бўлиши мумкин. Бир вақнинг ўзида, ўсиб борувчи грануляцион тўқима тиш илдизи учидаги цемент ва дентиннинг ҳам сурилиб кетишига сабаб бўлади.

Сурункали грануляцияланувчи яллиғланиш жараёни периодонтит касаллигининг фаол тури бўлиб, деярли бар-ча одонтоген яллиғланиш жараёнларида муҳим аҳамият касб этади. Аммо беморлар хуруж бўлмагандан шу тишга қаттиқ

босилгандагина оғриқ пайдо бўлишидан шикоят қиласидар. Шунинг учун ҳам кўпчилик беморлар шифокорга фақат касаллик хуруж қилган даврдагина мурожаат этадилар.

Тиш илдизи учининг проекциясида милк озроқ шишган бўлиб, қизариш аломатлари кузатилади, бирон-бир асбобнинг ўтмас томони билан босиб кўрилганда, унинг изи қолади. Агар шу жойда оқма ҳосил бўлган бўлса, ундан бўртиб турган грануляция ёки кичкина йирингли ўчоқ аниқланиши мумкин. Одатда бу йиринг босилгандаги қобиги ёрилиб оғиз ичига тезда оқиб чиқади. Айрим ҳолларда оқма оғиз ва бўйин терисига ҳам очилиши мумкин.

Касалликнинг хуружи кўпинча яллиғланиш ўчоғида мавжуд экссудатнинг бир вақтнинг ўзида тиш канали ва оқма орқали оқиб чиқиш йўллари бекилиб қолишига тўғри келади. Бундай пайтда касалликнинг клиник белгилари ўткир периодонтитдагидан фарқ қиласи мумкин.

Сурункали грануляцияланувчи ўчоқнинг жағ атрофида ги тўқималарга ўсиб кириши натижасида суюк пардаси остида ва тери ости ёғ клетчаткасида одонтоген гранулемалар ҳосил бўлиши мумкин. Улар одатда чегаралангандаги қаттиқ инфильтрат ҳолида бўлиб, пайпаслангандаги ўчоқ инфильтрат билан касал тиш оралиғида қаттиқ ипсизмон боғловчи йўл аниқланиши мумкин.

Оғиз ичидан орторадиал проекцияда олинган рентген тасвирида касалликнинг ўзига хос белгилари аниқланади, кариозли емирилган тиш илидизининг уни атрофида суюк тўқимасининг сийраклашган ўчоғи топилади. Шу жойда периодонт ёригининг чегаралари йўқолган бўлади. Грануляцион тўқиманинг инфильтрацияланниб ўсиши натижасида патологик ўчоқ чегаралари текис бўлмайди. Суюк томондан унинг кўриниши машъалани эслатади ва шу билан у периодонтитнинг бошқа турларидан кескин фарқ қиласи.

Гранулематоз периодонтит (гранулема). Бу тиш илдизининг уни атрофидаги периодонт тўқимасида жойлашган сурункали яллиғланишининг бир кўриниши бўлиб, одатда грануляцияланувчи периодонтит ривожланиши сабабли юзага келади ва унга нисбатан фаоллик даражаси анча паст бўлади.

Гранулематоз периодонтитнинг грануляцияланувчи кўринишидан фарқи шундаки, бунда грануляцияли яллиғ-

ланиш ўчоғи чегараланган хусусиятга эга бўлиб, унинг атрофида фиброз тўқимадан иборат қобиқ пайдо бўлади. Айрим ҳолларда эса унинг девори ички томондан эпителий тўқима билан қопланади ва кистасимон гранулема ҳосил бўлади. Шунга кўра, бу периодонтитнинг 3 хил тури фарқланади: 1) оддий гранулема (грануляцион тўқимадан иборат); 2) эпителиал гранулема (грануляцион тўқима ораларида эпителийли оролчалар мавжуд); 3) кистасимон гранулема (ўлчами 1 сантиметрдан ошмаган, ички томонидан эпителий билан қопланган кистасимон бўшлиқ).

Одатда гранулема жуда секин ўсади ва беморга ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди. Шунинг учун ҳам периодонтитнинг бу турини тасодифан рентген тасвирида ёки тишни протезлашга тайёргарлик пайтидаги рентгенологик текширувлар давомида бехосдан аниқланади.

Касалликнинг хуружи асосан оз миқдорда мавжуд бўлган ўчиқдаги экссудатнинг тиш канали орқали оқиб чиқиши йўлининг бекилиб қолиши билан боғлиқ бўлади. Бу ҳолда касалликнинг клиник белгилари унинг ўткир кўриниши-дагидан фарқ қилмайди.

Рентген тасвирида кариоз емирилган тиш илдизининг уни атрофида сүяк тўқимасининг айлана шаклдаги, чегаралари текис ва аниқ бўлган сүякнинг деструкцияланган (меъёрий тўрсимон структуранинг тамоман йўқолиши) ўчоғи кўринади. Бу ўчиқнинг қанчалик аниқ чегараланганлигини унинг атрофидаги сүяк тўқимасида жавоб реакцияси сифатида ривожланган остеосклероз (сүяк тўқимасининг қаттиқлашиши) белгилайди.

Фиброзли периодонтит. Касалликнинг бу тури грануляцияланувчи ва гранулематоз периодонтит ёки пульпит касаллигини даволаш натижасида юзага келади. Баъзан эса у окклизиянинг бузилиши оқибатида баъзи тишларга ортиқча юқ тушишининг асорати сифатида ҳам юзага келиши мумкин. Бунда тиш илдизининг уни атрофидаги периодонт тўқима ўрнида фиброз тўқима ўсиган кетиши ҳисобига чегараланган, сурункали кечувчи яллиғланиш жараёни юзага келади.

Фиброзли периодонтит, одатда клиник белгиларсиз кечади. Унинг ташхиси асосан рентген тасвиридаги кўринишига

асосланган бўлиб, у тиш илдизи апикси соҳасидаги периодонт ёригининг кенгайганлиги билан тавсифланади. Шу соҳадаги альвеола суюгининг девори деформацияланган ва склерозга учраган бўлади. Кўпинча тиш илдизи учидаги кўшимча равища цемент моддасининг ҳосил бўлиши (гиперцементоз) натижасида илдиз учи шарсимон қалинлашган бўлиши мумкин.

Илдиз каналарига осон ўтиладиган сурункали периодонтитли тишлар, одатда консерватив усулда даволанади. Агар бундай даволашдан наф бўлмаса ёки бунинг иложи бўлмаса, (илдиз каналига ўтиб бўлмаслик) жарроҳлик усули қўлланади (илдиз учи резекцияси, гемисекция, реплантация). Агар касал тиш кучли емирилиб, қимиirlab қолиб, ўз функционал қадр-қимматини йўқотган бўлса ва уларнинг анатомик шаклини қайта тиклашнинг иложи бўлмаса (масалан, штифтли тиш протезини ўрнатиш йўли билан), бундай тишлар олиб ташланади. Ўткир ёки хуруж қилган сурункали периодонтит билан оғриган тиш бир вақтнинг ўзида жағларнинг одонтоген остеомиелити, юз-жағ соҳасининг одонтоген флегмоналари юзага келишида «сабабчи» бўлган бўлса, бундай тишлар уларнинг косметик ва функционал қадр-қиммати, анатомик шакли сақланган ёки сақланмаганигидан қатъи назар, олиб ташланади.

ЖАҒЛАРНИНГ ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ПЕРИОСТИТИ

Жағларнинг ўткир йирингли периостити — бу альвеоляр ўсиқ ва жағ танаси соҳасидаги суяқ усти пардасининг ўткир йирингли яллигланишидир. Йирингли яллигланиш жараёни суяқ усти пардаси (периост) остида жойлашган бўлиб, асосан оғиз даҳлизи томонда бўлади. Айрим ҳолларда бу жараён танглай томонда (танглай абсцесси) ва пастки жағнинг тил томонида бўлиши мумкин.

Ўткир йирингли периостит кўп ҳолларда тишлар ва пародонт тўқимаси касалликларининг асорати сифатида юзага келади. Аммо жағларнинг ўткир остеомиелити касаллигига у шу касаллик белгиларидан бири сифатида ҳам аниқланиши мумкин.

Пастки жағда ўткир йирингли периоститнинг келиб чиқишига асосан биринчи катта озиқ тиш, ақл тиш ва қамроқ иккинчи катта ва кичик озиқ тишлари, сўнг би-

ринчи кичик озиқ, иккинчи курак тишлиар, сўнгра эса биринчи курак ва қозиқ тишилардан тарқалган инфекция сабаб бўлади.

Юқори жағда эса бу нисбат қуйидагича бўлади: биринчи катта озиқ тиш, биринчи кичик озиқ тиш, иккинчи кичик озиқ тиш, иккинчи катта озиқ ва иккинчи курак тишлиар, биринчи курак, қозиқ ва ақл тишлиар.

Инфекция ўчоғида асосан аралаш тавсифга эга бўлган микрофлора аниқланиб, унда стафилококклар, стрептококклар, граммусбат ва грамманфий таёқчалар, айрим ҳолларда эса анаэроб бактериялар ҳам учраши мумкин.

Касаллик ривожланишида инфекциядан ташқари, организмнинг ҳимоя тизимига салбий таъсир ўтказувчи баъзи омиллар (қаттиқ совқотиш, чарчаш, жароҳатлар, стрессли ҳис-ҳаяжон ва б.) ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўткир ва хуруж тутадиган сурункали периодонтитларда йиринг тиш илдизи канали орқали чиқиши қийинлашиши оқибатида, суяқ пардаси томон, суяқдаги озиқлантирувчи тешиклар, каналлар орқали ўтиб тарқала бошлайди. Агар альвеоланинг компакт қатламида остеокластик сўрилиш аниқланса, бу жараён янада тез кечади. Микроорганизмларнинг лимфа йўллари бўйлаб тарқалиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бемор анамнезида 2–3 кун олдин касал тишида кучли оғриқ пайдо бўлганлиги, сўнг бу оғриқ интенсивлигининг пасайганлиги ва шу билан бирга юзда шиш пайдо бўлиб, оғриқнинг кучайганлиги, унинг қулоқ, чакка ва кўз соҳаларига тарқалиши кузатилади. Бемор юзининг шишганлигидан, оғриқдан шикоят қиласади. Бош оғриғи, ҳолсизлик, иштаҳанинг бузилиши, уйқусизлик каби шикоятлар ҳам бўлиши мумкин.

Беморнинг умумий аҳволи қониқарли ҳолатда қолади. Тана ҳарорати 37,5–38 °C атрофида бўлади. Фақат айрим bemорларда умумий ҳолат ўрта оғирликда бўлиб, тана ҳарорати 38,5–39 °C гача кўтарилиши мумкин.

Беморнинг юз қисмида, коллатерал шиш (юмшоқ тўқима ичидаги яллиғланиш инфильтрати бўлмайди) ҳисобига пайдо бўлган асимметрия ҳолати аниқланади. Шишнинг жойланиши касал тиши локализациясига bogлиқ бўлади. Яллиғланган энгак ва жағ ости лимфа тугунлари каттала-

шади, пайпаслаганда оғрийди. Агар яллиғланиш жараёни жағнинг бурчак ва шох қисмларига тарқалган бўлса, у ҳолда чайнов ва медиал қанотсимон мушакларининг вақтингчалик яллиғланиш контрактурасига (I ва II даражалари) олиб келиши мумкин.

Оғиз даҳлизи соҳасида касал ва яна 2—3 қўшни тишлар соҳасида милк, ўтувчи бурма ва лунж шиллиқ қавати қизарган, шишган бўлиб, ўтувчи бурма кўтарилиб теккислашган бўлади. Шу жойни пайпаслаб кўрилганда оғриқли инфильтрат ва флюктуация белгиси аниқланиши мумкин. Фақат касал тишигина қимирлаб қолган бўлиб, перкуссияда оғриқ сезилади. Қўшни тишлар эса нисбатан мустаҳкам жойлашган бўлиб, перкуссияда оғриқ сезилмаслиги мумкин.

Қаттиқ танглай соҳасида ривожланган ўткир йирингли периостит, танглай абсцесси деб юритилади ва у асосан иккинчи курак тишдан тарқалган инфекция ҳисобига ривожланади (шу тиш илдизининг учи кўп ҳолларда танглай томон эгилган бўлиб, унга яқин туради). Мана шу ҳолатда bemornинг ташқи юз кўринишида ўзгариш кузатилмайди. Қаттиқ танглайдаги эса яримшарсимон, ўсмага ўхшашиб шиш пайдо бўлиб, унинг устидаги шиллиқ қават қизарган, шишган, оғриқли бўлади. Флюктуация белгиси яққол аниқланади.

Ўткир йирингли периостит касаллигига рентген ташхис текшируvida фақат касал тишигагина хос бўлган ўзгаришлар аниқланиб, жағ суюкларида эса ўзига хос ўзгаришлар кузатилмайди.

Ўткир йирингли периоститни ўткир периодонтит, сурункали периодонтитнинг хуружли босқичи, жағларнинг ўткир остеомиелити, юз-жағ соҳасининг айрим абсцесс ва флегмоналари, йиринглаган тиш атрофи кисталари, сўлак безларининг яллиғланиш касалликлари билан дифференсияланган ташхис ўтказилади.

Дифференциал ташхисда қўйидагиларга эътибор берилади: 1) ўткир периодонтитда ва сурункали периодонтитнинг хуружли босқичида милк ва ўтувчи бурма соҳасида фақат шиш кузатилади, яллиғланиш инфильтрати ва флюктуация белгиси бўлмайди; 2) жағларнинг ўткир остеомиелитида ташхис учун яллиғланиш жараёнининг жағ (альвеолляр ўсиқ)нинг иккала томонида ҳам мавжудлиги, касал

тишдан ташқари қүшни тишлиарнинг ҳам қимирлаб қолиши, оғриши ҳамда бемор юзида сезувчанликнинг ўзгариши – Венсан белгиси борлиги, интоксикация даражасининг кучлилиги, тана ҳароратининг юқорилиги, безгакли қалтираш мавжудлиги каби белгилар аҳамиятта эга бўлали; 3) абсцесс ва флегмоналарда эса юз тўқимасида яллигланиш инфильтрацияси, юз терисининг қизариши, шишиши каби белгилар мавжудлиги, организмда интоксикация белгиларининг кучлилиги аниқланади; 4) жағлардаги кисталар рентген тасвирдаги хос бўшлиқлар мавжудлиги билан фарқланади.

Ўткир йирингли периоститни даволаш комплекс тарзда (жарроҳлик усули ва консервативда) олиб борилади. Жарроҳлик усулининг асосий мақсади – йирингли ўчоқни кесиб очиш ва «касал» тишини олиб ташлашдан иборатdir. Бунинг учун маҳаллий (ўтказувчан ва инфильтрацион) оғриқсизлантиришдан фойдаланилади. Инфильтрацион оғриқсизлантириш ингичка нина ёрдамида фақат шиллик қават остига, бўлажак кесим чизиги бўйлаб ўтказилади ва бунда йирингли бўшлиқнинг ичига тушиш ёхуд у ерга анестетик юбориш тавсия қилинмайди. Кесма ўтувчи бурма шиллик қавати бўйлаб суюккача чуқурликда ўтказилади ва у яллигланиш инфильтратининг энг баланд жойи орқали ўтади. Кесманинг узуонлиги 3–5 тиш соҳасида бўлмоғи лозим, акс ҳолда йиринг тўлиқ чиқмаслиги ва иккиламчи остеомиелит келиб чиқиши мумкин. Бундай кесимни периоститнинг йирингсиз (серрозли яллигланиш) даврида ўтказиш ҳам асосли ҳисобланади. Йирингнинг эркин чиқишини таъминлаш учун бўшлиқ ичига резина қўлқопдан кесиб олинган лентача киргизиб кўйилади. Касал тиш одатда олиб ташланади, аммо маҳкам турган, функционал ва косметик жиҳатдан ўз қимматини йўқотмаган, илдиз каналини яхши ўтиш мумкин бўлган тишлар сақланиб, уларни консерватив ёки жарроҳлик усувларида даволаш мумкин. Беморга оғиз бўшлиғини фурацилиннинг 1:5000 ёки калий перманганатнинг 1:5000 нисбатдаги илиқ эритмаси ҳамда чой содасидан тайёрланган эритма билан чайиб туриш буюрилади. Комплекс даволашда bemorga сульфаниламид препаратлари, антибиотиклар, физиотерапия (УВЧ, соллюкс ва б.) тайинлаш мумкин.

Ўткир йирингли периоститнинг «танглай абсцесси» кўринишидаги жарроҳлик тактикаси бир мунча фарқ қилиб, унда чизиқли кесма ўрнига танглайнинг 1,5–2×0,5 см ўлчамдаги, абсцесс устидаги қисми (энг бўртиб чиққан жойи) учбурчаксимон шиллиқ қават–сүяк пардаси лахтаги сифатида қирқиб олиб ташланади. Шу йўл билан ҳосил қилинган тешикдан йиринг доимо эркин оқиб чиқиб туради. Йирингли бўшлиққа резина лента киритиш мумкин эмас.

Йирингли ўчоқ очилгандан сўнг беморга оғиз бўшлигини иллиқ антисептик эритмалар (1:5000 нисбатдаги фурацилин, 1:5000 нисбатдаги перманганат калий) билан тез-тез чайиб туриш тайинланади. Булардан ташқари, беморга сульфаниламид ва антибиотиклар ва физиотерапия (УВЧ, соллюкс ва б.) буюрилади.

ЖАҒЛАРНИНГ ОДОНТОГЕН ОСТЕОМИЕЛИТЛАРИ

Жағларнинг одонтоген остеомиелитлари – бу жағларнинг сүяк тўқимасидаги, тиш касалликларининг асорати сифати юзага келган инфекцияли, йирингли-некрозланувчи яллиғланиш жараёнидир. Бу касалликдаги яллиғланиш жараёни фақат сүяк тўқимасини эмас, балки унинг ичидаги кўмигини, сүяк пардасини ва атрофдаги юмшоқ тўқималарни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Бу касаллик билан кўпроқ 40 — 60 ёшлар оралиғидаги эркаклар оғрийди. Касаллик асосан пастки жағда учрайди.

Этиологияси. Тишлар орқали сучк ичига кирган инфекция ўткир йирингли остеомиелит сифатида намоён бўлади. Касалликни чақириувчи инфекция агентлари орасида тилла ранг ва оқ стафилококклар алоҳида аҳамиятга эга. Улардан ташқари, инфекция ўчоғида стрептококклар ва бошқа таёқасимон кокклар ҳам учрайди. Кўпинча улар микроботлар ассоциацияси ҳолида учрайди. Улар орасида анароб бактериялар (бактериоидлар, фузобактериялар, пептострептококклар ва б.) учраши мумкин.

Патогенези. Ўткир йирингли остеомиелитнинг келиб чиқишида асосий инфекция манбаи — бу тиш илдизи уни атрофида жойлашган патологик ўчоқдаги микрофлора ҳисобланади. Аммо инфекция сүяк ичига маргинал тўқимадан, йиринглаб яллиғланган тиш кисталаридан ёки стоматоген йўл билан ҳам кириши мумкин. Жағларда ўткир

одонтоген остеомиелитнинг пайдо бўлиши, асосан касал тишга боғлиқ ҳолда кечади. Пастки жағда асосий касал тиш—бу биринчи моляр, ундан кейин ақл тиши, иккинчи моляр бўлса, юқори жағда эса — бу асосан биринчи моляр тишлар.

Ҳозирги замон илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда одонтоген остеомиелитининг келиб чиқишини қуидагича тушунтириш мумкин. Тиш илдизининг учи атрофидаги сурункали инфекцион ўчоқда (периодонтит) мавжуд микроорганизмлар бемор организмини узоқ давр мобайнида (бир неча хуружлар давомида) экзо- ва эндотоксинлар билан “бомбардимон” қилиб туриши оқибатида макроорганизмда уларга нисбатан сезувчанлик ошиб боради (сенсебилизацияланади). Қулай шарт-шароит юзага келган пайтда, масалан, шу соҳада нерв трофикасининг бузилиши оқибатида ва стресс ҳолатларнинг катализаторлик воситасида, маълум маънода “портлаш” рўй бераб, сук тўқимасида ўткир йирингли яллигланиш намоён бўлади. Кейинчалик шу яллигланиш соҳасидаги озиқлантирувчи қон томирнинг жараёнга қўшилиши натижасида унинг деворида яллигланиш аломатлари юзага келиб, тешиги тораяди ва у инфекцияланган тромб билан тамоман бекилиб колади. Натижада шу қон томирдан озиқланувчи сук соҳаси некрозга учрайди ва яллигланиди, яъни секвестр ҳосил бўлади. Аммо бу тушунча ҳам ҳозирча тахминий бўлиб, касалликнинг кўп қиррали, қийин жиҳатларини тўлиқ очиб бера олмайди. Шунга қарамасдан бу тушунча беморларни самарали даволаш учун асос сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Патологик анатомияси. Остеомиелитнинг ўткир даврида сук кўмиги ичida кўплаб микроскопик йирингли ўчоқлар пайдо бўлади ва улар тўқималарнинг йирингли эришига олиб келиб, ўзида кўп миқдорда микроорганизмларни тутади. Бу йирингли ўчоқлар аста-секин ўзаро қўшилиб, йирингли бўшлиқлар ҳосил қила бошлайди. Суякнинг жароҳатланган соҳасида қон томирлар кенгаяди, стаз ҳолати рўй бераб, ҳосил бўлган тромблар йиринглайди. Шу жароҳатланган жой атрофидаги сук тўқимасида ҳам қон томирлар кенгаяди, кўплаб қон куйилган ўчоқлар пайдо бўлади. Суяк кўмиги эса серозли экссудат билан инфильтрацион босқичда бўлади.

Суяк күмігидаги яллиғланиш аста-секин атроф сүяк ичидаги таъминловчи қон томирларга ҳам тарқалади. Бу ерда ҳам томирлар кенгаяди, стаз ва тромбоз кузатилиб, сұнgra тромблар йириングлайди. Томир атрофидаги түқималар ҳам авваал серозли, сұнgra эса йириングли экссудат билан тұлади. Кейинчалик таъминловчи қон томирларнинг ичи ҳам йириңглайди ва томир деворлари парчаланиб кетади. Түқималарнинг миқдор жиҳатдан тобора ошиб борувчи лейкоциттар билан инфильтрацияланиши натижасыда катта йириңгли үшоқ ҳосил бўлиб, унинг ичидаги суяк түқимаси эса ўлади.

Агар йириングли яллиғланиш ўчоғи маълум бир соҳа билан чегараланса, унда чегараланган остеомиелит, агар бу жараён борган сари янги ва янги құшни соҳаларга ҳам тарқалиб борса – диффузланган остеомиелит деб юритилади.

Остеомиелитнинг ўтқир давридаги яллиғланиш жараёни факат суяк билан чегараланиб қолмасдан, балки унинг атрофидаги түқималарга (суяк усти пардаси, атрофдаги юмшоқ түқималар, лимфа түгунлари) ҳам тарқалади. Шу соҳадаги суяк усти пардаси шишади, толалари тарқалади. Яллиғланиш аввалида серозли бўлиб, сұнgra йириңглайди. Натижада экссудат суяк усти пардасининг остига тұпланиб, уни жағнинг икки томонидан ҳам сужыдан ажратади. Яъни жағнинг икки томонида ҳам субпериостал абсцесс юзага келади. Кейинчалик йириңгли экссудат суяк усти пардасини ёриб чиқиб, атрофдаги юмшоқ түқима ичига қуйилади ва шу жойларда абсцесс ҳамда флегмоналар юзага келади. Аммо, бундай яллиғланиш жараёнларининг юзага келишига йириңгли экссудатнинг суяк ичидан түғридан-түғри чиқиши ҳам сабаб бўлиши мумкин (остеофлегмона) Юмшоқ түқималардаги яллиғланиш жараёнлари ўз навбатида остеомиелит клиникасининг оғирлашишига олиб келиб, суяк некрози ҳажмининг ошишига сабаб бўлади.

Суяк ичидаги йириңгли экссудатнининг ташқарига йўл топиб чиқиши, яллиғланиш жараённининг бирмунча пасайишига олиб келади ва жараён ўтқир ости босқичига ўтади. Бу босқич даврида некрозга учраган суяк түқимаси атрофидаги қон томирларга бой грануляцион түқима ривожлана бошлайди. Ушбу түқима таъсири остида некрозланган суяк қисман сурила бошлайди ва натижада ўлган суяк аста-секин соғлом суяк түқимасидан ажрала бошлайди. Шу пайт-

дан бошлаб секвестрланиш жараёни кузатилади. Айни пайтда сүяк усти пардаси, қисман соғлом сүяк томонидан янги (иккиламчи) сүяк ҳосил бўла бошлайди.

Суякдаги остеомиелит сурункали босқичга ўтганда эса яллиғланиш жараёни янада чегараланади, секвестр (некрозга учраб, атроф тўқимадан ажратилган сүяк) нинг ажралиши тезлашади. Иккиламчи сүякнинг кўплаб ҳосил бўлиши натижасида жаф суюги қалинлашади. Секвестрни ўраб турган соғлом сүяк тўқимасида ҳам кўшимича сүяк ҳосил бўлиши (остеосклероз) билан секвестр “кутичаси” нинг ташкил топиши ўз якунини топади. Бу даврда грануляцион тўқима оқмалар бўйлаб пролиферацияланиб, секвестрларнинг ажралишини тезлаштиради.

Клиник белгилари. Жағлардаги одонтоген остеомиелит асосан уч босқичда кечади: ўткир, ўткир ости ва сурункали босқичлар.

Бундан ташқари, у чегараланган (альвеоляр ўсиқ ёки 3—4 дона тишлар чегарасида жаф танаси соҳасида жойлашган) ёки диффузли (бутун жаф ёки унинг ярми соҳасига тарқалган) бўлиши мумкин. Касалликнинг клиник кечиши асосан организмнинг специфик ва носпективик иммун системаси ҳолатига, касалликни чақирган микроорганизмнинг вирулентлилик даражасига, яллиғланиш ўчоғининг жойлашган жойига ва унинг тарқалганилигига боғлиқ ҳолда кечади.

Юқори жағда ғоваксимон сүяк жуда кам бўлиб, унинг кортикал пластинкасида кўплаб тешикчалар мавжуд. Шу боис бу жағдаги тишлар атрофидаги йирингли яллиғланиш жараёнларида экссудат тезда суяқдан ташқарига чиқиб кетади. Шунинг учун ҳам юқори жағда одонтоген остеомиелит касаллиги жуда кам учрайди.

Пастки жағда эса ғовак сүякнинг миқдори кўп, кортикал пластинкаси жуда қалин, ундаги таббий тешикчалар сони жуда кам бўлади. Шу сабабли тиш илдизи атрофидаги яллиғланишларда экссудатнинг суяқдан ташқарига чиқиши жуда қийин бўлиб, у асосан ғовак сүяк ичи бўйлаб тарқалади. Шунинг учун ҳам одонтоген остеомиелит касаллиги асосан шу жағда учрайди ва у юқори жағдагига нисбатан оғир кечади.

Одонтоген остеомиелитнинг ўткир босқичида бемор аниқ бир тишидан бошланган ўта кучли оғриқдан шикоят қиласиди. Кейинчалик бу оғриқ бир неча тишлар соҳасига ва жағнинг

тана қисмига тарқалади. Умумий ҳолсизлик кузатилади. Агар касалликнинг диффузланган тури мавжуд бўлса, у ҳолда бемор кўплаб тишлар, жағнинг ярми ёхуд бутун жаги соҳасидаги кучли оғриқдан шикоят қиласди. Оғриқ бутун танага тарқалади, ўта ҳолсизлик ҳолати кузатилади, bemor иштаҳасини йўқотади, уйқуси бузилади ёки уйқусизлик юзага келади.

Беморнинг умумий аҳволи ўртача оғриқликда ёки қониқарли бўлади. Айрим ҳолларда оғир ёки жуда оғир ҳам бўлиши мумкин. Унинг эс-хуши жойида, аммо айрим оғир ҳолатларда у алаҳлаши ҳам мумкин. Ҳаракатлари сезиларли даражада сустлашган, ранг-рўйи оқарган, заҳиллашган бўлади. Юрак товшуларининг жарангни пасайган, томир уриши эркин ҳаракатсиз ҳолатда ҳам тезлашган бўлиб, аритмия кузатилади. Бемор ҳаракат қилганда янада оқариб кетади, боши айланади, оғрийди, умумий ҳолсизлик сезади. Беморда асосан қабзият, баъзан эса ич кетиши ҳолати кузатилиши мумкин.

Касалликнинг чегараланган турида тана ҳарорати асосан субфебриль ($38,0$ — $38,5^{\circ}$ С) даражада ёки биринчи 3 кунликда $39,5$ — 40° С даражада бўлиб, сўнгра пасаяди. Бемор бир неча кун давомида (acosan кечалари) кучли терлайди, безгак тутиши мумкин. Организмдаги умумий интоксикация ҳолати унча кучли бўлмайди.

Остеомиелитнинг диффузланган кўринишида эса, тана ҳарорати юқори бўлиб, $39,5$ — 40° С даражагача кўтарилиши мумкин. Эрталабки ва кечки тана ҳароратининг тебраниш даражаси 2 — 3° С ни ташкил қилиб, у безгакли (ёки септик) қиялик деб ҳам аталади. Алаҳлаш ва кучли терлаш касалликнинг бу турига хос ҳисобланади. Организмда турлича даражадаги кучли интоксикация ҳолати аниқланади.

Юз-жағ соҳасидаги маҳаллий ўзгаришлар динамикада асосан bemornинг мурожаат қилган даврига қараб ўзгариб боради. Агар bemor касалликнинг биринчи 3 куни ичida мурожаат қилган бўлса, у ҳолда жағ атрофи тўқималарида аниқ ўзгаришлар кузатилмаслиги ҳам мумкин. Бу пайтда фақат жағнинг ташқи томони пайпасланганда яллиғаниш ўчоги соҳасида оғриқ борлигини аниқлаш мумкин, холос. Касалликнинг 3—4-кунларига бориб, bemor юзида коллатерал шиш пайдо бўлади, регионал лимфа тугунлари катталашади, оғрийди. Жағдаги оғриқ соҳаси кенгайиб боради ва у яллиғаниш жараёнининг жағ танаси бўйлаб тарқа-

лаётганилигидан дарак беради. Кейинчалик сүяқ усти парда-си қалинлашганлиги ҳисобига, пастки жағ танасининг қалинлашганлиги қайд этилади. Агар жараён диффузли тав-сиғға эга бўлиб борса, у ҳолда жағ атрофидаги юмшоқ тўқималар ичидаги абсцесс ва флегмоналар пайдо бўлиб, бу касалликнинг кечишини оғрилаштириб беради.

Оғиз бўшлиғи текширилганда, оғиздан қўланса ҳид ке-лади, сўлак қуюқлашган, шилимшиқ-чўзилувчан, тил эса сарғиш-кулранг караш билан қопланган бўлиши мумкин. Ютиниш, овқат қабул қилиш оғриқ ҳисобига қийинлашади. (9-расм).

Жағларнинг ўтқир остеомиелитида милкларнинг шиллиқ қавати одатда бир неча тишлар тўғрисида қизарган, шиши-ган бўлиб, бу ҳол бир вақтнинг ўзида оғиз даҳлизи томонда ҳам, тил (танглай) томонда ҳам кузатилади. Шу жой-ларнинг пальпацияси оғриқли бўлади, ўтувчи бурма соҳа-сида ҳам шундай ўзгаришлар кузатилиб, унинг ўзи силлиқ-лашган ҳам бўлиши мумкин. Яллиғланиш ўчогида жойлаш-ган тишлар қимиirlаб қолади, перкуссияда оғрийди. Тиш-ларнинг қимиirlаш даражаси борган сари ортиб беради. Қўшни турган янги-янги тишларнинг борган сари қимиirlаб қолиши, жараён диффузли кечастганидан дарак беради. Энг кўп патологик қимиirlаш “касал” тишда бўлади, аммо бу тиш перкуссия қилинганда қўшни тишларга нисбатан камроқ оғрийди. Унинг милки кўпроқ қизарган, ҳатто цианотик ҳам бў-лиши мумкин. Одатда милк касал тишдан ажралган бўлиб, унинг чўнтагидан йиринг ажралиб туради. Агар жараён диффузли тус олаётган бўлса, жағнинг иккала томонида бир неча субпериостал абсцесслар пайдо бўлишга улгурган ҳам бўлиши мумкин.

Пастки жағда — одон-тоген ўчоқдан вертикал



9-расм. Пастки жағнинг ўтқир одонтоген остеомиелити

йўналишда тарқалаётган экссудат (асосан иккинчи премоляр ва моляр тишилар соҳасида) пастки жағ қаналига етиб боради ва яллигланиш жараёни шу жойда жойлашган томир-нерв тутамига ҳам терқалади. Натижада пастки альвеоляр ва энгак нервлари иннервацияси соҳасида сезги бузилади. Бу клиник белги Венсан симптоми дейилади. Юқори жағда йириングли экссудат вертикал йўналишда юқори томон бориб, юқори жағ бўшлиғи ичига ўтади. Бу ҳолат юқори жағдаги оғриқнинг зўрайиши ва шу томондаги бурун бўшлиғидан йириング оқиб чиқиши билан тавсифланади.

Ўткир остеомиелит бир вақтнинг ўзида пастки жағ та-наси ва шох қисмини эгаллаган бўлса, у ҳолда йириングли жараён чайнов ва медиал қанотсимон мушакларга ҳам тарқалиб, натижада оғиз очилиши чегараланиб қолади. Бундай ҳолат вақтинчалик яллигланиш контрактураси деб аталади. Юқори жағда эса яллигланиш жараёни унинг дўмбоғи соҳасига тарқалса, йириングли экссудат аввал чакка ости, сўнгра чакка соҳаларига тарқалади ва бу жараён қанотсимон мушаклар (латерал ва медиал) ҳамда чакка мушагига ўтиши натижасида оғиз очилиши чегараланиб қолади.

Ўткир одонтоген остеомиелит касаллиги бемор қони ва сийдигидаги ўзгаришлар билан кечади. Бу ўзгаришлар, шу организмнинг специфик ва носпецифик ҳимоя заҳиралари ҳолатига, унинг индивидуал хос томонлари ҳамда кечайдаги яллигланиш жараёнининг турига боғлиқ бўлади.

Одонтоген остеомиелитнинг ўткир даврида жағларнинг ренген тасвирида ҳеч қандай сүяқ ўзгаришлари кузатилмайди. Аниқланган ўзгаришлар, асосан тишиларнинг периодонтитларигагина хос бўлиши мумкин. Фақатгина касалликнинг 10 — 14 -кунларига бориб сүяқ тўқимаси деструкциясига хос бўлган биринчи рентгенологик белгиларни аниқлаш имкони пайдо бўлади. Айрим касалларда фақат сүяқ усти пардасининг қалинлашуви ёки сүяқ таркибидаги айрим ноаниқликларнигина кўриш мумкин. Одатда, бу даврга келиб, рентген тасвирида некрозга учраган сүяқ қисми атрофида бўлажак демаркацион чизиқ белгилари намоён бўла бошлайди. Айни шу белгиларнинг пайдо бўлиши касалликнинг ўткир ости босқичига ўтганилигидан дарак беради.

Ўткир остеомиелитнинг чегараланган шакли 10 — 14 кун давом этади. Унинг диффузланган шакли эса — 3 ҳафтагача чўзилиши мумкин.

Жағларнинг ўтқир остеомиелитини ўтқир йириңгли перистит ва юз юмшоқ тұқымаларининг абсцесс ва флегмоналари билан дифференциал ташхис ўтказиш лозим бўлади. И.А. Груздевнинг (1978) маълумотларига таянган ҳолда ўтқир остеомиелит билан ўтқир периостит касаллигининг дифференциал ташхисида қуидагилар алоҳида аҳамиятга эга бўлади (I-жадвал).

Ўтқир остеомиелитнинг юмшоқ тұқымалардаги абсцесс ва флегмоналар билан асоратланган күринишида юқорида қайд қилинган яллиғланиш жараёни фокусининг топик ташхиси алоҳида аҳамият касб этади.

Яъни остеоген тавсифга эга бўлмаган юз юмшоқ тұқымаларининг йириңгли яллиғланиш жараёнларида остеомиелит белгилари кузатилмайди.

I-жадвал

Ўтқир остеомиелит ва ўтқир йириңгли периостит касалликларининг ўзаро дифференциал белгилари

Остеомиелит белгилари	Периостит белгилари
<p>1. Жагни муфтасимон ўраб олган яллиғланиш инфильтрати мавжуд. Оғиз бўшлиғида у альвеоляр ўсиқнинг икки томонида мавжуд.</p> <p>2. Яллиғланиш соҳасига тушиб қолган нервда парестезия кузатилади (Венсан симптоми).</p> <p>3. Касал тишига қўшни турган тишлар перкуссия қилинганда қаттиқ оғрийди, патологик қимирлаб қолиш кузатилади.</p> <p>4. Касал тишига нисбатан қўшни тишларнинг перкутор товуш жарангى ўзгариб қолади.</p> <p>5. Касал тиши олининб, йириңгли ўчоқлар кесиб очилишига қарамасдан, беморнинг аҳволи яхшиланмайди, йириңг оқиши кучяди ва у оқ-қуюқ ҳолатдан ифлос-кулранг суюқ ҳолатга томон ўзгариб боради.</p> <p>6. Жарроҳлик муолажаси ўтказилишига қарамасдан беморнинг тана ҳарорати пасаймайди.</p>	<p>1. Муфтасимон тавсифга эга бўлмаган, кичик ҳажмли инфильтрат фақат оғиз ичиди, альвеоляр ўсиқнинг бир томонидан мавжуд.</p> <p>2. Парестезия (Венсан симптоми) қайд этилмайди.</p> <p>3. Қўшни тишларда оғриқ бўлиши мумкин, лекин бу кучсиз бўлади. Бу тишларда патологик қимирлаш аниқланмайди.</p> <p>4. Қўшни тишларни перкутор товуш жарангى ўзгармайди.</p> <p>5. Касал тиши олининб, йириңгли ўчоқ кесиб очилган, яллиғланиш тезда йўқола бошлайди ва 1—2 кундан сўнг йириңг ажралитиши тўхтайди.</p> <p>6. Жарроҳлик муолажаси ўтказилгач беморнинг тана ҳарорати тезда меъёр даражасига тушади.</p>

Одонтоген остеомиелитнинг ўткир ости босқичи. Остеомиелитнинг бу даврида беморнинг умумий аҳволи яхшила-на бошлайди, иштаҳаси пайдо бўлади, уйқуси яхшиланади. Овқат ҳазм қилиш ва ичак моторикаси меъёрига қайта бошлайди. Тана ҳарорати пасая бориб, оқибатда эрталабки ҳарорат меъёр даражасида, кечкиси эса субфебрил даражада бўлади.

Йирингли ўчоқлар кесиб очилган жойлардаги яраларнинг четлари грануляция билан қоплана бошлайди, уларнинг ўрта қисмида йирингли оқмалар шакллана боради. Ажралишда давом этаётган йиринг қуюқлаша боради. Регионар лимфа тутунларидаги оғриқлар камаяди, лимфа тутунлари эса қаттиқлашади ва уларнинг силжувчанлик даражаси ошади.

Яллиғаниш жараёни пастки жағ бурчагида, унинг шох қисмида ёки юқори жағнинг дўймобоғи соҳасида жойлашганда оғиз очилиши чегараланганликда давом этади. Қолган ҳолатларда эса оғиз эркин очилади (10-расм).

Оғиз бўшлиғидаги яллиғаниш соҳаларига мос бўлган шиллиқ қаватлар кўқимтири (цианотик) тусда бўлиб, шишган ва шу соҳаларда оқмалар ҳосил бўла бошлайди. Баъзи ҳолларда оқма олиб ташланган касал тиш катагида ҳам ҳосил бўлган бўлиши мумкин. Оқмалардан грануляцион тўқима бўртиб чиққан бўлади. Улардан кам миқдорда қуюқ йиринг ажралиб туради. Патологик жараёни соҳасидаги интакт тишлар ҳам қимиirlab туради. Энг кам қимиirlаётган тиш одатда остеомиелит жараёни чегарасида аниқланади.

Бемор қонидаги олдин мавжуд бўлган қизил қон кўрсат-кичлари борган сари меъёр томонган қараб ижобий ўзгариб боради.

Жағ суюгининг рентген тасвирида яллиғаниш соҳаси чеккаларидаги аниқ чегарага эга бўлмаган суюқ деструкцияси кузатилади ва одатда, у бўлажак демаркация чизиги соҳасига мос келади.

Одонтоген остеомиелитнинг ўткир ости босқичи, касаллик бошланганидан 11—15 кун ўтгач бошланиб 4—5 ҳафтадаргача давом этади. Аммо касалликнинг диффузланган кўринишида бу давр 21-кундан бошланиб, 2—3 ҳафта давом этиши мумкин. Бундан ташқари, организмининг ҳимоя воситалари кучсизланган ёхуд кекса bemорларда ҳам бу ка-

саллик судралиб, узоқ ке-
чиши мумкин.

**Жағлар одонтоген осте-
омиелитининг сурункали
босяқчи.** Касалликнинг бу-
даври 4—5-ҳафталардан
бошланади ва узоқ давом
этади.

Беморнинг умумий ҳо-
лати янада яхшиланиб бо-
ради. Тана ҳарорати меъёр
даражасида бўлади. Фақат
айрим bemорларда у бир оз
кўтарилган—37,3—37,5° С
даражада бўлиши мумкин.

Бемор юзининг ташқи
кўринишида асимметрия
сақланиб қолади. Аммо, бу
ҳолат асосан жағ суюгининг қалинлашуви ҳисобига рўй бера-
ди. Жағ суюги суяқ усти пардаси томонидан қалин иккиласми
суяқ ҳосил бўлиши ҳисобига қалинлашади. Юз териси шу
соҳада юпқалашиб таранглашади. Юмшоқ тўқималарда
яллиғланиш инфильтрацияси бўлиши мумкин. Агар жараён
пастки жағнинг шох қисмида кузатилса, чайнов мушаги ҳам
қаттиқлашиб қалинлашади, оғиз очилиши чегараланганли-
гича қолади. Регионал лимфа тугунлари янада кичиклашади,
қаттиқлашади, уларнинг қўзғалувчанлиги ошади, сезиларли
даражада оғриқ бўлиши мумкин.

Жағ атрофидаги юз терисида оқмалар тамоман шаклла-
ниб бўлади. Яралар оқмалардан ташқари жойларда томо-
ман битади. Оқмалар битта ёки бир нечта бўлиши мумкин.
Ёхуд уларнинг айримлари битиб қолиб, унинг ўрнида тे-
рида киндиксизмон чандиқ белгиси қолади. Ишлаб турган
оқмалардан олча рангли, тез қоновчи гранулация тўқимаси
бўртиб чиқиб туради. Оқмадан оқ рангли қуюқ йиринг
ажралиб туради. Вақт ўтиши билан шу оқмалардан айрим
майда секвестрлар ҳам чиқиб кетиши мумкин.

Оғиз ичидаги кечайдаги яллиғланиш жараёни соҳасидаги
шиллик қават кўкимтири рангда, қилинлашган, тез қоновчи
бўлади. Ҳосил бўлган оқмалар тешиги соҳасидан грануля-



10-расм. Юқори жағнинг ўтқир
одонтоген остеомиелити

ция түқимаси бўртиб чиқиб туради. Атроф түқима босиб кўрилганда оқмадан қуюқ йиринг ажралади. Оқма йўналиши зонд ёрдамида текширилганда, асбобнинг учи сукка тақалади ёки секвестр бўшлиғи ичига тушади. Жараён соҳасида жойлашган барча тишларда патологик қимирлаш кузатилади.

Сурункали остеомиелит кечишида хуруж даврлари кузатилади. Бу асосан оқманинг бекилиб қолиб, йирингли экссудатнинг ажралиб чиқиши қийинлашган ёки умуман бекилиб қолганда рўй беради. Бунда беморнинг умумий ҳолати касалликнинг ўткир даврини эслатади. Умумий ҳолат оғирлашади, тана ҳарорати ортиб кетади ва ҳоказо. Аммо, бу ҳолат оқманинг очилиб кетиши ёки янги жойда оқма ҳосил бўлиши ёхуд жарроҳлик йўли билан йиринг оқиб чиқиши учун йўл очилиши билан тезда бартараф этилади. Айрим ҳолларда эса юз-жағ соҳаси абсцесси ва флегмоналарининг юзага келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин (остеофлегмона).

Жағларнинг одонтоген остеомиелити касаллигини даволаш. Касалликнинг ўткир даврида bemor маҳсус стационар шароитида ётқизилиб комплекс даволанади. Бу даво бирламчи жарроҳлик давоси (жағ ичидаги ва атроф түқималардаги йирингли ўчоқларни очиш, касал тишни олиб ташлаш) ва иккиламчи, яъни яллиғланишга қарши медикаментоз даво, дезинтоксикация, десенсибилизация давоси, қувватни оширувчи ва стимулловчи ҳамда симптоматик даволарни ўз ичига олади. Бу даво ҳар бир bemорда унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, керак бўлган ҳажмда ўтказилиши лозим.

Маҳаллий даво ўз ичига, иложи борича касал тишни тезроқ олиб ташлаш, унинг катаги орқали йирингли экссудатнинг чиқиб кетишини таъминлаш, субпериостал, атроф юмшоқ түқимадаги абсцесс ва флегмоналарни кесиб очиш ҳамда уларни дренажлашдан иборат бўлмоғи лозим.

Остеомиелитнинг ўткир ости босқичида буюриладиган даво чора-тадбирлари ўткир даврида ўтказилганларининг самарасига боғлиқ бўлади. Керак бўлса, давом этирилади, аксинча аста-секин қисқартирилиб олиб ташланади. Аммо, бу даврда даволаш физкультураси буюрилади, яралар ва

хосил бўлаётган оқмаларни ювиш, даволаш давом эттирилади. Физиотерапия муолажалари буюрилади.

Сурункали остеомиелит даврида ҳам маҳаллий ва умумий даво конкрет шарт-шароитга боғлиқ ҳолда ўтказилади. Асосий эътибор мавжуд оқмаларнинг вақтидан олдин битиб қолишининг олдини олишга қаратилмоғи лозим (оқма ва яраларни кенгайтириш, дренажлаш, абсцессларни кесиб очиш ва б.). Акс ҳолда, йиринг оқиб чиқиши қийинлашиб, касалликнинг хуружига олиб келади. Агар шундай ҳолат юзага келган бўлса, шифокорнинг тактикаси касалликнинг ўткир давридагисига ўхшаш бўлиши зарур. Қимирлаб қолган тишлардан ЭОД ўтказилиб, ўлик тишлар депульпацияланади, кўрсатма бўлганда улар шиналаниб маҳкамланади.

Клиник ва рентгенологик текширишларга асосланган ҳолда bemорда секвестрэктомия (секвестрларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш) операцияси ўтказилади. Юқори ва пастки жағнинг альвеоляр ўсиғи ҳамда юқори жағнинг тана соҳасидаги секвестрлар оғиз ичидан, жағларнинг қолган қисмларидаги секвестрлар эса, асосан оғиз ташқарисидан кириш йўли билан олиб ташланади.

Секвестрэктомия операциясидан бевосита олдин ва ундан кейинги 5–7 кун давомида bemорга антибиотиклар, умумий стимулловчи, десенсибилловчи даво тайинланади. Беморга антиген стимуляторлари, иммун препаратлари (иммуномодулин) инливидуал миқдорларда буюрилади. Айрим ҳолларда гемосорбция, лимфосорбция усулларини кўллашга ҳам кўрсатмалар пайдо бўлиши мумкин.

Жағларнинг одонтоген остеомиелити касаллигининг прогнози одатда ижобий ҳисобланади. Аммо касаллик диффузланган ва гиперергик кечганда кучли ривожланган интоксикация септик шокка ва нафас олишнинг ўткир стишмовилигига олиб келиши мумкин. Йирингли жараёнинг бир вақтнинг ўзида юзжағ ва бўйин соҳаларининг кўплаб анатомик регионларига тарқалиши, юз ва бош мия қаттиқ пардаси бўшлиқлари веналари флебитига, юқорига кўтаришувчи инфекция – бош мия абсцесси, менингит ва менингоэнцефалит, пастга тарқалувчи инфекция эса – медиастенит ва сепсис ривожланиши ва ҳатто ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Тиш врачлари амалиётида остеомиелит касаллиги борлигига шубҳа тўғри бўлган тақдирда, албатта маслаҳат учун

стоматологик врачга мурожаат қилиниб, беморни ўз вақтида түғри йұналишда даволаш лозим.

ЮЗ-ЖАҒ ҲАМДА БҮЙИН СОХАЛАРИ ЮМШОҚ ТҮҚИМАЛАРИНИНГ ЪТКИР ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ (АБСЦЕСС ВА ФЛЕГМОНАЛАР) ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Абсцесс (abscessus) — йириングли бүшлиқ маъносини англатиб, бу термин остида ёғ түқимасининг йириングли парчаланиши оқибатида ҳосил бўлган, аниқ чегараланган йириングли яллиғланиш ўчоғи тушунилади. Бу жараён асосан ёғ клетчаткаси бор жойларда (тери ёки шиллиқ қават остида, мушаклар ва фасциялар оралиғида) пайдо бўлади. Аммо абсцесслар мушак, лимфа тугуни ва суюкларнинг ичидаги ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Абсцессларда йириングли бүшлиқ, унинг атрофида грануляция түқимасидан девор ҳосил бўлиши ҳисобига чегараланди.

Флегмона (phlegmone) — грекча сўз бўлиб, яллиғланиш маъносини англатади. Бу термин остида ёғ түқимасининг тарқалган йириングли яллиғланиши тушунилади. Бу жараён одатда тери ва шиллиқ қават остида, мушаклар ва фасциялар оралиғида аниқланиб, бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча анатомик соҳани эгаллаши мумкин.

Одонтоген абсцесс ва флегмоналарни анатомик ҳамда топографик жойланиш нұқтаи назариядан қараганда 2 та катта гурухга бўлиш мумкин.

I. Бевосита жағлар атрофида турган юмшоқ түқималар абсцесс ҳамда флегмоналари: 1) юқори жағ атрофидаги юмшоқ түқималарда; 2) паstryki жағ атрофидаги юмшоқ түқималарда. Ўз навбатида бу гуруҳлар юзаки жойлашган: 1) кўз ости ва лунж соҳалари; 2) паstryki жағ ости ва энгак ости учбурчаклари, қулоқ олди чайнов соҳаси ҳамда чуқурда жойлашган: а) чакка ости ва қанот-танглай чуқурчаси; б) қанотсимон-паstryki жағ ва ҳалқум атрофи соҳалари, тил ости соҳаси ва оғиз туби абсцесс ва флегмоналарига бўлинади.

II. Жағлар билан бевосита алоқаси бўлмаган, аммо уларнинг атрофида жойлашган юмшоқ түқималар абсцесс ва флегмоналари. Бу анатомик соҳалар биринчи турдагилар билан қўшни жойлашган бўлиб, уларга ин-

фекция тарқалиш йўли билан ўтиши мумкин. Булар: ёноқ, чакка соҳалари, кўз косаси, пастки жағнинг орқа соҳаси, тил ҳамда бўйин соҳаларидир.

Этиологияси. Абсцесс ва флегмоналарни чақиравчилар асосан стафилококк ва стрептококклар бўлиб, улар монокультурада ёки бошқа (бошқа кокклар, ичак таёқчаси, кўк йиринг таёқчаси, бактериоидлар, анаэроблар) микроорганизмлар билан симбиозда бўлиши мумкин. Охирги пайтларда оқ ёки тилларанг стафилококклар касаллик чақиравчи сифатида кўплаб учрамоқда. Касалликнинг оғир шаклларида юқори вирулентли аралаш флоранинг роли катта бўлиб, унда анаэроб инфекция алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Патогенези. Абсцесс ва флегмоналар келиб чиқишида асосий инфекция манбаи одонтоген инфекция ҳисобланади (80-95%). Бу инфекция гангренага учраган тиш бўшлиғида, илдиз каналида жойлашиб, унинг апикал тешиги орқали лимфа ва қон томирлар ичига киради, периодонт тўқимасига чиқади, сўнгра сүякка ва атрофидаги юмшоқ тўқималарга тарқалади.

Агар инфекция манбаи тиш-милк патологик чўнтағида жойлашган бўлса (пародонтит, пародонтоз, ярали-некрозланган гингивит), ёхуд бу манба оғиз бўшлиғининг бошқа қисмларидаги шиллиқ қават орқали кирган бўлса (ярали-некрозланган стоматит, глоссит, шиллиқ қаватнинг турли хил жароҳатлари орқали кирган инфекция ва б.), у ҳолда касаллик стоматоген инфекция деб аталади.

Инфекция манбаи суяк ичида ҳам бўлиши мумкин (остеомиелит, периостит, йиринглаган одонтоген ва гранулемали кисталар, ақд.тишининг қийин – асоратли чиқиши, гайморит ва б.). Бундай инфекция манбаи остеоген инфекция манбаи ҳисобланади.

Баъзан инфекция манбаи сўлак безининг ичида ҳам бўлиши мумкин. Яллиғланишнинг бундай ривожи саливатор инфекция дейилади. Масалан, сўлак-тош касаллигида, йирингли сиалоаденит ва сиалодохитларда. Агар инфекциянинг бирламчи ўчоги ҳалқум атрофидаги муртак безларida бўлса, у тонзиллоген дейилади. Агар бурун бўшлиғи шиллиқ қаватида бўлса – риноген ва қулоқ супраси, эшитув йўллари, ўрта ва ички қулоқда бўлса – отоген инфекция манбаи деб аталади.

Айрим ҳолларда бирламчи инфекция манбаи юз ва бўйин терисида, кам ҳолларда эса кўз конъюнктивасида ҳам бўлиши мумкин. Бош ва бўйин юмшоқ тўқималарига инфекциянинг инсон танасининг бошқа қисмларидан гематоген (қон оқими билан) йўл билан келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Булардан ташқари, юз юмшоқ тўқималарида ўткир йирингли жараён асептика қоидалари бузилганда (оғриқсизлантириш пайтида нина учидаги инфекцияни соғлом тўқима ичига итариб киргизиш, яхши стерилланмаган анестетик эритмани қўллаш ва ҳ.к) ҳам аниқланади.

Абсцесс ва флегмоналар билан асосан 20 – 30 ёшдаги кишилар оғрийди. Бунга асосан шу ёшда тиш кариеси қасаллиги ва унинг асоратларининг кўплаб учраши ҳамда ақл тишининг кўпинча қийналиб асоратланиб чиқиши сабаб бўлади.

Юз ва бўйин юмшоқ тўқималаридаги ўткир йирингли жараёнларнинг ривожланиши ва кечиши, асосан қасалликни чақирган микрофлоранинг вирулентлигига, микдорига, макроорганизмнинг умумий ҳолатига, барча ҳимоя-восита тизимларининг иш фаолиятига ҳамда шу жараён шаклланаётган соҳа анатомияси ва топографиясининг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Патологик анатомияси. Инфекция агенти юмшоқ тўқима ичига юқорида келтирилган бирламчи манбалардан лимфа ҳамда веноз қон томирлари орқали ўтади. Кеиничалик эса йирингли жараён мушаклар ва фасциялар орасидаги табиий ёриқлар бўйлаб тарқалади. Бунда йирингли экссудат бу оралиқларни механик тарзда ёриб ўтади ёки атроф тўқимани эритиш йўли билан ҳам тарқалади. Маълумки, ўткир йирингли жараён ўчоғида тез кўпайиб бораётган ёш микроорганизмлар ўзидан гиалуронидаза ферментини ишлаб чиқаради. Ўз навбатида бу фермент тўқимада мавжуд, аммо нофаол бўлган гиалурон кислотани фаоллаштиради. Натижада тўқиманинг ўтказувчанлиги ортади, унинг ичига микроорганизмларнинг кириб олиб кўпайиши ва йиринглаши шу тўқима (фасция, мушак тоналари)нинг эриб кетишига олиб келади. Бу жараённинг қанчалик фаол кечиши, бир томондан инфекцияни

чақырган микроорганизмнинг вирулентлик даражасига ва иккинчи томондан эса макроорганизмнинг ҳимоя-мослашув тизимларининг ҳолатига боғлиқ бўлади.

Ёф клетчаткасининг ичига тушган микроблар ундаги қон томирларининг атрофига тўплана бошлайди ва яллиғланиш жараёни бошланиб кетади. Бу жараённинг ривожи 5 босқичда кечади: 1) шиш; 2) инфильтрация; 3) тўқиманинг йирингли эриб кетиши; 4) тўқиманинг некрозига учраши; 5) ҳосил бўлган йирингли яллиғланиш ўчонини грануляция тўқимаси билан ўраб олиб, чегараланиши.

Дастлаб ёф клетчаткасида серозли яллиғланиш қузатилади. Ўткир яллиғланиш жараёнининг бу босқичи ҳозирги даврда “целлюлит” деб аталади (эски номи – “яллиғланиш инфильтрати”). Сўнгра жараён йирингли босқичга ўтиб чегараланса – абсцесс, тарқалган бўлса – флегмона пайдо бўлади.

Тўқимада абсцесс ривожланганда яллиғланиш жараёнининг ҳамма босқичлари аниқ кўринади. Аммо, флегмона ривожланганда уларнинг айримлари кўпроқ ривож топиб (масалан: ифлос – некрозланган флегмоналарда кўпроқ гемодинамика бузилиб тўқималар некрози юзага чиқади ва ҳ.), бошқаларини ёпиб кўяди.

Йирингли ўчоқ кесиб очилгач ёки унинг ўзи ташқарига тешиб чиққач, бўшлиқдан йиринг оқиб чиқиб кетади ва яллиғланиш жараёни тезда бартараф этила бошлайди. Бўшлиқ деворида ҳосил бўлган грануляция тўқимаси борган сари пролиферацияланиб, некрозига учраган тўқималарнинг қисман сурилиб кетиши ва қисман сиқиб чиқарилишини таъминлайди. Тўқимада меъёрий қон айланиши қайта тикланади ва ўлган тўқима ўрни янги ҳосил бўлган қўшувчи тўқима билан тўлади.

Клиник белгилари. Беморлар асосан яллиғланган соҳадаги, турли хил интенсивликдаги оғриқдан, юз ва бўйиндаги шишдан ҳамда юз асимметриясидан шикоят қиласидилар. Бундан ташқари, флегмоналарнинг барча турларида у ёки бу даражада қуйидаги белгилар билан боғлиқ шикоятлар кузатилиши мумкин: 1) оғиз очилишининг чегараланиши (чайнов мушакларининг яллиғланиш жараёнига аралашви натижаси – вақтинчалик яллиғланиш контрактураси); 2) чайнаш ва ютиниш ҳаракатларининг оғриқ билан ке-

чиши ва чегараланиши (хусусан қанотсимон – пастки жағва субмассатериал соҳалардаги йириңгли яллигланишларда); 3) гаплашиш ва нафас олишдаги артикуляциянинг бузилиши (оғиз бўшлиғи, трахея деворлари ҳамда овоз боғламларининг шишганлиги оқибатида беморнинг овози пасайиб, хириллаб қолиши мумкин); 4) сўлак ажралишининг бузилиши (сўлак қуюқлашган, чўзилувчан бўлиб қолиб, бемор уни туфлашга қийналади). Айрим беморлар умумий ҳолсизликдан, нохушлиқдан, бош оғрифидан ҳам шикоят қилишлари мумкин.

Флегмоналар юза ёки чуқурда жойлашган бўлиши мумкин. Абсцесслардан фарқи ўлароқ, флегмонада аниқ чегара бўлмайди. Аммо абсцесс ҳамма вақт флегмонага айланиши мумкин, яъни у классик белгиси “чегараланганигини” йўқотади. Флегмона ҳам бир анатомик соҳа четлари билан чегараланган бўлиши мумкин. Амалда ҳар бир ёғ клетчаткаси билан тўлиқ бўлган анатомик “бўшлиқда” ҳам абсцесс, ҳам флегмона шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг дифференциал ташхиси амалий ва назарий қийинчиликлардан холи эмас. Шу сабабли, абсцесс ва флегмоналарни ўзаро дифференциациялаш касалникнинг клиник кечиши тавсифига асосланган бўлади. Одатда абсцесс тарқалиш тенденциясига эга бўлмайди. Бемор тана ҳарорати меъёр даражасида ёки субфебриль бўлади. Унинг умумий ҳолатига сезиларли салбий таъсир кўрсатмайди. Беморнинг оқ қон формуласида кучли ўзгаришлар кузатилмайди. Касалникнинг маҳаллий белгилари кучсиз ривожланади. Йириңгли ўчоқ битта анатомик соҳада жойлашган бўлиб, унинг чегаралари аниқ бўлади.

Флегмонозли жараёнда яллигланиш жараёнининг барча клиник белгилари интенсив тарзда ривожланган бўлади. Бемор тана ҳарорати баланд, интоксикация белгилари кучли, ЭЧТ (эритроцитларнинг чўкиш тезлиги) кўрсаткичи ва қондаги бошқа салбий ўзгаришлар юқори даражада бўлиб, юз-жағ тизими кўпроқ бузилган бўлади.

Охирги пайтларда абсцессларнинг классик клиник кўринишида ўзгариш сезилмоқда. Яллиглangan соҳада оғриқ жуда кам, йириңгли жараённинг ривожи узоқ давом этиб, bemornинг умумий аҳволида ҳеч қандай салбий ўзгаришлар

кузатилмайди. Тана ҳарорати меъёр даражасида қолади. Йирингли ўчоқ пайпаслангандагина кучсиз оғриқ сезилади. Касалликнинг бундай тарздаги ривожи кўпроқ аденоабссцессларга хос эканлиги ҳам эътиборга молик.

Флегмоналарнинг тарқалганлик даражасига пропорционал ҳолда клиникасининг оғирлик даражаси ҳам ортиб боради. Бир ёки икки ёнма-ён жойлашган анатомик соҳаларда жойлашган флегмоналар кўпинча нормергик реакцияда кечади. Бунда беморнинг ҳолати асосан қониқарли, аммо баъзан ўртacha оғирликда ҳам бўлиши мумкин. Тана ҳарорати субфебрилдан то $38,5^{\circ}\text{C}$ гача бўлади. Организмнинг интоксикация даражаси кучсиз ривожланган бўлиб, бемор қонида лейкоцитоз ($10-12. 10^9/\text{l}$) кузатилиб, ЭЧТ 10 дан $40 \text{ mm}/\text{s}$ гача ошиши мумкин.

Икки-уч ва ундан ортиқ анатомик соҳаларга тарқалган ва агрессивлигини йўқотмаган флегмоналар одатда гипергик реакция билан кечади. Бунда организмда интоксикация даражаси кучли бўлиб, у организмнинг ҳимоя мослашув тизимлари фаолиятини компенсацияланган ва субкомпенсацияланган даражагача оғирлаштириши мумкин.

Агар тарқалган флегмона диффузли тус олиб, мия асоси ёки бўйин клетчаткалари томон тарқалса, организмнинг ҳимоя-мослашув тизимининг таранглашиш даражаси субкомпенсацияланган ва декомпенсацияланган ҳолатгача пасайиб, ҳаёт учун реал хавф пайдо бўлади.

Макроорганизмнинг ҳимоя-мослашув тизими фаолияти компенсацияланган даражада бўлганда, беморнинг умумий ҳолати ўртacha оғирликда бўлиб, унинг тана ҳарорати $38-39^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Интоксикация кучли даражада бўлади. Қонда лейкоцитоз $12-15. 10^9/\text{l}$ дан то $20. 10^9/\text{l}$ гача бўлиб, ЭЧТ $60 \text{ mm}/\text{s}$ га етиши мумкин.

Макроорганизмнинг шу тизимининг фаолияти субкомпенсацияланган ҳолатда бўлганда беморнинг умумий аҳволи оғир бўлади, тана ҳарорати 39°C ва ундан ҳам ортиқ бўлиб, септик тавсифга эга бўлиши мумкин. Умумий интоксикация даражаси ортиб боради, асоратлар юзага келиши мукин. Агар инфекция жараёнининг бундай кечиши ўз вақтида тўхтатилмаса, у инсон ҳаётини таъминловчи аъзолар фаолиятининг декомпенсация даражасига ўтиб кети-

шига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда организмда септик шок ва сепсис ривожланишига шароит туғилиши мумкин. Нафас олишнинг ўткир етишмовчилиги бемор ҳаётига хавф туғдиради.

Флегмонанинг гиперергик кечиши кўпинча қанд касаллигига, юрак-қон томир ва нафас йўлларининг оғир касалликлариغا учраган беморларга хос ҳисобланади. Бундай беморларда ўта кучли интоксикация, умумий оғир ҳолат, безгак, организмнинг кўпгина тизимлари фаолиятининг бузилиши 3 – 5 ва ундан ҳам ортиқ анатомик соҳаларга тарқалган ўткир йирингли яллиғланиш билан бирга кечади. Йирингли жараён мия асосига, бўйин соҳасига тарқалган ёки тезда тарқалиш хавфи остида бўлади. Қон текширувла-ри натижалари одатда беморнинг умумий оғир ҳолатига мос келмаслиги ҳам мумкин.

Флегмона билан касалланган беморда организмдаги интоксикация даражаси бирдан ошиб кетсаю, яллиғланишнинг маҳаллий белгиларида кескин ўзгариш аниқланмаса, у ҳолда ўта вирулентли инфекция агенти маҳаллий ретикулоэндотелиал барьердан ва лимфа тутунларидан ўтиб кетиб бутун организмга тарқалганлигидан (генерализацияланганидан) ва бу организм ҳимоя воситаларининг кучи жуда пасайғанлигидан дарак беради. Бу эса касаллик прогнозининг ёмонлигини билдиради.

Аксарият ҳолларда, айтилганларга қарама-қарши ўлароқ флегмона гиперергик реакцияда кечиши мумкин. Бунда жараён жуда секин, “судралиб”, узоқ кечади. Беморнинг аҳволи қониқарли даражада қолади. Тана ҳарорати субфебрил ёки меъёр даражасида бўлади, организмда сезиларли интоксикация кузатилмайди. Аммо бу ҳолат флегмонанинг маҳаллий белгиларига боғлиқ бўлмайди. Йирингли жараён бир ёки икки анатомик соҳада жойлашган бўлади. Бемор қонида лейкоцитоз белгилари кузатилмайди (баъзи ҳолларда лейкопения кузатилиши мумкин), ЭЧТ 10 – 15 мм/с дара-жада. Орадан ваqt ўтиши билан ЭЧТ ошиши мумкин (30 – 40 мм/с). Флегмонанинг бундай “судралиб” кечиши кўпинча кекса ёшдаги ва ҳимоя-мослашув фаолияти жуда сусайған беморларга хос бўлади.

Юқори жағ атрофида ривожланувчи абсцесс ва флегмоналар қўйидаги соҳаларда жойлашади:

1. **Кўз ости соҳасининг абсцесс ва флегмоналари.** Бу соҳага инфекция асосан қозиқ ва биринчи премоляр тиш орқали киради. Аммо, айрим ҳолларда чекка курак ва иккинчи премоляр тишлар орқали ҳам кириши мумкин. Бундан ташқари кўз ости соҳасига йирингли инфекция лунж соҳасидан ҳам тарқалиши мумкин.
2. **Лунж соҳасининг абсцесс ва флегмоналари.** Бу соҳага инфекция асосан юқори ва пастки жағларнинг молляр ҳамда айрим ҳолларда премоляр тишлари орқали кириши мумкин. Бундан ташқари, бу соҳага инфекция шу тишлар тўғрисида ҳосил бўлган субпериостал абсцесслардан ёки кўз ости, ёноқ, чакка, чакка ости, қулоқ олд-танглай соҳаларидан ва қанот-танглай чуқурчасидан тарқалиш йўли билан ҳам тушиши мумкин. Йирингли инфекциянинг бундай тарқалишига асосан лунж соҳаси билан санаб ўтилган соҳалар оралиғида боғланиш борлиги сабаб бўлади. Бу ёғ мажмуасининг борлиги инфекциянинг тескари йўналишда тарқалишига ҳам олиб келади.
3. **Чакка ости ва қанот-танглай чуқурчаларининг абсцесс ва флегмоналари.** Бу соҳаларга инфекция асосан юқори ақд тиш орқали киради. Аммо, иккинчи ва биринчи моляр тишлар ҳам инфекциянинг сабабчиси бўлиши мумкин.
4. **Чакка соҳасининг абсцесс ва флегмоналари.** Чакка соҳасидаги йирингли яллиғланиш жараёнлари одатда иккиласмчи бўлиб, асосан чакка ости ва лунж соҳаларидан одонтоген инфекциянинг тарқалиши орқали ўтади. Аммо бу соҳага инфекция қанот-пастки жағ, ҳалқум атрофи, субмассатериал соҳалардан ҳам ўтиши мумкин. Ноодонтоген инфекция, асосан чакка териси орқали ўтади.
5. **Ёноқ соҳасининг абсцесс ва флемоналари.** Бу соҳага ҳам инфекция қўшни соҳалардан иккиласмчи кириб

келиш йўли орқали тарқалади. Ёноқ соҳасида бирламчи йирингли яллиғланиш жараёни деярли учрамайди.

6. **Кўз косаси соҳасининг абсцесс ва флегмоналари.** Кўз косаси соҳасига инфекция қўшни соҳалардан ўтади:
1) кўз ости соҳасидан бурчак венаси (тромбофлебит бўлганда) ёки кўз ости канали орқали; 2) гаймор бўшлиғидан унинг орқа девори орқали қанот-танглай чуқурчасига, ундан кўз ости ёриғи орқали кўз косасига; 3) чакка ости соҳаси ҳамда қанот-танглай чуқурчасидан кўз ости ёриғи орқали кўз косасига.

Пастки жағ атрофидаги юмшоқ тўқималарда жойлашган абсцесс ва флегмоналар қўйидагича таснифланади: (11-расм)

1. **Пастки жағ ости учбурчагининг абсцесс ва флеменалари.** Пастки жағ ости учбурчаги соҳасига инфекция асосан пастки жағдаги моляр тишлар атрофидаги яллиғланиш ўчоқлари орқали тушади. Шунингдек бу соҳага инфекция қўшни соҳалардан (энгак ости, оғиз туби, қанот-пастки жағ, ҳалқум атрофи соҳалари) тарқалиш йўли билан ҳам кириб келиши мумкин. Бу соҳадаги йирингли яллиғланиш жараёнлари келиб чиқишида пастки жағдаги ақл тишининг қийналиб чиқиши давридаги асоратлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Инфекциянинг аксарият қисми лимфоген йўл билан ҳам кириб келиши мумкин.
2. **Энгак ости учбурчагининг абсцесс ва флемоналари.** Энгак ости соҳасига инфекция пастки жағнинг фронтал гуруҳидаги тишлар орқали кириб келади. Кўп ҳолларда эса яллиғланиш жараёни бирламчи бўлиб, шу соҳада жойлашган лимфа тугуларини жароҳатлайди ва абсцесс ёки флемона иккиласи асорат сифатида намоён бўлади. Жараённинг лимфоген ривожида инфекция ўчоғи ролини энгак соҳаси ва пастки лаб террисидаги йирингли жараёнлар ўйнайди.
3. **Кулоқ олди чайнов соҳасининг абсцесс ва флемоналари.** Бу соҳадаги йирингли яллиғланиш жараёнларига асосан пастки жағдаги моляр тишлар сабаб бўлади. Жуда кам ҳолларда инфекция пастки жағдаги премо-

ляр ва юқори жағдаги моляр тишилардан ҳам тарқалған бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда инфекция қулоқ олди чайнов соҳасига қўшни соҳалардан (кўпроқ чакка асосидан) тарқалиши ҳисобига ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Йириングли жараённинг чайнов мускули билан жағнинг шох қисми оралиғида пайдо бўлиши ва унинг атроф тўқимага тарқалишга мойиллиги одатда флегмона деб юритилади. Шунинг учун ҳам йириングли жараённинг субмассатериал кўриниши алоҳида нозологик кўриниш деб ҳисобланади.

4. Қанот-пастки жағ соҳасининг абсцесс ва флегмоналари. Бу соҳага инфекция асосан пастки жағнинг моляр тишилари орқали киради. Сабабчи жараёнларни аксарият пастки жағдаги ақл тишининг асоратланган чиқиши ташкил қилади. Булардан ташқари, инфекция бу соҳага тил-пастки жағ тарновчасидан, оғиз тубидан, пастки жағ ости учбурчагидан ва қулоқ олди чайнов соҳаларидан тарқалиш йўли билан ҳам кириб келиши мумкин.

5. Ҳалқум атрофи соҳасининг абсцесс ва флегмоналари. Бу соҳадаги йириングли яллиғланиш жараёнлари келиб чиқишига асосан пастки жағдаги моляр тишилар, айрим ҳолларда эса, юқори жағдаги моляр тишилардаги асоратланган кариес касаллиги сабаб бўлади. Ҳалқум атрофи соҳаси абсцесс ва флегмоналарининг келиб чиқишида тонзиллоген йўл ҳам алоҳида роль ўйнайди. Булардан ташқари, бу соҳага инфекция қўшни соҳалардан (пастки жағ орти чуқурчасидан, тил ости, пастки жағ ости ва қанот-пастки жағ соҳаларидан) тарқалиш йўли билан ҳам кириб келади.



11-расм. Жағ ости флегмонаси

- 6. Тил ости соҳасининг абсцесс ва флегмоналари.** Тил ости соҳасига инфекция пастки жағдаги тишлар орқали киради. Аксарият ҳолларда, бу соҳа инфекциясининг ривожланишига катта ва кичик озиқ тишлар сабаб бўлади.
- 7. Тил-жағ тарновчасининг абсцесси.** Бу соҳа абсцессининг клиник кечиши ўзига хослиги билан ажralиб туради. Бу жойда жойлашган ёғ клетчаткасидаги йирингли жараён ҳамда атрофидаги перифокал яллиғланиш жараёни касаллик бошланишиданоқ тил илдизи ва ҳалқум атрофи соҳаларининг олдинги қисмини қамраб олади. Шунинг учун ҳам бемор тилининг ҳаракати ва ютиниш жуда қийинлашади. Шу соҳадан ўтган тил нервига кўрсатилган босим ҳисобига оғриқ кучли бўлади. Медиал қанотсимон мускул олдинги толаларининг йирингли ўзоқ билан боғлиқлиги натижасида яллиғланиш контрактураси келиб чиқади. Шу туфайли оғиз ичини текшириш қийинлашади.

Тил ости соҳаси флегмоналари асосан бир томондан, айрим ҳолларда эса иккала томондан ҳам бўлиши мумкин. Бемор тил ости соҳасидаги кучли оғриқдан, ютиниш ва тилни ҳаракатлантириш жуда қийинлигидан шикоят қилади. Энгак ва пастки жағ ости (олдинги қисмида) соҳаларида тарқалган шиш кузатилади. Аммо, бу соҳаларда инфильтрация бўлмайди. Энгак ва жағ ости лимфа тугунлари катталашган ҳамда оғриқли бўлади. Оғиз очилиши инфекциянинг тарқалганлик даражасига қараб, эркинроқ (олдинги соҳасидаги) ва яллиғланиш контрактурасининг II даражасигача (инфекция тил остининг орқа қисмига ҳам тарқалганда) бўлиши мумкин.

Оғиз ичидаги тил ости шиллиқ қавати кучли шишиши оқибатида тил кўтарилишган (икки томонлама жараёнда) ёки соғлом томонга қараб силжиган (бир томонлама жараёнда) бўлади. Шиллиқ қават қизарган, шишган бўлиб, баъзан караш билан қопланган ҳам бўлиши мумкин. Пальпацияланганда оғрийди, инфильтрация ва флюктуация белгиси кузатилади.

Тил ости соҳаси абсцесс ва флегмоналарида йирингли жараён бир ёки иккала томондан ҳам қўшни соҳаларга

тарқалиши билан асоратланиши мүмкін. Бундай ҳолларда оғиз туби флегмонаси пайдо бўлиб, у бемор ҳаёти учун хавфли ҳисобланади.

8. **Тил илдизи соҳасининг флегмонаси.** Бу соҳага одонто-ген инфекция пастки жағнинг моляр тишларидан, тил-жағ тарновчasi орқали кириб келади. Айрим ҳолларда бу инфекция стоматоген (тил ости соҳасининг шиллиқ қавати жароҳатларида) йўл билан ҳам кириши мүмкін.
9. **Оғиз туби флегмонаси.** Оғиз туби флегмонаси деганда, тил ости соҳаси, энгак ости ва иккала пастки жағ ости учбуручклари соҳаларига бир вақтнинг ўзида турли хил йўналишда тарқалган йирингли жараён тушунилади. Бу соҳа флегмонаси одатда иккиламчи жараён бўлиб, юқорида санаб ўтилган соҳаларнинг биридан ёки тил илдизи соҳасидан йирингли жараён қўшни соҳаларга тарқалиши орқали юзага келади.
10. **Оғиз тубининг йирингли-гангренали флегмонаси** (Людвиг ангинаси). Бу флегмона оғиз туби флегмонасигининг ўзига хос кечадиган тури бўлиб, уни чақиравчилар анаэроб микроорганизмлар симбиози ҳисобланади. Бу микроорганизмлар асосан оғиз тубига пастки жағдаги моляр тишлар илдизлари атрофидаги сурунқали яллиғланиш ўчоқлари орқали киради. Касалликнинг бу турида яллиғланиш жараёни атипик кечиб, унинг тарқалиши, шу соҳа анатомияси ва топографиясининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ эмас. Яъни яллиғланиш жараёнига бошданоқ нафақат ёғ клетчаткаси, балки мускуллар ва фасциялар ҳам қўшилиб кетади. Энг асосийси, бу жараёнда йирингли бўшлиқлар ҳосил бўлмайди, инфильтрацияланган барча тўқималар некрозга учрайди. Натижада мускул тўқимаси қайнатилган гўшт кўринишини олади. Касаллик бошланишиданоқ жараён ҳалқум атрофи ва қанот-жағ соҳаларига тарқалади.
11. **Пастки жағ орқаси чуқурчасининг абсцесс ва флемоналари.** Пастки жағ орқаси чуқурчаси соҳасига инфекция қўшни соҳалардан ўтади. Шунинг учун ҳам

доимо иккаламчи ривожланади. Аммо, бу соҳага инфекция пастки моляр тишлардан тўғридан-тўғри ўтиши ҳам мумкин. Кўпинча йирингли жараён бу соҳага қанот-пастки жағ ва ҳалқум атрофи соҳаларидан, камроқ ҳолларда эса пастки жағ ости учбурчаги ҳамда қулоқ олди чайнов соҳасидан тарқалиб ўтади.

12. Бўйин соҳасининг абсцесс ва флегмоналари. Юз-жағ соҳасининг одонтоген йирингли яллиғланиш жараёнлари, одатда, бўйиннинг олдинги қисмидаги тери ости ва фасциялар оралиғидаги ёғ клетчаткаларига тарқалиши билан асоратланади. Бўйиндаги абсцесс ва флегмоналар юза (тери ости ёғ клетчаткасида) ҳамда чукурда (трахея, нерв-томир тутами атрофидаги ва фасциялар оралиғидаги ёғ клетчаткаларида) жойлашган бўлади.

Юз ва бўйин соҳаларининг абсцесс ва флегмоналари асосан жарроҳлик усулида даволанади. Кечиктирилмасдан, ўз вақтида ўтказилган йирингли бўшлиққа бирламчи ишлов бериш операцияси, экссудат ва некрозланган тўқиманинг организмдан тез чиқиб кетиши ҳамда интоксикация камайишини таъминлайди. Бу давони ўтказиш стоматолог врачнинг вазифасига киради.

Юз ва бўйин соҳаларининг абсцесс ҳамда флегмоналари комплекс даволанади, яъни: 1) бу даво этиотроп тавсифга эга бўлиши, яъни касалликни чақирган микробни йўқотишга қаратилган бўлиши; 2) макроорганизмнинг қаршилик кучларини кўтаришга (уни стимуллашга) қаратилган бўлиши; 3) патогенетик тавсифга эга бўлиши, яъни яллиғланиш ўчғидаги патофизиологик жараёнларни бошқаришга қаратилган бўлиши; 4) симптоматик тавсифга эга бўлиши, яъни инсон организмининг асосий функцияларини сақлаб туришга ва бузилганларини қайта тиклашга қаратилган бўлиши лозим.

Бундай давонинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради: а) йирингли жараённинг қўшни соҳаларга тарқалиб кетишининг олдини олиш; б) йирингли жараённинг қон оқимига тушиб бошқа аъзоларга тарқалиши (септикопиемия) нинг олдини олиш.

Юз абсцессларида бундай даво асосан поликлиника шароитида ўтказилади. Аммо чегараланган йирингли жараён қанот-жағ, субмассатериал, чакка ости ва чакка соҳаларида жойлашган бўлса, у ҳолда операция ва ундан кейинги даво стационар (ёки кундузи стационар) шароитида ўтказилгани маъқул.

Юз ва бўйин соҳаларининг флегмоналарини эса асосан стационар шароитида даволаш лозим.

Бундай касаллик билан оғриган беморлар ўз вақтида тўғри даволансалар касаллик оқибатсиз тугаб, улар бутунлай соғайиб кетадилар. Агар яллиғланиш жараёни асоратланиб, медиастинит, менингит, менингоэнцефалит, мия қобиқлари ёриғлари тромбози, сепсис каби оғир касалликларга олиб келса, унинг оқибати ҳам оғир бўлади. Бундай бемор узоқ вақт иш қобилиятини йўқотиши, ногирон бўлиб қолиши ва ҳатто ўлиши ҳам мумкин.

ЮЗ ВА БЎЙИН СОҲАСИ ЛИМФА ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ (ЛИМФАДЕНИТЛАР)

Клиник кўриниши. Клиникасининг кўриниши, патологик анатомиясининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда ўткир ва сурункали лимфангит, ўткир серозли ва ўткир йирингли лимфаденит, аденофлегмона ҳамда сурункали лимфаденит касалликлари фарқланади (Т.Г. Робустова, 1990).

Лимфангит ўткир ва сурункали кўринишда кечади. Ўткир лимфангит юза ёки чукурда ётган лимфа томирларида ривожланиши мумкин. Ҳимоя-мослашув тизимлари кучсиз бўлган беморларда ўткир лимфангит, “судралиб” кечувчи сурункали кўринишга ўтиб кетади. Бундай ҳолат антибиотикларни тартибсиз қўллагандага ҳам келиб чиқиши мумкин.

Юза лимфа томирлари чигалидаги ўткир лимфангитни ретикуляр (тўрсимон) лимфангит, чукурда жойлашган катта лимфа томирлари дагини эса трункуляр лимфангит дейилади.

Ўткир ретикуляр лимфангитда юз терисидаги яралар, чипқон, ҳўппоз ёки лабдаги жароҳатлар, яллиғланган ўчоқлар атрофида жойлашган жуда кичик тўрсимон лимфа

томирлари яллиғланади. Шу жой қизириб оғрийди. Касаллик клиникаси сарамасникига ўхшаб кетади. Аммо шу қизарган яллиғланиш ўчоғидан регионар лимфа тугунлари томон йўналган қизил ҳошиялар пайдо бўла бошлайди. Беморнинг тана ҳарорати 38–39 °C гача кўтарилиши мумкин. Безгак, иштаҳанинг йўқолиши, бош оғриши каби интоксикация белгилари пайдо бўлади. Регионар лимфа тугунлари катталашади, кучсиз оғрийди, лекин юмшоқлигича қолади.

Ўткир трункуляр лимфангитда яллиғланиш жараёни чуқурроқда жойлашган бўлиб, каттароқ диаметрдаги лимфа томирлари яллиғланади. Юз ёки бўйин терисида бирламчи яллиғланиш ўчоғидан регионар лимфа тугунлари томон йўналган бир ёки бир неча қип-қизил рангдаги ҳошия пайдо бўлади. Дастреб бу ҳошия бўйлаб терида кучсиз оғрик пайдо бўлади, кейинчалик шу жой қаттиқлашади. Атроф тўқималар шишади, таранглашади. Аста-секин яллиғланиш жараёни лимфа томири деворидан атрофдаги тўқималарга ҳам тарқала бошлайди. Натижада қизил ҳошия ҳам кенгайиб боради, юз ёки бўйиндаги шиш катталашади, регионар лимфа тугунларда лимфаденит кузатилади.

Юза жойлашган ретикуляр лимфангит ташхиси қийинчилик туғдирмайди. Аммо теридаги қизариш ҳошиясимон бўлмасдан бир текис бўлса, у ҳолда уни сарамас касаллигиндан фарқлаш қийин бўлади. Бунда асосий эътиборни теридаги қизарган жойларнинг бир ёки бир неча эканлигига қаратмоқ зарур. Одатда сарамас касаллигига тери бир текис қизариб, у бир неча жойда аниқланади.

Трункуляр лимфангитдаги шиш тагидаги ипсимон қаттиқлашиш флегбит касаллигини, атрофдаги инфильтрация эса флегмонани эслатади. Тўқималарнинг чуқур ерида жойлашган ўткир трункуляр лимфангитни тромбофлегбит касаллиги билан адаштириб қўйиш ҳам мумкин. Аммо флегбит ва тромбофлегбитда ипсимон инфильтрат вена томирлари бўйлаб жойлашади ва унинг устидаги тери узоқ вақт қизармасдан туради. Умумий интоксикация белгилари кучлироқ бўлади.

Лимфангитнинг давоси, асосан бирламчи яллиғланиш ўчоғини (периодонтит, периостит, чипқон, ҳўппоз ва б.) бартараф этишга қаратилган бўлиши керак. Консерватив

даво учун антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлари қўлланилади.

Лимфаденитлар ўткир, сурункали, специфик ва носпецифик бўлади. Ўткир лимфаденит серозли ва йирингли, сурункали лимфаденит эса гиперпластик ва йирингли турларга бўлинади (Ю.И. Вернадский, 1984).

Ўткир серозли лимфаденит бир ёки бир неча лимфа тугуларида пайдо бўладиган кучсиз оғриқ билан бошланади. Бу лимфа тугулари шишади, катталашади, пальпация қилинганда қаттиқ-эластик, оғриқли, эркин силжувчан бўлади. Шу соҳадаги терининг ранги ўзгармаган, bemalol қатламга йиғилувчан бўлади. Беморнинг умумий аҳволида ўзгариш кузатилмайди. Унинг қони ва сийдигида ҳам ўзгаришлар аниқланмайди.

Инфекциянинг бирламчи ўчоғидаги яллиғланиш жараёни камайиши давомида, оғриган лимфа тугунининг ҳам ҳажми кичрайиб боради, оғриқлар йўқолади, у юмшаб қолади. Бир неча ҳавфтадан сўнг меъёрий даражадан фарқ қилмайдиган ҳолатга келади.

Ўткир серозли лимфаденит оғир кечганда, у йирингли кўринишига ўтиш билан асоратланиши мумкин.

Ўткир йирингли лимфаденит лимфа тугуни соҳасида инфильтрация (перилимфаденит) пайдо бўлиши, унинг силжувчанлигининг камайиши, атрофдаги лимфа тугунлари ва тўқималар билан бирика бошлиши билан тавсифланади. Бу жараён сероз кўринишининг асорати ёки сурункали лимфаденит хуружи сифатида пайдо бўлади. Беморнинг тана ҳарорати $37,2-37,8^{\circ}\text{C}$ даражагача кўтарилиши ва унинг қонида яллиғланишга хос ўзгаришлар кузатилиши мумкин.

Яллиғланган лимфа тугуни соҳасидаги тери қизаридишишади ва аста-секин таг тўқима билан бирика бошлайди. Яллиғланган лимфа тугуни ҳалқум атрофи ёки қулоқ олди соҳаларида бўлганда, ютиниш ва оғизни очиш ҳам бир оз қийинлашади.

Лимфа тугунининг йирингли парчаланиш жараёни айрим bemorларда жуда тез (2-3 кун ичida), айримларида аста-секинлик билан (1-2 ҳафта давомида), ҳатто инфекциянинг бирламчи ўчоғи бартараф қилингандан анча кейин ҳам ривожланиши мумкин.

Юз-жағ соҳасида лимфаденит касаллиги билан энг күп жағ ости лимфа тугунлари касалланади. Иккинчи ўринда энгак ости, қулоқ олди ва пастки жағ лимфа тугунлари яллиғланади.

Үткир лимфаденитлар (айниқса, бир йўла бир неча лимфа тугунлари яллиғланса), асосан үткир лейкоз касаллиги сабабли лимфа тугунларидаги ўзгаришлар билан дифференциалланади. Лейкоз касаллигига, бир вақтнинг ўзида бир неча анатомик соҳалардаги лимфа тугунларининг шикастланиши ва икки томонлама жараённинг мавжудлиги хос бўлади.

Сурункали носпецифик лимфаденит үткир жараённинг асорати сифатида ёки вирулентлик даражаси паст бўлган микроорганизмлар яллиғланиш чақирганда юзага келади. У айрим лимфа тугунларининг турли ўлчамларда катталashiши ва силжувчанлигининг чегараланиши билан тавсифланади. Бунда беморнинг умумий аҳволида ўзгаришлар кузатилмайди. Мажаллий текширилганда аниқ бир лимфа тугунининг катталашиб қаттиқлашганлиги, оғримаслиги аниқланади.

Агар бу сурункали жараён хуруж қилса, у ҳолда йирингли жараён юзага келиб, үткир йирингли лимфаденит клиникасидан фарқ қilmайди.

Агар бирон-бир лимфа тугуни узоқ вақт давомида, одонтоген ўчоқда мавжуд бўлган инфекция ўчогидан токсинлар билан “бомбардимон” қилиб турилса, унда у сурункали яллиғланиш оқибатида томоман ўлади ва унинг паренхимаси грануляция тўқимасига айланади (гиперпластик турдаги сурункали яллиғланиш). Вақти-вақти билан шу жойдаги сурункали яллиғланиш жараёни хуруж қилиб туради. Охир оқибатда инфекция устилаги терини тешиб чиқади, унда оқма ҳосил бўлиб, унинг деворлари ҳам грануляцияланади. Кейинчалик бу оқма чандиқланиб ёпилиб қолса, ёнидан янгиси ҳосил бўлади. Бу жараён юздаги миграцияланувчи гранулема деб ҳам юритилади.

Сурункали гиперпластик лимфаденитни юздаги түфма оқма ва кисталар ҳамда айрим ўсималардан фарқлаш лозим бўлади.

Сурункали специфик лимфаденитлар, асосан сил касаллигига учрайди. Аммо, бемор анамнезида унинг ер куррасининг шимолий кенгликларидаги ноқоратупроқ ерлар-

да қишлоқ хұжалиғи ишлари билан машғул бўлганлиги ҳақида аниқланса, у ҳолда бундай лимфаденитнинг актиномикоз этиологияли бўлиши мумкинлигини ҳам унумаслик лозим. Айрим ҳолларда сурункали лимфаденит сифилитик этиологияга эга бўлиши ҳам мумкин.

Сурункали специфик лимфаденитлар, одатда бўйин, пастки жағ, пастки жағ ости ва жағ орқасида жойлашган лимфа тугунларини шикастлайди. Баъзан улар тананинг бошқа соҳаларидаги (шу жумладан бронхиал ва қорин парда орқасидагиларни ҳам) лимфа тугунларининг шикастланишлари билан бирга кечади.

Сил касаллигидаги сурункали лимфаденитларда оғиз бўшлиғида, жағлар ва жағ атрофидаги юмшоқ тўқималарда бирламчи яллигланиш ўчоқлари топилмайди. Жуда секин ва айрим ҳолларда икки томонлама лимфаденит ривожланади. Беморда узоқ давом этувчи субфебрилитет ҳолати кузатилиб, Манту реакцияси мусбат натижা беради, пункрат эса, кўпинча стерил чиқади. Кўпинча йиринглашга ҳам мойил бўлади.

Актиномикоз этиологиясига эга бўлган сурункали лимфаденитга оқма ва унинг атрофида шу касалликка хос тахтасимон қаттиқлик мавжудлиги тавсифли бўлади. Жараён “сурдрабиб” жуда узоқ кечади. Булардан ташқари, оқмадан ажralаётган суюқлик цитологиясида актиномицитлар мицелияси аниқланади.

Сурункали лимфаденит сифилитик этиологияда бўлганда, шу касалликка хос анамнез ва мусбат натижали Вассерман реакцияси кузатилади.

Даволаш. Ўткир лимфаденитларни даволашда, лимфа тугунига инфекциянинг оқиб келишини тўхтатиш учун, биринчи навбатда бирламчи яллигланиш ўчоғи бартараф қилинади.

Ўткир серозли лимфаденитни консерватив усулда даволаш мумкин. Бунинг учун физиотерапия усуллари ҳамда маҳаллий иссиқ берувчи боғламлар яхши ёрдам беради. Дубровин боғлами (лимфа тугуни устидаги тери 4% сариқ симболи малҳам билан суртилиб, устидан калий перманганатнинг концентрланган эритмасига бўктирилган дока-салфетка билан ёпилади, устидан чой қофози, пахта

қўйилиб, бинт билан ўраб боғланади) ҳамда ярим спиртли компресс маҳаллий иссиқ берганлиги учун яхши натижада беради. Яллиғланган тугун атрофига новокайн, тримекайн ёки лидокаин билан “блокада” қилиш уни асоратланишдан сақлайди. Бу эритмаларга антибиотиклар ёки ферментларни ҳам қўшиб юбориш мумкин.

Ўткир йирингли ёки хуруж қилган сурункали лимфаденитларда ёхуд лимфа тугуни қобиғи ёрилиши натижасида атроф ёғ клетчаткасига йиринг тарқалгандা (аденофлегмонада) жарроҳлик давоси ўтказилади.

Сурункали специфик лимфаденитлар, уларнинг этиологияси тасдиқлангач, беморлар махсус даволаш муассасаларига юборилиб, ўша ерда даволанадилар.

Ўткир ва сурункали лимфаденитлар профилактикаси тиш кариеси ва унинг асоратларини ўз вақтида аниқлаш, стоматит, ринит, отит, гингивит, глоссит, чипқон, ҳўппоз қаби касалликлар ҳамда оғиз бўшлиғи ва юз соҳасидаги травматик жароҳатларни ўз вақтида даволашдан иборат бўлади.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

ТИШ ОЛИШ ОПЕРАЦИЯСИ

- 1. Поликлиника ва стационар шароитида, режали операциядан олдин қилиниши шарт:*
 1. Бутун танага санитария ишловини бериш
 2. ЛОР аъзолари санацияси
 3. Оғиз бўшлиғи санацияси
 4. Беморни руҳий-эммоционал таёrlаш
 5. Оғиз бўшлиғи ирригацияси
- 2. Юз терисини операцияга тайёрлаш учун ишлатилади:*
 1. 1% хлорамин эритмаси
 2. 3% формальдегид эритмаси
 3. Глицерин-йодоформ аралашмаси
 4. 5% Люголь эритмаси
 5. Перманганат калий эритмаси (1:5000)
- 3. Дока турундаларни шимдириш учун қўлланиладиган йодоформ аралашмаси таркибига киради:*
 1. Йодоформ, Люголь эритмаси, эфир, дистилланган сув
 2. Йодоформ, глицерин, этил спирти ва эфир
 3. Йодоформ, марганец кристаллари, спирт ва эфир
 4. Йодоформ, йод эритмаси, глицерин ва эфир
 5. Йодоформ, глицерин, йод ва дистилланган сув
- 4. Юз терисини операцияга тайёрлаш учун қўлланилади:*
 1. Перманганат калий эритмаси (1:5000), 5% Люголь эритмаси
 2. 1% хлорамин эритмаси, 5% йод настойкаси
 3. 1% глицерин эритмаси, 5% Люголь эритмаси
 4. Фурацилин эритмаси (1:5000), 3% йод настойкаси
 5. 70% этил спирти, 2% йод настойкаси, 5% Люголь эритмаси

5. Амбулатория операциясидан бевосита олдин ўтказиши зарур бўлган муолажалар:
1. Оғиз бўшлиғи ирригацияси
 2. Оғиз бўшлиғи санацияси
 3. Тишларнинг электроодонтодиагностикаси
 4. Операция зонасини рентген қилиш
 5. Пункцион биопсия ўтказиш
6. Тиш олиши операциясига асосий кўрсатмалар:
1. Илдизнинг очилиб қимиллаб қолиши
 2. Тишнинг аномалияли жойлашиши
 3. Тиклаш имконияти бўлмаган функционал қимматини йўқотиши
 4. Тиш тожининг кариоз парчаланиши
 5. Тиш тожи ва илдизнинг кариоз емирилиши
7. Хавфли шиши бор бўлган соҳадаги тишни:
1. Консерватив даволаш керак
 2. Дарҳол олиб ташлаш керак
 3. Бемор соғайгач олиб ташлаш керак
 4. Агар bemор илтимос қылсагина олиш керак
 5. Олиш керак, фақат стационарда
8. Юқори жағедаги тишлар олинаётганда, bemорнинг боши шундай қўйилади:
1. Беморнинг боши ёстиқча ўртасида бўлсин
 2. Олинаётган тиш врачнинг елкаси тўғрисида бўлсин
 3. Ўриндиқ суянчиғи тушиб кетмасин
 4. Врач bemорнинг олдида ўнг томонда турсин
 5. Бемор бошини қимиллатиб юбормасин
9. Тиш катагидан илдизларни сугуриб олиш учун энг кўп ишлатиладиган асбобнинг номини кўрсатинг:
1. Долото
 2. Экскаватор
 3. Элеватор
 4. Омбур
 5. Распатор

10. Қайси күрсатма «касал» тишин олиб ташлашга ассоциациялык болмайды?

1. Ўткир иирингли пульпит
2. Юқори жағ остеомиелити
3. Пастки жағ периостити
4. Юқори жағ периостити
5. III даражали пародонтит

11. Тиши олиш учун қарши күрсатма ҳисобланмайды:

1. Ўткир юрак-қон томир касалликлари
2. Геморрагик диатез
3. Ўткир панкреатит
4. Ўткир одонтоген гайморит
5. Ўткир иирингли отит

12. Қайси асортат тиши олингандан кейинги кечки асортат-га киради?

1. Пастки жағнинг синиши
2. Пастки катак нерв неврити
3. Гаймор бўшлиғи
4. Тиш

13. Тиши олингач, қанча вақтдан кейин тиши катаги остеомиелити пайдо бўлиши мумкин?

1. 3 кундан
2. Бир ойдан
3. 2 ҳафтадан
4. Ўша куннинг ўзида
5. 2 ойдан кейин

14. Юқори жагда қайси тиши гурухлари олингандан, гаймор бўшлиғи тубининг тешилиб қолиш хавфи кўпроқ бўлади?

1. 1,2
2. 2,3
3. 5,6,7
4. 4,5
5. 8

- 15. Күрсатилгандардан қайси бири тиши олиши операциясынан қарши күрсатма ҳисобланмайды?*
1. Қон касаллуклари
 2. Сурункали зотилжам
 3. Геморрагик диатезлар
 4. Юқори нафас йүллари яллиғланиши
 5. Инфарктдан кейинги биринчи кунлар
- 16. Қайси касаллукда тиши олингач унинг катакчасидан қон кетмайды?*
1. Геморрагик диатезларда
 2. Гемофилияда
 3. Лейкозда
 4. Хафақон (гипертония) касаллигига
 5. Гипотонияда
- 17. Юқори жағдаги қайси тишлиарни ротация қилиш ҳардаты билан олиш мүмкін?*
1. Ҳамма тишлиарни
 2. Ҳамма премолярларни
 3. Ҳамма фронтал тишлиарни
 4. Ҳамма премоляр ва молярларни
 5. Фақат моляр тишлиарни
- 18. Тиши олиши операциясидан олдин, тиши атрофи милкига қайси препарат билан ишлов бералади?*
1. 80⁰ спирт
 2. 1:10000 нисбатдаги калий перманганат эритмаси
 3. 1% йод настойкаси
 4. 5% йод эритмаси
 5. Хлоргексидин эритмаси
- 19. Юқори жағдаги күп илдизли тишлиарнинг қайси илдизини ротация қилиш йөли билан олиб ташлаша мүмкін?*
1. Молярларнинг ҳамма илдизларини
 2. Фақат 5 та тишининг танглай илдизини
 3. Моляр тишлиарнинг танглай илдизини
 4. Промолярларнинг ҳамма илдизларини
 5. Моляр тишлиарнинг лунж илдизларини

20. *Пастки ўнг томондаги катта жағ тишларини олиш пайтидаги врачнинг ҳолатини кўрсатинг:*
1. Беморнинг олд томонида
 2. Бемордан ўнг томондан олдинроқда
 3. Бемордан ўнг томонда, орқароқда
 4. Беморнинг орқа томонида
 5. Беморнинг олд томонида ўтирган ҳолда
21. *Агар пастки моляр тишни олиш пайтида, унинг битта илдизи олинган бўлиб, иккинчиси синиб қолса, уни олиш учун қайси элеватордан фойдаланилгани маъқул?*
1. Бурчак остида эгилган элеватор
 2. Тўғри элеватор
 3. Леклюз элеватори
 4. Эчки туёғисимон элеватор
 5. Қачовсимон (Долото) элеватор
22. *Чуқурда синиб қолган тиш илдизини олиб ташлаш учун қайси жарроҳлик операциясини бажарган маъқул?*
1. Тиш илдизи учи резекцияси
 2. Цистектомия
 3. Альвеолотомия
 4. Гемисекция
 5. Реплантация
23. *Ўсиб чиқмай қолган ва горизонтал ҳолда ётган пастки жағдаги ақл тишни олиш учун энг маъқул бўлган жарроҳлик усулини кўрсатинг:*
1. Олдин 7-тишни олиб, сўнг 8-ни олиш
 2. 7-тишни олиб ташлаш, 8-ни жойда қолдириш
 3. 8-тишни кесиб бўлаклаб олиш
 4. Тўғри элеватор ёрдамида кўтариш
 5. Жағ суягини қисман остеотомия қилиш
24. *Альвеолотомия операциясига бўлган кўрсатмани аниқланг:*
1. Алоҳида жойлашган илдизни олишда
 2. Чуқурда синиб қолган тиш илдизи бўлакларини олишда
 3. Бир неча илдизни бирваракайига олишда
 4. Гемисекция операциясини бажариш пайтида
 5. Реплантация операциясини бажариш пайтида

25. *Тиши олиш операциясини бажарыши пайтида, тиши ёки илдиз қайси жойға беҳосдан тушиб қолғанда энг оғир асорат келиб чиқиши мүмкін?*
1. Овқат ҳазм қилиш трактика
 2. Нафас йўлларига
 3. Юқори жағ бўшлиғига
 4. Жағ атрофидаги юмшоқ тўқималар ичига
 5. Бурун бўшлиғига
26. *Альвеолит касаллиги қай вақтда келиб чиқиши мүмкін?*
1. Тиши катакчасига тиши тошлари тушиб қолғанда
 2. Тиши катакчасига тиши кариеси бўлаклари тушганда
 3. Тиши катаги деворларини ўта майдалаб тиши олганда
 4. Катакча тубида грануляцион тўқима қолғанда
 5. Катакчада суяқ бўлакчалари қолғанда
27. *Олингандишини түхтамашининг энг самарали усулини кўрсатинг:*
1. Катак ичини маҳкам тўлдириб йодоформли тампон кўйиш
 2. Қон кетган жойни перманганат калий кристали билан куйдириш
 3. Тиши катаги четларини қаттиқ сиқиш
 4. Венага аминокапрон кислота эритмасини қуиши
 5. Ташқи уйқу артериясини вақтинча сиқиш
28. *Чукурда ётган тиши илдизларини катакчалардан сугуриб олишда ишлатиладиган асбоб нима деб аталади?*
1. Долото
 2. Экскаватор
 3. Омбур
 4. Элеватор
 5. Распатор
29. *Қайси касалликда «касал» тишини олиб ташлаш шарт эмас?*
1. Юқори жағдаги ўткир остеомиелитда
 2. Одонтоген флегмоналарда
 3. Ўткир йирингли периодонтитда

4. Пастки жағдаги ўткир остеомиелитда
 5. Сурункали остеомиелитда
30. *Кўрсатилган асоратлардан қайси бири кечки асорат га киради?*
1. Пастки катак нерв неврити
 2. Пастки жағнинг синиб қолиши
 3. Юқори жағ бўйлиги тубининг тешилиб қолиши
 4. Тиш илдизининг синиб қолиши
 5. Қўшни турган тишнинг ўрнидан чиқиб кетиши
31. *Санчгич найзасимон (штыковидный), лунжларининг учлари қўшилмаган ва бўйин қисми узайтирилган омбур қайси тишларни олишга мўлжалланган?*
1. Фақат юқори чапдаги 8-тиш учун
 2. Фақат юқори ўнгдаги 8-тиш учун
 3. Юқори премолярлар учун
 4. Юқори 6- ва 7-тишлар учун
 5. Юқори ақл тишлари учун
32. *Тишга омбур қўйилганда врачнинг эътибори алоҳида нималарга қаратилган бўлиши керак ...?*
1. Омбур тишларининг тиш тожидан тойиб кетмаслигига
 2. Омбур тишлари милкни қўшиб ушламаслигига
 3. Қўл билан омбурни ўта қаттиқ сиқмасликка
 4. Омбур тишлари ўқининг тиш ўқига мос тушишига
 5. Биринчи ҳаракатни тўғри қилишига
33. *Юқори жағдаги курак ва қозиқ тишларни олганда ишлатиладиган омбурни кўрсатинг:*
1. Тўғри шаклдаги, лунжлари текис, қўшилмаган
 2. «S»-симон шаклда, лунжлари текис, қўшилмаган
 3. Баянет (санчгич найза) шаклидаги
 4. Қўштумшуқ шаклда ясси томонга эгилган
 5. Қўштумшуқ шаклда лунжлари қўшилган
34. *Юқори жағдаги премоляр тишларни олганда ишлатиладиган омбурни кўрсатинг:*
1. «S»-симон шаклда, лекин бир лунжда тишчаси бор

2. Түғри шаклда, лунжлари текис, қўшилмаган
 3. «S»-симон шаклда, лунжлари текис, қўшилмаган
 4. Санчғич найзасимон, учлари қўшилган
 5. Санчғич найзасимон, узайтирилган бўйинли
35. Юқори жағ ўнг томонидаги б-тишин олишда ишлатиладиган омбурни кўрсатинг:
1. Санчғич найзасимон
 2. «S»-симон ўнг лунжида тишчаси бор
 3. Тўғри шаклда
 4. «S»-симон чап лунжида тишчаси бор
 5. «S»-симон лунжларида тиши йўқ
36. Пастки жагдаги 8-тишин олишда ишлатиладиган омбурни кўрсатинг:
1. Қўшумшуқсимон, қовурғасига қараб эгилган
 2. Қўшумшуқсимон, лунжларининг учи қўшилган
 3. Санчғич найзасимон
 4. Қўшумшуқсимон, текислигига қараб эгилган
 5. «S»-симон кўриниша
37. Элеваторлар бўлади:
1. Қовурғасига қараб эгилган
 2. Текислигига қараб эгилган
 3. Икки томонлама
 4. Юқори ва пастки жағлар учун
 5. Ўнг, чап ва тўғри
38. Қайси омбур пастки жагдаги тишлар ва уларнинг илдизларини олиш учун умуман қўлланилмайди?
1. Қўшумшуқсимон қовурғасига қараб эгилган
 2. Қўшумшуқсимон, текислигига қараб эгилган
 3. «S»-симон
 4. Қўшумшуқсимон, тишлари бир-бирига тегиб турувчи
 5. Найзасимон (штыковидные)
39. Юқори жагдаги тишлар ва уларнинг илдизларини олиш учун умуман қўлланилмайдиган омбурларни кўрсатинг:
1. «S»-симон
 2. Тўғри шаклдаги

3. Найзасимон шаклдаги (штыковидные)
 4. Құштумшуқсимон, қовурғаси томон эгилган
 5. Элеваторлар
40. *Тишларни олиш операциясида қайси асбоб құлланил-майды?*
1. Гладилка
 2. Леклюз элеватори
 3. Шпатель
 4. Омбурлар
 5. Түғри элеватор
41. *Юқори жағдаги курак ва қозық тишларни олганда ишлатиладиган омбурни күрсатинг:*
1. «S»-симон шаклдаги
 2. Баянет(санчғич найза) шаклидаги
 3. Түғри шаклдаги
 4. Құштумшуқсимон шаклда ясси томонга эгилган
 5. Құштумшуқсимон шаклда учлари қүшилган
42. *Юқори жағдаги б-тишиннег илдизларини олишда ишлатиладиган омбурни күрсатинг:*
1. Милтиқ найзасимон, лунжлари силлиқ, қүшилган
 2. «S»-симон ўңг лунжида тищаси бор
 3. Түғри шаклда
 4. «S»-симон чап лунжида тищаси бор
 5. «S»-симон, лунжларida тиши йўқ
43. *Чуқурда синиб қолган тиши илдизини олиб ташлаш учун қайси жарроҳлик операциясини бажарган маъқул?*
1. Тиш илдизи учи резекцияси
 2. Альвеолотомия
 3. Цистэктомия
 4. Гемисекция
 5. Реплантация
44. *«S»-симон, ўңг лунжида тищаси бор омбур қайси тишларни олишга мұлжалланған?*
1. Юқори чапдаги 6- ва 7-
 2. Юқори чапдаги 8-

3. Юқори ўнгдаги 7- ва 6-
 4. Юқори ўнгдаги 8-
 5. Юқори чапдаги 6, 7- ва 8-
45. «*S*»-симон, ўнг лунжисида тишласи бор омбур қайси тишиларни олишга мүлжалланган?
1. Юқори ўнгдаги 7- ва 6-
 2. Юқори ўнгдаги 8-
 3. Юқори чапдаги 6- ва 7-
 4. Юқори чапдаги 8-
 5. Юқориги премолярлар учун
46. «*S*»-симон, лунжларининг учи ярим айланада бўлиб силлик тугаган омбур қайси тишиларни олишга мүлжалланган?
1. Юқори премолярларни
 2. Юқори фронтал тишиларни
 3. Юқори чапдаги 1- ва 2-
 4. Юқори чапдаги 6- ва 7-
 5. Юқори ақл тишиларини
47. Милтиқ наизасисимон (штыковидные) лунжларининг учлари қўшилмаган ва бўйин қисми узайтирилган омбур қайси тишиларни олишга мүлжалланган?
1. Фақат юқори чапдаги 8-тиш учун
 2. Фақат юқори ўнгдаги 8-тиш учун
 3. Юқори премолярлар учун
 4. Юқори ақл тишилари учун
 5. Юқори 6- ва 7-тишлар учун
48. Кўштумшуқсимон, иккала лунжининг учида ҳам тиканаги бор омбур қайси тишиларни олишга мүлжалланган?
1. Фақат пастки 6-тишни
 2. Фақат пастки 7-тишни
 3. Пастки моляр тишиларни
 4. Фақат пастки 8-тишни
 5. Фақат пастки премолярларни
49. Тиш олингач, қанча вақтдан кейин тиш катаги остеомиелити пайдо бўлиши мумкин?

1. 2 ҳафтадан
 2. 3 кундан
 3. Бир ойдан
 4. Ўша куннинг ўзида
 5. Икки ойдан кейин
50. Юқори чап томондаги б-тиши қайси омбур билан олинади?
1. Милтиқ найзасисимон
 2. Тўғри шаклдаги
 3. «S»-симон, ўнг лунжида тиканаги бор
 4. «S»-симон, лунжлари икки томонда силлиқ
 5. «S»-симон шаклдаги, чап лунжларида тиканаги бор
- ЖАРРОҲЛИК СТОМАТОЛОГИЯСИДА ОГРИҚСИЗЛАНТИРИШ
51. Тиши олиш операциясида қўлланиладиган оғриқсизлантириши усули:
1. Маҳаллий
 2. Умумий (наркоз)
 3. Комбинацияланган
 4. Нейролептанальгезия
 5. Атаральгезия
52. Умумий оғриқсизлантиришига киради:
1. Атаральгезия
 2. Ўтказувчи оғриқсизлантириш
 3. Эндотрахеал наркоз
 4. Вагосимпатик блокада
 5. Инфильтрацион оғриқсизлантириш
53. Йирингли ўчоқ атрофидаги тўқимани оғриқсизлантиргандага новокаиннинг таъсир кучининг пасайиши нимага боғлиқ?
1. Юз-жаф соҳасида қон айланишининг ўзига хослигига
 2. Юз-жаф соҳаси иннервациясининг ўзига хослигига
 3. Юмшоқ тўқимадаги ишқорий муҳитининг нейтраллашига
 4. Йирингли ўчоқ кислотали муҳитининг нейтраллашига
 5. Йирингли ўчоқ атрофига кучли инфильтрациянинг борлигига

54. Ингаляцион наркоз учун құлланилади:

1. Фторотан
2. Калипсол
3. Оксигенитрат натрий
4. Дроперидол
5. Фентанил

55. Маҳаллий анестезияни бажарыши пайтида қон қуюлиш (гематома) ниманинг ҳисобига пайдо бўлади?

1. Асептика қоидалари бузилиши
2. Нина билан томир девори заарланиши
3. Анестетик жуда тез юборилиши
4. Томир деворини анестетик оқими заарлаши
5. Томир девори ўтказувчанлигининг ошиб кетиши

56. Ноингаляцион наркоз турига киради:

1. Маскали
2. Эндотрахеал
3. Ўтказувчан
4. Назофарингиал
5. Вена ичига юбориладиган

57. Ноингаляцион наркоз учун құлланилади:

1. Сембревин
2. Фторотан
3. Эфир
4. Азот оксид
5. Септонес

58. Ноингаляцион наркоз учун құлланилади:

1. Фторотан
2. Эфир
3. Гексенал
4. Трилен
5. Азот оксид

59. 2% лидокаин эритмасининг юз-жаг соҳасида оғриқсизлантиришида құлланиладиган энг юқори миқдорни күрсатинг:

1. 10 мл
2. 30 мл
3. 50 мл

4. 80 мл
5. 100 мл
60. Узок давом этадиган ва жароҳат билан кечадиган операцияларда қўлланиладиган наркоз турини кўрсатинг:
1. Маскали
 2. Вена ичиға қилинадиган
 3. Электронаркоз
 4. Эндотрахеал
 5. Ректаль
61. Нейролептанальгезияда препаратлар тайинланади:
1. Ичирилади
 2. Вена ичиға
 3. Ингаляцион йўл билан
 4. Мушак ичиға
 5. Тери остига
62. Нейролептанальгезияда қўлланиладиган препаратларни кўрсатинг:
1. Дроперидол, фентанил
 2. Дипидолор, пенталгин
 3. Гексенал, сомбревин
 4. Циклопропан, морфин
 5. Промедол, трентал
63. Нейролептанальгезиянинг пайдо бўлганлиги белгиси:
1. Нейровегетатив тормозланиш
 2. Ҳаракатчан қўзгалиш
 3. Релаксация ҳолати
 4. Автоматик нафас олишнинг йўқолиши
 5. Руҳий-эмоционал индифферентлик ҳолати
64. Атараальгезия дегандা тушунилади:
1. Оғриқсизлантиришнинг алоҳида усули
 2. Ингаляцион наркознинг бир тури
 3. Ноингаляцион наркознинг бир тури
 4. Нейролептанальгезиянинг бир тури
 5. Нинарефлексоанальгезиянинг бир тури

65. Атапальгезия учун құлманиладиган препараттар гурухы:
1. Транквилизаторлар
 2. Ухлатувчилар
 3. Тинчлантирувчилар
 4. Наркотик моддалар
 5. Аллергияга қарши дорилар
66. 2% тримекаин эритмасининг юз-жаг соҳасида оғриқсизлантиришда құлманиладиган әнг юқори миқдорини күрсатинг:
1. 20 мл
 2. 10 мл
 3. 30 мл
 4. 50 мл
 5. 100 мл
67. Үмумий оғриқсизлантиришга күрсатма бўла олади:
1. Операциянинг жароҳат билан кечиш эҳтимоли
 2. Қисқа муҳлатли операциялар
 3. Бемордаги руҳий-эмоционал зўриқиши
 4. Бемордаги буйрак касалликлари
 5. Бемордаги жигар касалликлари
68. Үмумий оғриқсизлантиришини ўтказишга қарши кўрсатма:
1. Маҳаллий анестетикларга аллергиянинг мавжудлиги
 2. Ошқозоннинг тўлалиги
 3. Бемор руҳиятининг ноқарорлиги
 4. Бемор ёш бола бўлганлиги
 5. Бир йўла бир неча тишни олиш ва даволаш лозимлиги
69. Пастки жаг уч шохли нервнинг қайси толаси билан иннервацияланади?
1. II
 2. I
 3. III
 4. I ва II
 5. II ва III

70. Юқори жағ уч шохли нервининг қайси толаси билан иннервацияланади?

1. II
2. III
3. I
4. I ва III
5. II ва III

71. Юқори жағ нерви мия бўшлигидан қандай тешик орқали чиқади:

1. Овал
2. Уйқу
3. Думалоқ
4. Ёриқ
5. Катта

72. Туберал анестезияда юқори катак нервининг қайси қисми блокада қилинади?

1. Орқа
2. Ўрта
3. Олдинги
4. Орқа ва ўрта қисми бирданига
5. Олдинги ва ўрта қисми бир вақтда

73. Туберал анестезия қилинганда оғриқсизлантириши зонасига киради:

1. 8 ± 8
2. 54 ± 45
3. 87654 ± 678
4. 876 ± 678
5. 76 ± 67

74. Инфраорбитал анестезияда юқори катак нервининг қайси толалари блокада қилинади?

1. Олдинги ва орқа
2. Ўрта ва орқа
3. Фақат олдинги
4. Фақат ўрта
5. Олдинги ва ўрта

75. *Юқори жағда инфраорбитал анестезия қилингандан оғриқсизлантириши зонасынан киради:*
1. Юқори лаб ва бурун қанотлары иккала томондан
 2. Юқори 1, 2, 3, 4, 5-тишлар ва вестибуляр томондаги шиллиқ қават
 3. Моляр тишлилар соҳаси
 4. Премоляр тишлилар соҳаси
 5. Юқори фронтал тишлилар иккала томондан
76. *Катта танглай тешииги соҳаси (палатинал) оғриқсизлантирилгандан қайси нерв толалари блокада қилинади?*
1. Катта танглай нерви
 2. Бурун-танглай нерви
 3. Юқори ўрта тишиллери
 4. Юқори орқа тишиллери
 5. Юқори олдинги тишиллери
77. *Катта танглай тешииги соҳаси (палатинал) оғриқсизлантирилгандан танглай томондаги шиллиқ қаваты қайси тишиллери түгристегінде оғриқсизлантирилади?*
1. Биринчи премоляргача
 2. Четдеги курал тишиллери
 3. Қозиқ тишиллери
 4. Марказий курал тишиллери
 5. Биринчи моляргача
78. *Курал тешииги соҳаси оғриқсизлантирилгандан блокада қилинган зонага альвеолар ўсимтанинг шиллиқ қаваты киради:*
1. Курал ва қозиқ тишиллери түгристегі танглай томондан
 2. Курал ва қозиқ тишиллери түгристегі вестибуляр томондан
 3. Курал ва қозиқ тишиллери түгристегі иккала томондан
 4. Курал тишиллардан биринчи премоляргача танглай томондан
 5. Курал тишиллардан премоляргача вестибуляр томондан

79. Пастки жаг нерви уч шохли нервнинг қайси толасига киради?
1. II
 2. I
 3. III
 4. I ва II
 5. II ва III
80. Пастки жаг нерви мия бўшлигидан қайси тешик орқали чиқади?
1. Думалоқ
 2. Овал
 3. Уйқу
 4. Ёриқ
 5. Катта
81. Уч шохли нервнинг ҳаракатлантирувчи толасига киради:
1. n. auriculotemporalis
 2. n. ligialis
 3. n. buccalis
 4. n. alveolaris inferior
 5. n. massatericus
82. Оғиз ичидан аподактил усулда бажариладиган мандибуляр анестезияда анатомик ориентир ҳисобланади:
1. Қанот-тантглай қатлами
 2. Моляр орқаси чуқурчаси
 3. Чакка тожи
 4. Ўтувчи бурма
 5. Тантглай пардаси
83. Торусал анестезияда қайси нерв толалари блокада қилинади?
1. Тил ва пастки катак
 2. Тил ва лунж
 3. Тил ва энгак
 4. Тил, лунж ва пастки катак
 5. Тил, пастки катак ва энгак

84. *Лунж нерви огриқсизлантирилганда блокада зонасига лунж ва альвеоляр ўсиқнинг шиллиқ қавати киради — иккинчи моляр тўғрисидан то:*
1. Биринчи премоляргача
 2. Қозиқ тишгача
 3. Иккинчи премоляргача
 4. Четдаги курак тишгача
 5. Марказий курак тишгача
85. *Тил нерви огриқсизлантирилганда нинани тил-жаг тарновчаси соҳасидаги шиллиқ қаватга қайси тишининг тўғрисигача санчилади?*
1. Биринчи моляр
 2. Иккинчи моляр
 3. Учинчи моляр
 4. Иккинчи премоляр
 5. Қозиқ
86. *Пастки жаг нерви танаси қайси ердан огриқсизлантирилади:*
1. Овал тешик атрофидан
 2. Уйқу тешиги атрофидан
 3. Ўсимтасимон тешик атрофидан
 4. Думалоқ тешик атрофидан
 5. Катта тешик атрофидан
87. *Пастки жаг нервининг ҳаракатлантирувчи толалари қандай ҳолатларда блокада қилинади?*
1. Яллиғланиш контрактурасида
 2. Чандиқли контрактурада
 3. Ёноқ суюги репозициясида
 4. Пастки жағ синганда
 5. Тишлар синганда
88. *Бершे—Дубова усулида қайси нерв толаларини блокада қилиши кўзда тутмилади?*
1. Тил, лунж ва пастки альвеоляр нервларни
 2. Тил ва пастки альвеоляр нервларни
 3. Уч шохли нервнинг ҳаракатлантирувчи толаларини
 4. Лунж ва пастки альвеоляр нервларни
 5. Юқори ва пастки жағ нервларини бир вақтда

89. Танали (стволовая) анестезияда оғриқсизлантириш зонаси қамраб олади:
1. Жағнинг түлиқ бир томонини
 2. Тишларни
 3. Жағларнинг шиллиқ қаватини
 4. Ёноқ ва лунж соҳаларини
 5. Кўз ости ва лунж соҳаларини
90. Юқори жаг нервининг танали (стволовая) анестезияси қайси тешик атрофига қилинади?
1. Думалоқ
 2. Уйқу
 3. Овал
 4. Ўсимтасимон
 5. Катта
91. Новокаин эритмасига адреналин кўшилганда унинг оғриқсизлантириши кучининг ошиши нимага боғлиқ?
1. Адреналиннинг оғриқ рецепторларига таъсирига
 2. Тахикардия пайдо бўлишига
 3. МНС га адреналиннинг тинчлантирувчи таъсирига
 4. Юборилган жойдан новокаин резорбцияси камайишига
 5. Адреналиннинг томирни кенгайтирувчи таъсирига
92. Уч шохли нервнинг II ва III шохларини танали (стволовая) анестезия қилинганда мўлжал қилиб олинади:
1. Чайновчи қирраси
 2. Чакка ости қирраси
 3. Понасимон суюқ қанотсимон ўсимтасининг ташқи пластинкаси
 4. Кўзнинг чекка қирраси
 5. Пастки жағ шохининг яримойсимон кемтиги
93. Танали (стволовая) анестезия қилинганда нинанинг узунлиги:
1. 7 — 8 см
 2. 10 — 15 см
 3. 3 — 4 см

4. 10 — 12 см
5. 10 см
94. *Вайсблат усулида юқори жағ нерви анестезия қилинганда нинани санчадиган жойнинг мўлжали:*
1. Ёноқ-альвеоляр қирра
2. Бўғим дўмбоқчаси
3. Трагоорбитал чизиқнинг ўртаси
4. Бўғим бошчаси
5. Кўз косасининг чеккаси
95. *Ўтказувчан анестезия қилинганда эҳтимоли бўлган маҳаллий асоратлар:*
1. Неврит
2. Невралгия
3. Вазопатия
4. Тромбофлебит
5. Сиалоаденит
96. *Танали (стволовая) анестезияда бевосита маҳаллий асорат ҳисобланади:*
1. Нина учининг бурун бўшлиғига тушиши
2. Нина билан артерияга жароҳат етказиш
3. Ҳушдан кетиш
4. Неврит
5. Невралгия
97. *Маҳаллий оғриқсизлантиришининг бевосита умумий асоратига киради:*
1. Қисқа ҳушдан кетиш (обморк)
2. Гематома
3. Контрактура
4. Нинанинг синиб қолиши
5. Тиш илдизи ёки тожининг синиши
98. *Маҳаллий анестетикларнинг заҳарли таъсири билинади:*
1. Анестетик концентрацияси камайганда
2. Гипертреозда
3. Томирлар бирдан кенгайганда

4. Аnestетик қон томир ичига тушганда
5. Томирлар бирдан торайганда

99. Аnestетик миқдори ошириб юборилганда бевосита умумий асорат ҳисобланади:

1. Тризм
2. Аnestетик юборилган жойдаги қизариш
3. Ҳаракат құзғалиши, қалтираш
4. Нинанинг синиб қолиши
5. Тиш илдизи ёки тожининг синиши

100. Обморк—бу:

1. Антигенга қарши аллергия ҳолати
2. Ҳүш сақланған ҳолда томирлар етишмовчилиги
3. Ҳүш сақланған ҳолда қон босимининг ошиши
4. Артериал қон босимининг пасайиши
5. Мушаклар тонуси йўқолиши билан кечувчи ҳушдан кетиш

101. Адреналин миқдори ошириб юборилганда беморга нима қилиш керак?

1. Вена ичига 1 мл 0,1% атропин
2. Вена ичига 1 мл мезатон
3. Мушак ичига 1 мл норадреналин
4. Мушак ичига 1 мл витамин B₁₂
5. Вена ичига 1 мл кокарбоксилаза

102. Коллапс пайтида беморнинг ҳуши:

1. Йўқолган бўлади
2. Қисман сақланиб қолади
3. Қисман йўқолган бўлади
4. Сақланиб қолади
5. Бунинг аҳамияти йўқ

103. Коллапс—бу:

1. Мушаклар тонуси йўқолиши билан кечувчи ҳушдан кетиш
2. Антигенга қарши аллергия ҳолати
3. Ҳүш сақланған ҳолда томирлар етишмовчилиги

4. Ҳуш сақланган ҳолда қон босимининг ошиши
5. Артериал қон босимининг пасайиши

104. Коллапс пайтида бемор териси:

1. Ҳўл, оқарган
2. Қуруқ оқарган
3. Қуруқ қизарган
4. Ҳўл, қизарган
5. Ҳўл, шишган

105. Коллапс пайтида бемор томирининг уриши:

1. Ипсимон, сескин
2. Тез, ипсимон
3. Тез, яхши тўлиб оқади
4. Секин, яхши тўлиб оқади
5. Меъёр даражасида бўлади

106. Коллапс пайтида беморнинг артериал қон босими:

1. Ошиб кетади
2. Пасаяди
3. 10 — 15 мм. сим. уст. даражасига ошади
4. Кескин даражада ошади
5. Ёши меъёр даражасида сақланади

107. Коллапс пайтида беморнинг нафас олиши:

1. Юза
2. Чуқур
3. Чейн-Стокча
4. Чуқур, уйқу чақурчасининг ботиши билан
5. Чуқур, қовурғалараро мушакларининг ботиши билан

